| | Муаллифлар | Мақолалар номи | Журнал сони |
|---|---|---|---|
| Ш | Шодиев Н. Дониев Б. | Меҳнат таълими ўқитувчиси педагогик фаолиятини назорат қилишнинг назарий асослари | 5 |
| | Шодмонова М. | Адабиёт ўқитувчисининг касбий тайёргарлигини узвийлик асосида ривожлантириш модели | 6 |
| | Шодмонова Ш.С. Эминова Н.Ф. | Ўқувчи-ёшларда мустақиллик тафаккурини шакллантириш ва ривожлантириш жараёни самарадорлиги | 6 |
| | Шомуротова Н.Н. Тошпўлатова Ф.Н. | Шахс хулқини шакллантиришда ижтимоий рекламаларнинг ўрни | 2 |
| | Шоумаров F.Б. | Ўзбекистон Республикасида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш муаммолари ва истиқболлари | 1 |
| Э | Эргашев Ш.Т. Коротина В.Г. | Профориентационные возможности общеобразовательных предметов в 4-ом классе начальной школы | 1 |
| | Эргашев Р.Н. | Эстетическое содержание бесед с младшими школьниками о прекрасном в природе: рекомендации будущему учителю | 2 |
| | Эргашева Н. | Аждодларни хотирлаш орқали болаларда ғурур ҳиссини шакллантириш | 4 |
| Ю | Юсупова Ё. Саидова Ф. | Ўқитишда педагогик-психологик ҳолатни кўриш технологияси | 5 |
| Я | Якубова Е.Б. | Технология реализации межпредметных связей в теории и практике образования | 6 |
| Қ | Қосимова Н. | Кар болалар ўйин фаолиятининг ижобий самараси | 1 |
| | Қурбонова Г.А. | Ота-она муносабати ва фарзанд ижтимоий перцепцияси | 3 |
| | Қурбонова Ю.Ю. | Бошланғич таълим ўқитувчисининг иқтисодий таълим-тарбия бўйича фаолиятини назорат қилиш | 6 |
| Ғ | Ғайибова Н. | Ўсмирнинг тенгқурлари билан муносабатларига сиблинг мақомининг таъсири | 6 |
| Ҳ | Ҳайдаров С. | Ўзбекистон тарихи дарслари самарадорлигини оширишда тасвирий санъат воситаларидан фойдаланиш | 2 |
| | Ҳайитов О. Джалалова С. | Замонавий таълим менежери карьерасининг ижтимоий-психологик жиҳатлари | 2 |
| | Ҳамидова М.У. | Эшитишда нуқсони бўлган болалар лексикасини шакллантириш усуллари | 4 |
| | Ҳамидова М.У. | Мактабгача ёшдаги эшитишида нуқсони бўлган болаларни оилада тарбиялаш | 7-8 |

***ИЛОВАЛАР***

| | | |
|---|---|---|
| «Ўқувчиларни узлуксиз касб-ҳунарга йўналтиришнинг истиқболлари» мавзусидаги республика илмий-амалий конференциясининг якуни тўғрисида буйруқ | | 1 |
| Каримов И. | VI синфда меҳнат таълими дарсларида зардўзлик ишларини ўрганиш. Услубий тавсиялар | |
| Шарипова Д. Тоирова М. Хусанова С. | Умумий ўрта таълим мактабларининг 1-4 синфлари учун «Саломатлик ва ҳаёт хавфсизлиги асослари» курси бўйича ўқув дастури | 2 |
| Абдукаримов Ҳ. | Шарқона тарбиянинг асл моҳияти | |
| Алимходжаева С. Алимова Г. Ҳайдаров Ф. | Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва гиёҳвандликнинг олдини олиш бўйича тарбиявий ишларни кучайтириш юзасидан мактаб амалиётчи психологлари учун тавсиялар | 3 |
| Каримов И. | 6-синфда меҳнат таълими дарсларида электротехника ишларини ўрганиш | |
| Омонов Ҳ.Т. Исматов И.Ш. | «Алкоголь ва никотин – саломатлик душмани» мавзусида кеча ташкил этиш ва уни ўтказиш | 4 |
| Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис тизими мутахассисларининг 2009 йил август кенгашларини ўтказиш бўйича тавсиялар | | 5 |
| Каримов И. Эргашев С. Тоҳиров Ў. | 5-синфда меҳнат таълими дарсларида халқ ҳунармандчилиги ишларини ўрганиш | |
| Каримов И. | V-VII синфларда меҳнат таълими дарсларида электротехника ишларини ўрганиш | 6 |
| Илёсова З.Ф. Хусанова С. Ҳикматуллаев С.Ю. | Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-9-синфлари учун «Ҳаёт хавфсизлиги асослари» курсидан фанлар таркибига интеграцияланган ўқув дастури | 7-8 |



Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот Агентлигининг 2006 йил 18 декабрдаги 0037-сонли гувоҳномаси билан рўйхатга олинган. Нашриёт ҳисоб табоғи 5,11. Босмахона манзили: «KELAJAKKA QADAM» ХК, Х.Рахматуллаев тор кўча, 1 уй. Буюртма №150. Босишга рухсат этилди 22.02.2010. Формати 60х84, 1/8. Шартли ҳисоб табоғи 6.0. Адади 9780 нусхада.



# MAKTAB VA HAYOT

№1 (69)-2010

“ШКОЛА И ЖИЗНЬ”
НАУЧНО-МЕТОДИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ

*Ilmiy-metodik jurnali*

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

## УШБУ СОНДА

**Ж.МУСАЕВ** - Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш мезонлари 2

**Б.Б.ИМАНОВ** - Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг баъзи жиҳатлари 3

**П.С.ЭРГАШЕВ** - Ўсмир бола ва ота-она ўртасидаги муносабатлар психологияси: Азалий муаммонинг оддий ечимлари 7

**М.М.БЕРДИЕВА** - Ўқув-тарбия жараёнида болаларни қўллаб-кувватлаш орқали интеллектуал ривожлантириш имкониятлари 9

**Д.Р.ТУРАЕВА** - “Ўқитувчи-ўқувчи” тизимида ўқитувчи фаолиятининг ўрганилиши 10

**С.МАХМУДОВА, Н.ЖУМАЕВ** - Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолияти ва уни бошқариш технологияси 12

**М.Р.ПЎЛАТХЎЖАЕВА, Д.Б.ЯКУБЖАНОВА** - Ривожланишида нуқсони бўлган болаларни интеграциялаш муаммолари 15

**Д.Т.ПЎЛАТОВА** - Дудуқланувчи болалар билан ўтказиладиган машғулотлар 16

**А.ЙЎЛДОШЕВА, Н,ҚОСИМОВА** - Эшитишида нуқсони бўлган болаларда қўл меҳнатининг аҳамияти ва қоғоздан амалий ишлар 18

**Н.ШОДИЕВ, Ў.ЎТАНОВ** - Унумли меҳнат - талабаларни маънавий шакллантириш воситаси сифатида 20

**Г.О.ОЧИЛОВА** - Тадбиркорлик мотивациясининг гендер установкаларга боғлиқ бўлишида оиланинг роли 22

**О.У.АВЛАЕВ** - Педагогнинг ўзини-ўзи баҳолаши 23

**Қ.О.АРЗИБОЕВ** - Миллий қаҳрамонларимиз тимсолида ўсмир спортчиларни маънавий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш 25

**М.С.САЛАЕВА, Н.А.АСТАНКУЛОВА** - Олий таълим муассасаларида педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш имкониятлари 26

**Ю.М.АСАДОВ, Ш.Ш.ШОМИШОВА** - Роль психологической службы системы народного образования в профилактике девиантного поведения и социальной реабилитации подростков 27

**Р.М.МЕДЕТОВА** - История формирования толерантности и её современное состояние 31

2009 йил “Maktab va hayot” журналида нашр этилган мақолалар кўрсаткичи 33

**ИЛОВА:**
1. Газламашунослик дарсларида тарихий материаллардан фойдаланиш
2. 7-синфда меҳнат таълими дарсларида электротехник ишларни ўрганиш

## ТАҲРИРИЯТ

Бош муҳаррир Р.Ҳ.Жўраев

Бош муҳаррир ўринбосари А.Ш.Закиров

Масъул котиб Х.У.Худайбердиев

ТАҲРИРИЯТ ҲАЙЪАТИ

Б.Бляхер, Б.Дониёров, Н.Муслимов, Ҳ.Рашидов, Ў.Толипов, Ш.Эргашев, К.Ядгарова, Ж.Шосалимов

Мусаҳҳиҳлар Г.У.Рашидова, Е.А.Исахановa

Компьютерда териш ва дизайн И.Рахимжанова, М.Холиқов

Журнал 2001 йилдан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ

100022, Тошкент ш., Қушбеги мавзеси 16А уй, «MAKTAB va HAYOT» журнали
Тел: (371) 250-04-69
Факс: (371) 250-18-59
E-mail: maktabvahayot@sarkor.uz

Муаллифнинг фикри ҳар доим ҳам таҳририят фикрига тўғри келавермайди. Таҳририят мақолаларнинг услубий хатоларини тўғрилаш ва қисқартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Таҳририятга юборилган мақолалар эгасига қайтарилмайди ва тақриз қилинмайди.

Мнение редакции не всегда совпадает с мнением автора. Редакция оставляет за собой право на стилистическую правку и сокращение статей. Присланные в редакцию рукописи не возвращаются и не рецензируются.

Журналдан кўчириб босилганда “Maktab va hayot”дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

ОБУНА ИНДЕКСИ - 1019

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШ САЛОҲИЯТИНИ АНИҚЛАШ МЕЗОНЛАРИ

**Ж.МУСАЕВ - ЎЗПФИТИ докторант тадқиқотчиси**

**Ҳар бир ўқувчининг таълим-тарбия жараёнидаги фаолияти ўзига хос бўлиб, бири-бирини такрорламайди. Шундай экан, уларнинг салоҳиятини, иқтидорини, жараёндаги ҳаракатини бир хилликда баҳолаш, бир мавқеда кўриш албатта ноўрин. Хусусан, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятларида ҳам фарқ катта. Қайсидир ўқувчи мавзу юзасидан материални мавжудлигича қабул қилса, яна бири уни таҳлил этишга, ижобий ва салбий қирраларини топишга, унинг ҳаётийлигини ўрганишга интилади.** Бу йўналишдаги фикрларини ўқитувчиси, синфдошларига баён этади. Дарс жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўладиган бу ҳолат ўқитувчидан катта эътиборни ва масъулиятни талаб этади. Қайд этиш кераккки, таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини йўналтириш белгиланган ўқув дастурини ўзлаштиришга ёрдам беради.

Маълумки таълим методларини муайян педагогик шароитга ҳамоҳанг уйғунлигини таъминлаш таълим сифатини кўтариш омилларидан ҳисобланади. У ўқувчи эгаллаши зарур бўлган билимларни пухта ўзлаштирилиши, дарс жараёнида шогирд ва устознинг толиқмаслиги ҳамда вақтнинг тежалишида намоён бўлади.

Таълим методини асосан дарс мақсадига кўра белгиланиши барчага аён. Аммо таълим методини белгилашда ўқув материали мазмуни билан уни ўрганувчининг салоҳият даражаси ўртасидаги мувозанат, таълим воситаси кабилар ҳам таъсир этишини назардан қочирмаслик зарур. Аксарият ўқув фанларида аралаш дарс типи кўп қўлланилади. Бундай дарсларда ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш янги маълумотни ўрганиш (таянч билимларни бойитиш) ўтилганларни мустаҳкамлаш ва уйга вазифа бериш кабилар кетма-кет кечади.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантиришда асосий эътибор мазмунга, ўрганилаётган материалларнинг тизимлилигига боғлиқ. Бунда ўқувчининг билими, ўрганишга бўлган ҳавасининг сусаймаслигига алоҳида аҳамият берилади. Шу мақсадда «Бугунги мавзуни пухта билган, кейинги мавзуларни шубҳасиз ўзлаштиради» ёки «Бу мавзуни дарс давомида ўзлаштириб улгурилса асло уй вазифага ҳожат қолмайди» сингари даъватлар ўқувчиларни тетиклаштириб, узлуксиз фаоллик таъминланади.

**Ўқув материалидан энг асосийларини ўқувчиларнинг тушуниши ва эслаб қолиши дарс муваффақиятли ўтганлигининг биринчи аломатидир. Тушуниб ва эслаб қолинган билимларгина кейинги дарсга «кўприк» бўла олади.** Дарс жараёнида ўрганилганларни уйда дарслик ва бошқа дидактик воситалардан фойдаланиб мустақил такрорлаш ҳам шу мақсадни кўзлайди.

Булар замонавий дарс режасида, қолаверса, курсни дарсларга тизимли тақсимлашда эътиборда бўлмоғи шарт. Шунингдек, такрорлаш дарсининг аҳамиятини ҳам унутмаслик керак. У умумий ўрта таълим мазмунига хос узвийликнинг тақозоси, қолаверса турли сабабларга кўра дарс қолдирган ўқувчиларнинг синф жамоасидан ортда қолмаслигининг кафолатидир. Ушбу жараёнларни ташкил этиш ва йўналтиришда ўқитувчи ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳиятини даражалай билиши керак бўлади.

Шу ўринда ижтимоий-гуманитар фанлар атроф-муҳит, ижтимоий, иқтисодий йўналишлар билан узвий ҳолда ўқитилиши боис бу фанларга ўқувчиларнинг қизиқиши ўзига хос тарзда кечади. Бунда ўқувчиларнинг иқтидори, мавжуд тажрибаси, имкониятларини ҳисобга олиш муҳим саналади. **Ҳар бир ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаб олиш ўқитувчилар учун зарурдир.** Мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш мезонларининг характерли жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

- ўқув материалларининг ўзлаштирганлик даражасини аниқлаш;
- ўқувчиларнинг иқтидорини, қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчилардаги мустақил фикрлаш ва уни баён қилиш кўникмаларини шакллантириш;
- мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш жараёнидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш йўлларини белгилаш;
- таълим-тарбия жараёнидаги тизимлиликка, узвийликка эришиш.

Ўқитувчи қайд этилган жиҳатларни қамраб олишга эришиши учун ўз устида тинмай ишлаши ва изланиши зарур.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятларини аниқлаш мезонларида турли хилдаги таълим методлари асосий ёрдамчи бўлади.

Бунда ўқитувчи учун керакли бўлган ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлашнинг қуйидаги мезонлари мавжуд:

1. Берилган маълумотларни қабул қилиш ва тушуниш даражаси.
2. Вазиятларни тўғри, аниқ баҳолай олиши.
3. Аниқ стратегияни белгилаши.
4. Қарор қабул қилиш кўникмаси.
5. Хулосалаш даражаси.
6. Берилган билимларнинг ўз ҳаётидаги фойдаланишлик даражасини талқин эта билиши.
7. Воқеликни кўра билиши.

Ушбу мезонлар яхлитланган ҳолда ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳияти асосий 5 та параметр билан аниқланади ва ушбу баҳолаш параметрларини 5 баллик тизимда олинганда ҳар бир параметр 1 баллдан умумий ҳолатда беш балл билан қуйидаги








| | Муаллифлар | Мақолалар номи | Журнал сони |
|---|---|---|---|
| С | Салаева М. Тилавова М. | Болаларни мактабга тайёрлашда боғланишли нутқни ривожлантиришнинг услубий асослари | 7-8 |
| | Санақулов Х. Гаипова Ш. | Бошланғич синф ўқувчиларини меҳнат дарсларида қўл меҳнатига ўргатиш | 7-8 |
| | Сарибаева У.С. | Шарқ мутафаккирларининг асарларида оила ва жинсий ҳаёт масалаларининг талқини | 4 |
| | Сатторов Э.Н. Жўраева С.Н. | Талаба шахси касбий шаклланишида касбий қизиқишларнинг роли | 7-8 |
| | Сахибов А.Х. | Ёшларнинг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлиги | 3 |
| | Сахибов А.Х. | Чақириққача ҳарбий таълим сифатини оширишда ахборот технологияларининг ўрни | 7-8 |
| | Содиқов У. | Математикани ўқитишда синфдан ташқари ишлар орқали ўқувчилар тафаккурини шакллантириш | 7-8 |
| | Солиева Д. | Бошланғич синф ўқувчиларида ўз-ўзини бошқариш хусусиятларини шакллантириш | 4 |
| | Сувонов О. | Юксак маънавият шахс комиллиги манбаидир | 7-8 |
| | Султонова Д.М. | Эшитишида нуқсони бўлган бошланғич синф ўқувчиларида табиатшунослик тушунчаларини шакллантиришда интерфаол усулларнинг аҳамияти | 7-8 |
| Т | Тарсинова Г.А. Ша-ахмедова Л.Р. | Психологическая готовность ребенка к школе | 4 |
| | Терехова О.Е. | Роль дидактической игры на занятиях в дошкольных учреждениях и дома | 3 |
| | Тожибоева Д. | Болангиз касбли ва одобли бўлсин | 4 |
| | Тошқўзиева А.З. | Абдулла Авлоний ижодий меросида иқтисодий тарбия талқини | 2 |
| | Турсунова С. | Мактабгача ёшдаги дизартрик болаларни овоз модуляциясининг баланд-пастлиги бўйича тадқиқ этиш йўллари | 2 |
| | Турсунов С.К. | Интерфаол доскаларнинг имкониятлари | 3 |
| | Турсунов С.К. | Таълимда электрон ўқув ахборот ресурсларини жорий этиш – педагогик омил сифатида | 6 |
| | Турғунов С.Т. Мақсудова Л.А. | Умумий ўрта таълим муассасаларида педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда инновациялар | 1 |
| | Турғунов С.Т. Мақсудова Л.А. | Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқаришда ахборотлар ва коммуникация | 5 |
| У | Убайдуллаев А.Х. | Мактаб ўқувчиларини касбга йўллашда аксиденталь қобилиятларни баҳолаш | 7-8 |
| | Улугбердиев Т.Х. Клименко И.В. | Качество профессионально-педагогического образования | 3 |
| | Умарова Ф. | Мактаб базасида малака ошириш: амалий тажрибалар | 2 |
| | Умарова Х.А. | Математика дарсларида ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини ривожлантириш | 6 |
| | Умурзоқов Д.Х. | Илк ўспиринлик даврида миллий мансубликни ўрганиш масалалари | 4 |
| | Уришов Ш.М. Уришова Г.К. | Ёшларда ахлоқий маданиятнинг шаклланишида мактаб ва оиланинг роли | 4 |
| | Утебаев Т. Айтимбетов М. | Педагогик маҳорат | 5 |
| Х | Халилова Б. | Шахсга йўналтирилган машғулотларнинг самарадорлиги | 2 |
| | Хасанова З.М. | Представление о семье и браке у студенческой молодежи | 4 |
| | Ходжакулова Д. | Талабаларни касбга йўналтиришда қизиқишларнинг роли | 3 |
| | Ходиева Д. | Бошланғич синф меҳнат дарсларида чиқинди материаллари билан ишлаш | 7-8 |
| | Холиқов А. | Кўзи ожиз ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёни | 3 |
| | Холиқов А. | Ҳуқуқий онг – ҳуқуқий таълим тарбиянинг асосий таянчи | 4 |
| | Холиқов А.А. | Ўқувчилар билан педагогик мулоқотни ташкил этиш босқичлари | 7-8 |
| | Холназарова М. | Комил инсон тарбияси: муаммо ва мулоҳаза | 4 |
| | Холматов П. | Шарқ мутафаккирларининг меҳнат тарбияси ҳақидаги педагогик ғоялари | 7-8 |
| | Хусанова С.И. | «Ҳаёт хавфсизлиги асослари»ни ўқитишда фаол усуллардан фойдаланиш | 3 |
| Ч | Чулпонова Х.Т. | Психологические аспекты формирования ценностных ориентаций у учащихся | 4 |
| Ш | Шарафутдинова Х.Г. | Психологияда математик қобилиятларни аниқлаш усули | 7-8 |
| | Шаропова С. | Мактабгача ёшдаги бола шахси шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари | 4 |

| | Муаллифлар | Мақолалар номи | Журнал сони |
|---|---|---|---|
| И | Исламова Г. | Отношения родителей и детей как психолого-педагогическая проблема | 2 |
| | Исламова Г. | Духовность и нравственность у младших школьников | 4 |
| | Исмоилова Г. | Она тили дарсларида ўқувчиларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш | 7-8 |
| | Исроилова Ҳ.М. | Бозор иқтисодиёти шароитида сабзавот ишлаб чиқарилиши иқтисоий самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили | 1 |
| Й | Йўлдошев Ҳ.Қ. | Андрагогика: муаммолар ва ечимлар | 4 |
| К | Камилова Н.Г. Бабаян Н.Г. | Роль смысложизненных ориентаций в профессиональном становлении личности юношеского возраста | 7-8 |
| | Кадырова Х.А. | Социальная психология управления в системе образования | 7-8 |
| | Каракузиева Р.Р. | Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларига маданиятлараро мулоқотни «Behaviour» концепти мисолида ўргатиш психологияси | 6 |
| | Касымова Н.Д. | Психологические особенности подражания в процессе социализации подростков | 5 |
| | Клименко И.В. | Система профессиональной подготовки будущего педагога в высшей школе | 6 |
| М | Мамаражабова З.Н. Қосимова Н.Б. | Ўзинг яса ва қирқ | 3 |
| | Мамаражабова З. | Эшитишда нуқсони бўлган болалар меҳнат тарбияси: муаммо ва ечимлар | 7-8 |
| | Маматова Г. | Бошланғич синф ўқиш дарсларида мақоллар устида ишлаш | 6 |
| | Мардонов Ш.Қ. Арслонов Ю.Л. | Шахслараро инсонпарвар-ахлоқий мулоқотлар | 6 |
| | Маҳмудова Д. | Касб танлашнинг ўқувчиларни жамият ҳаётига мослаштиришдаги ўрни | 5 |
| | Менгнаров Х.Э. | Қадимда ўрта осиё халқларининг табиатга бўлган муносабати | 4 |
| | Миркамалов Ф.Р. | Сущность самостоятельной работы в процессе обучения учащихся | 5 |
| | Мирсолиева М.Т. | Педагогик коллежларнинг мутахассислар тайёрлаш тизимидаги имкониятлари | 7-8 |
| | Мусаев Ж. | Узвий тафаккур пирамидаси | 3 |
| | Мухамеджанова Д.К. | Соғлом оила – баркамол авлод яратувчиси | 4 |
| | Мухамеджанова Д.К. | Ботаника дарсларида ва дарсдан ташқари машғулотларда хона ўсимликларидан фойдаланиш | 7-8 |
| | Мўминов М. | Тарбия жараёни ва педагогик-психологик ташхис | 3 |
| Н | Назарова Ф.Т. | Болалар билан ўтказиладиган ўйин-машғулотларни режалаштириш | 3 |
| | Назаров Ж.Н. | Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларида умумкасбий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш | 4 |
| | Насриддинова Г.С. | Умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларини касб-ҳунарга йўналтириш методлари | 6 |
| | Нишанова З.Т. Тўлаганова Ш.Т. | Ўсмирларда қўрқув хиссларининг намоён бўлиши ва уни бартараф этиш | 4 |
| | Нуркелдиева Ш. | Ақли заиф болаларнинг монологик нутқини ривожлантириш масалалари | 6 |
| | Нурумбекова Я. | Тарбиячи касб фаолиятида педагогик қобилиятларнинг роли | 5 |
| О | Олимова Ф. Санақулова А. | Бошланғич синф меҳнат таълими дарсларида қоғозни буклаш усулида амалий ишлар | 5 |
| П | Пўлатов Ж.А. | Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини касб-ҳунар коллежларига йўналтиришда компонентлар интеграцияси | 2 |
| Р | Равшанова Н.И. | Основные направления осуществления экологического воспитания дошкольников | 5 |
| | Расулов А.И. | Шахсни ўрганиш тестлари ва уларга қўйиладиган психодиагностик талаблар | 1 |
| | Расулова Ф.С. Сайдвалиев С.С. Холимов М.К. | Чизмачиликни ўқитишда ўқувчиларнинг мустақил ишлаш фаолиятини ташкил қилиш масалалари | 6 |
| | Рашидов Х.Х. | Образование в Египте | 7-8 |
| | Раҳимов М.С. | Радиотўгарак машғулотларида хавфсизлик техникаси қоидалари | 5 |
| | Римова М. | Ҳуқуқий тарбиянинг психологик тамойиллари | 2 |
| С | Сабирова Н.Т. | Мактаб таълимида интерфаол технологияларнинг ўрни | 3 |
| | Саидаҳмедова Д.С. | Чизмачилик дарсларида компьютердан фойдаланиб оддий чизмаларни бажариш | 2 |
| | Сакбаева М. Ҳайдарова Р. | Ўқувчиларда ташкилотчилик қобилиятини шакллантиришнинг педагогик ва психологик жиҳатлари | 7-8 |
| | Салаева М. Хўжаниёзова О. | Жисмоний тарбия – мактабгача ёшдаги болалар баркамоллигининг асоси | 5 |





тартибда баҳоланади:

Синф ўқувчиларининг ўзлаштириш ҳолатида бу қуйидагича талқин этилди. Ўзлаштириш даражаси

| Т/р | Баҳолаш параметри | Балл |
|---|---|---|
| 1. | Маълумотларни қабул қилиши | 1 |
| 2. | Маълумотларни таҳлил этиши ва қиёслаши | 1 |
| 3. | Манбалар асосида қўшимча маълумотлар бера олиш даражаси | 1 |
| 4. | Фикрларни баён қилиши, асослай олиши | 1 |
| 5. | Маълум бир вазиятлар, муаммолар юзасидан қарор қабул қилиши | 1 |
| | Жами | 5 балл |

100 % деб олинганда ҳар бир параметр 20% билан белгиланади. Бунда параметрнинг 1 таси мавжуд бўлганда 10%, 2 таси мавжуд бўлганда 40%, 3 таси мавжуд бўлганда 60%, 4 таси мавжуд бўлганда 80%, 5 таси тўлақонли мавжуд бўлганда 100% тарзида белгиланади.

Ўқувчиларнинг ижтимоий-гуманитар таълим жараёнидаги билим, кўникма ва малакалари 1, 2, 3, 4, 5 гача қўйилган баллар, уларнинг ўзлаштириш имкониятларини ифодаловчи баллар бўлиб, уларнинг йиғиндиси 3-3,5 баллга етганда ўқувчининг мустақил фикрлаш салоҳияти етарли деб баҳоланади. Агар 3 баллга етмаган тақдирда ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш учун маълум чора-тадбирлар кўрилиши лозимлиги қайд этилади.

3,5 дан 5 баллга қадар бўлган кўрсаткич юқори даражада эканлиги қайд этилади.

Юқорида қайд этилган ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш параметрлари ўқитувчилар фаолиятини режалаштириш, ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи жараённи ташкил этиш борасидаги эътибор қаратишни тақозо этадиган жиҳатларни аниқ кўрсатиб беради.

Ижтимоий-гуманитар таълим жараёни мазмуни ўқувчининг фикрлаш салоҳиятини, ақлий ривожланишини, мантиқий тафаккурини ўстиришга, ўқувчиларни ўзини ўраб турган борлиқни англаши ҳамда ўз фикр ва туйғуларини ўқув фанлари имкониятларидан самарали фойдаланишга хизмат қилмоғи лозим.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини баҳолаш айнан ижтимоий-гуманитар таълим жараёни натижасининг сифатини яхшилашни назарда тутади.

Хулоса қилиб айтганда, ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш қуйидаги етти талаб асосида амалга оширилмоғи лозим:

1. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш юзасидан белгиланган параметрлари асосида аниқ мақсадларни белгилаш.

2. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш мезонларини тўлақонли ўзлаштирган ҳолда жараёнга ёндошиш.

3. Ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолдаги топшириқларни белгилашга эришиш.

4. Бериладиган топшириқларнинг ўқувчилар томонидан тўлиқ тушунилишига муваффақ бўлиш.

5. Ўқувчилар учун қулай бўлган муддатларда таҳлил этиш.

6. Ўқувчиларга ортиқча материаллар босимини кўпайтирмаслик.

7. Натижаларни таҳлил қилиш жараёнига масъулият билан ёндошиш.

Белгиланган талаблар асосида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини ривожлантириш учун уларни ўқитувчининг тўғри йўналтириши мумкин бўлади.

Мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятига эга бўлган авлодгина Ўзбекистон тараққиётига муносиб хизмат қилади. Бу борада ижтимоий-гуманитар таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш, улардаги мавжуд салоҳиятни ривожлантириш учун имконият катта. Улардан амалиётда самарали фойдаланиш орқали таълим мазмуни сифатининг ошишига эришилади. Зеро ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтириш орқали таълим мазмунида ҳар томонлама самарали бўлган турлича қарашлар вужудга келади. Бу эса соҳалардаги янгиликлар, ихтироларнинг вужудга келишига хизмат қилади. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш салоҳиятини аниқлаш мезонларининг ҳар бир жараёнда тўғри татбиқ этилиши, ўз ўрнида қўлланилиши ўқитувчи учун дарс машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш ишларида қулайликлар яратади.

Rating student's abilities equally is incorrect, because every student will think and mastering given material by his range of interests, thereby some of them may get understand the material as is, but the other will analyze it and try to find the positive and negative aspects.

# ҲАМКОРЛИКДА ЎҚИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ БАЪЗИ ЖИҲАТЛАРИ

**Б.Б.ИМАНОВ – Тер ДУ педагогика факультети декани, п.ф.н., доцент**

Мамлакатимиз таълим тизимининг ҳозирги тараққиёт босқичи, замонавий педагогик технологиялар (ЗПТ)ни қўллаш тажрибаси, ЗПТ ларнинг миллий ва тарихий, мафкуравий шарт-шароитларга жавоб бериши, таълимнинг анъанавий моделлари умумтаълим мактабларида синф-дарс тизими хукмрон бўлган шу вақтда ушбу даврга мос келувчи технологияларни қўллаш ижобий натижа бериши шубҳасиз. Шу фикрлардан келиб чиқиб, кўпгина ривожланган давлатлар таълим тизимида, чунончи, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Исроил, Жанубий Корея, Сингапур мамлакатларида кенг қўлланилиб келинаётган "Ҳамкорликда ўқитиш", "Лойиҳалар услуби", "Табақалашган ўқитиш", "Ўқувчи папкаси", "Ўқитишга индивидуал ва табақали ёндашиш"

технологияларидан фойдаланишни лозим деб ҳисоблаймиз. Буларни ўз тажрибасига қўллашда ихтиёрийлик тамойилидан келиб чиқиш билан бирга бирданига сакраб ўтиш, маъмурий мажбур қилишдан сақланиш лозим. Бунда маъмурий аралашиш фақат уларни қўллаш учун ташкилий-педагогик, моддий база яратиш, ўқув жараёни ва ўқув хоналарини жиҳозлаш жиҳатидан бўлиши мумкин. Уларнинг қайси бирини танлашда педагог ўз имкониятидан келиб чиқиши зарур.

**Ривожланган мамлакатлардаги кўплаб технологиялардан кенг қўлланилаётган ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалар услуби, табақалашган ўқитиш, ўқувчи папкаси каби технологияларни танлашимизда юқоридаги шарт-шароитлардан ташқари, биз мазкур технологияларнинг мавжуд таълим технологиялари: синф-дарс, маъруза, семинарлар белгиловчи бўлган шароитда ҳамда ҳозирги таълим мазмунини инкор қилмай ишлаб чиқилган ДТС, ўқувчилар билимини назорат қилиш (рейтинг, тест) шаклларига мос келиши ҳам назарда тутилди.**

Таклиф қилинаётган технологияларнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, яъни уларнинг ҳозирги таълимдаги ижобий томонларини сақлаган ҳолда қўллаш имкониятининг мавжудлиги. Бундан ташқари, бу технологиялар фалсафий, психологик, педагогик, дидактик моҳиятига кўра инсонпарварлик тавсифга эга. **Буларнинг инсонпарварлик тавсифи фақат назарий ва мафкуравий жиҳатдан миллий мафкура талабларига мос келиши эмас, балки амалий жиҳатдан маънавияти юксак, баркамол инсонни шакллантиришга йўналганлигида. Улар таълимнинг тарбиявий мазмунини кучайтириш, таълимнинг тарбиявий мақсадларини амалга ошириш, ўқув материалини ўқувчилар жамоа бўлиб, бир-бирига суяниб, ҳамкорликда чуқур ва пухта ўзлаштиришини таъминлаш, уларнинг интеллектуал, ахлоқий ривожланишини, мустақил фикрлашини таъминлайди.** Шу билан бир-бирига ёрдам бериш, мулоқотини яхшилашга хизмат қилади. Таълим жараёнида ҳар бир таълим олувчининг фақат ўзигина билимни ўзлаштиришидан манфаатдорлиги асосида унда шаклланувчи рақобат, калондимоғлик, қўполлик, манманлик каби авторитар хислатлардан халос бўлишга замин тайёрлайди. Бу эса бизнинг миллий ва ҳозирги таълимислоҳотимиз талабларига ҳамоҳанг. Бу технологияларнинг таълимдаги асосий моҳияти таълим олувчи шахси камолоти, мулоқоти, танқидий фикрлаши ҳамда ўзига хос индивидуаллигига асосланиши. Шу билан бирга уларнинг анъанавий таълимдаги фақат тайёр билимларни ўзлаштириш ва уларни такрорлашга муқобил услуб сифатида хизмат қилиши. **Мазкур технологиялар услубий жиҳатдан "Ўзбек модели"нинг босқичма-босқич ривожланиш назариясига мос келиб, таълимни тадрижий тарзда моҳият-эътибори билан замонавий технология асосида кўриш имкониятини беради.** Таклиф қилинаётган технологияларни яхлитликда таълим жараёнига қўллаш аста-секин анъанавий услублардан воз кечиб, ЗПТ ва ахборот технология (АТ)ларига ўтиш имкониятини яратади. **Улар психологик ва педагогик моҳияти билан инсонпарварлик тавсифга эга бўлган шахсга йўналган технология: ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳалар услуби, табақали ўқитиш, ўқувчи папкаси ўз мазмун ҳамда моҳияти жиҳатидан ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилади ва яхлит дидактик тизимни ташкил этади. Булар таълим олувчиларни ҳалоллик, ошкоралик, бошқаларга ғамхўрлик, саховат, самимийлик, ўзаро ёрдам руҳида тарбиялайди.**

Шахсга йўналган таълим технологияларини қўллашда қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- таълим олувчининг тажрибаси, билимининг табақалилиги, фанга қизиқиши, билим савияси;
- таълим олувчининг психик хусусияти (хотира, идрок, тафаккур, ўз ҳиссиётини бошқара олиши);
- феъл-атвори ва мижозининг хусусияти. Бир сўз билан айтганда, ўқувчи шахсининг ўзига хос белгиларини эътибордан соқит қилмаслик лозим.

**Ҳамкорликда ўқитишнинг асосини кичик гуруҳларда таълим бериш ташкил қилади.** Унинг ғояси XX асрнинг 20-йилларида Америкалик файласуф ва педагог (прагматизм фалсафасининг асосчиси) Джон Дьюн томонидан ишлаб чиқилган эди. Аммо унинг технологик асослари, яъни кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитишнинг амалий томони шахсни келажак ҳаётга, ишлаб чиқаришга тайёрлашдан иборат. XX асрнинг 70-80-йилларида жаҳоннинг Англия, Канада, Австралия, Нидерландия, Япония, Исроил каби мамлакатларида ҳамкорликда ўқитишнинг турлича шакллари пайдо бўла бошлади. Унинг мафкуравий-назарий асоси XX асрнинг 80-йилларида Американинг Джон Хопкинс университети профессори Р.Славик, Миннесот университети профессорлари Роджерс Джонсон ва Девид Джонсон, Калифорния университети олимлари гуруҳи Дж. Аронсон бошчилигида ҳамда Исроилнинг Тель-Авив университети олимлари гуруҳи Шоломо Шарон раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Ҳамкорликда ўқитиш АҚШ да, Исроил ва Европа мамлакатларида шаклан бир-биридан фарқ қилса-да, моҳият ва назарий асослари умумий ҳисобланади.

АҚШ даги ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг амалий йўналиши-ўқувчига маълум кўникма ва малакаларни, тушунчаларни, назарий билимларни ўзлаштиришга қаратилган. Европа ва Исроил тажрибасида ҳамкорликда ўқитиш кўпинча дарсларда фаолиятни лойиҳалаш, мунозара ташкил қилишга асосланади. Кўряпмизки, ҳамкорликда ўқитиш технологияси жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида ривожлантирилиб, ҳалқаро аҳамият касб этди. Бунинг боиси унинг ўз моҳияти билан инсонпарвар ва педагогик тавсифда эканлигида. **Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг моҳиятини тушуниш учун педагогик амалиётда учрайдиган битта фактга мурожаат қилайлик. Бу ҳам бўлса, ўқувчининг таълим жараёнида ўқув материалини тўлиқ ўзлаштира олмаслиги ёки амалий ишларда хато қилиши. "Хато"-ўқув материали моҳиятини нотўғри тушуниш, нотўғри фикрлаш, билимининг**





## 2009 ЙИЛ «MAKTAB VA HAYOT» ЖУРНАЛИДА НАШР ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР КЎРСАТКИЧИ



| | Муаллифлар | Мақолалар номи | Журнал сони |
|---|---|---|---|
| А | Абдуазимова Д.Ф. | Познавательные игры как средство развития природоведческих представлений у младших школьников | 3 |
| | Абдувалитов Е. | Ўқитиш жараёнида мультимедиали технологияларни қўллаш | 3 |
| | Абдужабборова З.Р. | Дарс жараёнида талабалар фаоллигини ошириш усуллари | 5 |
| | Абдукаримов Ҳ.<br>Шарапова С. | Оила – ижтимоий ҳаётнинг асоси | 1 |
| | Абдукаримов Ҳ. | Касбий-педагогик маҳорат: муаммо ва ечимлар | 7-8 |
| | Абдураззоқов Ҳ. | Маънавий-касбий комиллик сари | 7-8 |
| | Абдурасулов Р.А. | Психологияда спортчи фаолияти масалалари | 3 |
| | Абдурасулов Р.А. | Спортчи характерининг шаклланишида мотивнинг аҳамияти | 7-8 |
| | Авлаев О.У. | Педагогик зўриқишлар ва уларни бартараф этиш | 4 |
| | Агзамова Н. | Психологиянинг инглиз тили ўқув материалларини лойиҳалаш жараёнидаги ўрни | 5 |
| | Азизов К.<br>Рахимов Б.<br>Эргашева Н. | Фарзандларни касб-ҳунарга тўғри йўналтириш ота-онанинг асосий бурчидир | 1 |
| | Алимходжаева С.<br>Ҳайдаров Ф. | Касб-ҳунарга йўналтиришнинг ижтимоий-психологик зарурияти | 1 |
| | Алимходжаева С.<br>Ҳайдаров Ф. | Мактабга қадам (Фарзанди биринчи синфга бораётган ота-оналар учун маслаҳатлар) | 5 |
| | Арифходжаева И.Х. | Ички ишлар идораларида касбий психологик танловнинг аҳволи | 5 |
| | Арсланова М.М. | Роль игры в развитии речи умственно отсталых детей дошкольного возраста | 7-8 |
| | Асадов Й. | Соғлом муҳит – муваффақиятлар омили | 3 |
| | Асадов Ю. | Ўқитувчи профессионализми ва унинг таркибий мазмуни | 1 |
| | Асатова Г. | Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини оширишнинг баъзи омиллари | 1 |
| | Астанақулова М.<br>Бердиева М. | Ўқувчилардаги иродавий сифатларнинг психологик асослари | 3 |
| | Атажанова Р.С. | Бошланғич синф ўқувчилари билан ўқитувчилари орасидаги коммуникатив оралиқни ўрганиш методикаси | 7-8 |
| | Аҳлидинов Р. | Узлуксиз таълим тизимида касб-ҳунарга йўналтириш ишлари самарадорлигини ошириш омиллари | 1 |
| Б | Бабаева О.А. | Общие подходы и принципы проектирования информационной технологии обучения | 6 |
| | Бобошев Т. | Оилада экологик тарбияни шакллантириш | 2 |
| | Бобошев Т. | Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларида синф раҳбарларининг ўрни | 7-8 |
| | Богомолова О.В. | Развитие логических приёмов мышления у детей старшего дошкольного возраста при помощи занимательного математического материала | 2 |
| | Бурханова Г. | Отношение взрослых к образованию | 7-8 |
| Г | Газиева У. | Проблемы экономического воспитания учащихся и подготовки к производительному труду | 3 |
| Д | Джаналиева С.С. | Родительское отношение к ребенку | 1 |
| | Джуманова Д.М. | Мир вокруг ребёнка и творческая развивающая среда | 6 |
| | Джураев Р. | Стандартные и нестандартные уроки | 1 |
| | Джураев Р. | Проблемы и перспективы бизнес – образования | 5 |
| Ё | Ёқубова О. | Баркамол шахсни тарбиялашга ўргатишда педагогик масалалардан фойдаланиш | 6 |
| Ж | Жалилова С.<br>Нажмутдинова Д. | Муваффақиятга эришиш мотивациясининг бугунги кун ёшлари ҳаётида тутган ўрни | 6 |
| | Жумаев М.Э. | Ўқувчиларнинг ижодий шахс сифатида ривожланишини кучайтириш масалалари | 2 |
| | Жўраев Р.<br>Нарольская Ю. | Бошланғич синф ўқувчиларини касб ва меҳнат фаолиятига тайёрлаш | 2 |
| | Жўраев Ё. | Бадиий асарларни ўрганишда адабий таҳлилнинг ўрни | 4 |
| З | Закиров А. | Касб-ҳунарга йўналтиришнинг илмий-методик ва дастурий таъминоти | 1 |
| И | Ибрагимов Х.<br>Хўжабоев Ж. | Педагогик ташхислаш – услубий хизмат фаолият самарадорлигини таъминлаш воситаси | 3 |

Образование с упором на приобретение присущих всемирному сообществу ценностей (терпимость, уважение и признание различий в области культуры; формирование культуры мира) нам представляется как целостная система, состоящая из двух взаимосвязанных звеньев: 1) развитие национального самосознания учащихся на базе своей культуры, языковой среды; 2) овладение достижениями мировой культуры, системой общечеловеческих ценностей.

Только с помощью образования человек и общество могут в полной мере раскрыть свой потенциал. Образование становится значимым фактором, определяющим изменения позиции людей и дающим им возможность оценивать и решать стоящие перед ними задачи для формирования ценностей, навыков и поощрения поведения, совместимого с устойчивым развитием общества.

В сентябре 1994 года в официальных документах Генеральной Ассамблеи Организации Объединённых Наций были обозначены основные направления программы действий в рамках года ООН, посвящённого толерантности. В честь пятидесятилетия образования Организации Объединенных Наций 1995 год был объявлен Годом ООН, посвященным терпимости.

Понятие толерантности формировалось на протяжении многих веков, и этот процесс продолжается до сих пор. «Терпимый - что или кого терпят только по милосердию, снисхождению; терпимость - свойство, качество » ( Словарь В.Даля). Накапливая разносторонние значения, термин «толерантность» стремится соответствовать действительности, в которой многообразные проявления нетерпимости требуют новых средств преодоления. Согласно определению, данному в Декларации принципов толерантности (подписана 16 ноября 1995 года в Париже 185 государствами-членами ЮНЕСКО), толерантность означает «уважение, принятие и правильное понимание богатого многообразия культур нашего мира, наших форм самовыражения и способов проявлений человеческой индивидуальности» [1]. Это определение является наиболее масштабным, подразумевая терпимое отношение к иным национальностям, расам, цвету кожи, полу, сексуальной ориентации, возрасту, инвалидности, языку, религии, политическим или иным мнениям, национальному или социальному происхождению, собственности и пр. Нетерпимость превратилась в одну из крупнейших глобальных проблем современного мира. Её суть в отрицании и подавлении различий между отдельными людьми и культурами.

Принципы толерантности, как и основные права и свободы, закреплены в законодательных актах нашего государства: Конституции Республики Узбекистан, законе Республики Узбекистан «О гарантиях прав ребёнка» (принят Законодательной палатой Республики Узбекистан 23 ноября 2007 года и одобрен Сенатом 1 декабря 2007 года) и ряде других документов. В общей сложности Республика Узбекистан присоединилась к 60 многосторонним международным договорам в области прав человека.

В своем выступлении генеральный директор ЮНЕСКО К.Мацуура отметил, что в последние годы сложилась хорошая традиция проведения совместных мероприятий с узбекской стороной под эгидой ЮНЕСКО. Об этом свидетельствует успешное проведение в Такшкенте в 2000 году международной конференции, на которой была принята Ташкентская декларация толерантности. В сентябре 2000 года в Организации Объединённых Наций прошёл Саммит тысячелетия, собравший лидеров многих стран планеты и определивший основные проблемы, стоящие перед человечеством и требующие безотлагательного решения в целях сохранения цивилизации. Главной задачей сегодняшнего дня является обеспечение мира для всех народов, - отметили участники данного форума.

Парадокс толерантности как ценности заключается в том, что она обязательна для всего человечества. Анализ перечисленных классических концепций толерантности позволил выявить направленность многих из них на её интерпретацию (прежде всего как духовно-нравственного явления). Значит, признание терпимости в качестве одного из основополагающих компонентов мира между нациями имело большое значение для исторического климата, способствовавшего появлению первых современных деклараций о правах человека. Сегодня следует сделать всё, чтобы глобализация стала позитивным фактором для всех и открыла бы широкие возможности для развития каждого человека. В качестве приоритетных ценностей планеты названы свобода, равенство, солидарность, уважение к природе, разделённая ответственность и толерантность как основа международных отношений.

В настоящее время в Республике Узбекистан проводится большая работа по формированию толерантности у молодёжи. Так, в НУУ имени М.Улугбека создан Центр толерантности среди студенческой молодёжи. В институте философии и права имени И.Муминова под руководством профессора З.Р.Кадыровой учёные работают над проектом по воспитанию молодёжи толерантными личностями. В Узбекском научно-исследовательством институте педагогических наук имени Т.Н.Кары Ниязи осуществляется работа по прикладному проекту «Формирование общенационального и толерантного мировоззрения у учащихся и место духовно-психологической службы в данном процессе».

**Литература**

1. Декларация принципов толерантности. - Генеральная ассамблея, 28 сессия, Париж, 16 ноября 1995 года. – SICS – 96/WS – 5. ЮНЕСКО. - 16 с.

2. Узбекистан и международные договоры по правам человека. Сб. международных договоров по правам человека /Отв. ред. проф. А.Х.Саидов. – Т.: «Адолат», 1998, 624 с.





**тўлиқмаслиги, диққатини ўқишга қарата олмаслик тарзида бўлиши мумкин. Буни тузатиш учун қўшимча машқ қилиш, қўшимча дарс ўтиш лозим бўлади. Бу хатоликни таҳлил қилинса, уни ўқитувчи фаолияти билан боғлиқлик экани ёки ўқувчиларнинг ўқув материалини ўзлаштириши учун етарли вақт ажрата олмаганлиги аниқланади.** Педагог бу ташхис асосида ўзининг услуби, ўқитиш технологиясига маълум ўзгартириш киритади.

Агар ўқувчиларга ўқув материалини ўзлаштиришга қўшимча вақт ажратиш лозим бўлса, уларнинг ҳар бири ва гуруҳдаги фаолияти орқали улар хатони тузатади. Аммо ўқитувчи бир вақтнинг ўзида ҳамма ўқувчиларга ёрдам бера олмайди. Бу масъулиятни гуруҳ ўз зиммасига олади. Чунки, **ҳамкорлик ғоясига асосан ўзлаштиришни баҳолаш ҳар бир ўқувчи билимига алоҳида баҳолаш тарзида эмас, балки бутун гуруҳ ўқувчиларига бирдай баҳо қўйилади, яъни уларнинг умумий ўзлаштириш даражаси муҳим ҳисобланади. Ўзлаштириши бўш ўқувчилар ёрдамида ўқув материалини етарли даражада ўзлаштиришга эришилади. Таълимнинг натижасидан айрим ўқувчи эмас, балки бутун гуруҳ манфаатдор бўлади. Ўқувчининг ўқишдаги муваффақияти бутун гуруҳ муваффақиятига боғлиқлик масъулиятини сезиши бирлашишга, ҳамкорликка ундаб, ўқувчиларни умумий мақсад йўлида бирлаштиради.**

Ҳамкорликда ўқитиш фақат таълимий жиҳатдан аҳамиятли бўлмай, балки тарбиявий томондан ҳам ўқувчиларнинг интеллектуал ва аҳлоқий камолотига кучли таъсир қилади. Ҳамкорликда ўқитишнинг муҳим жиҳати жамоавий фаолият кўрсатиш бўлиб, бунда ўқувчиларда ўзаро ҳамкорлик, бир-бирига боғлиқлик ҳиссиётлари, ўзаро ҳаракатларини, фаолиятини мувофиқлаштириш муносабатлари шаклланади. **Ҳамкорликда ўқитиш ўқувчиларнинг ижтимоийлашувига, ўзаро мулоқот кўникмаларининг шаклланиши учун муҳим восита ҳисобланади. Ўқувчиларда ёшлигидан бир-бирига ёрдам ҳиссиётлари ривожланиб, бу фақат дарсда эмас, балки яшаш тарзида ва бутун ҳаёти давомида бировга ёрдам бериш, ҳар қандай муаммони биргаликда ҳал қилишдан қувониш каби шахсий сифатларига айланади.**

Хўш, ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг моҳияти ёки дидактик асослари нимада? Бу усул ўқувчиларнинг харакатларини маълум кетма-кетликда бажариши бўлиб, ўқитишнинг у ёки бу услубларини амалга оширишни таъминлайди. Ёки услублар мажмуаси бўлиб, таълимга маълум ёндошишни таъминлайдиган дидактик тизим. Ўқувчиларнинг билими ва фаолиятини ташкил қилишнинг турли усул ва воситаларининг умумий мантиқи, ҳамкорликда ўқитиш тамойилларини амалга оширишга хизмат қилади. Шу мажмуалар ўз навбатида ҳамкорликда ўқитишнинг технологик асосини ташкил этади. Фақат шундай асосда кўрилган дидактик тизим ва педагогик жараёнда синалган усул, воситалар технология сифатида хизмат қилиши мумкин. Дидактик тизимнинг асосини ўқитиш услублари мажмуаси ташкил этиб, улар маълум назарий асос, принципларга ва таълим концепциясига асосланади.

Танланадиган ўқитишнинг усул ва воситалари ҳамкорликда ўқитиш ғояси талабларидан келиб чиқиши лозим. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси турли мамлакатларда кенг қўлланилиб келинмоқда. Бунда унинг ҳамма жойда, бир хил қолибда эмас, балки турли хилда қўллаб бойитиш, турли вариантлар шаклланиши эътиборга молик. Масалан, Америкадаги Джон Хопкинс университетида жамоа тарзида ўқитиш кенг қўлланилади. **Бунда асосий эътибор таълимнинг гуруҳли мақсадига қаратилиб, гуруҳ муваффақияти унинг ҳар бир аъзоси мустақил ишининг натижасига боғлиқ бўлади. Гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бошқалар билан доимий ўзаро ҳамкорликда ўрганиладиган мавзу (муаммо) устида иш олиб боради. Гуруҳ ҳар бир аъзосининг вазифаси биргаликда муаммони ҳал қилиб, биргаликда билиш асосида зарур билимларни эгаллаб, керакли кўникма ва малака шаклланишига эришилади.** Бунда бутун жамоа ҳар бир ўқувчининг нимага эришганини билиши муҳим ҳисобланади.

Бутун гуруҳ ўқув материалини унинг ҳар бир аъзоси эгаллашидан манфаатдор. Чунки бутун жамоа муваффақияти унинг ҳар бир аъзосининг қўшган улуши ва гуруҳнинг ҳамкорликда ўз олдига қўйган масалани ечишига боғлиқ. Ҳамкорликда ўқитишнинг жамоа тариқасида ўқувчилар фаолиятини ташкил қилиш технологияси қуйидаги уч асосий тамойилга асосланади:

1. “Тақдирлаш”. Бутун гуруҳ балл тариқасида ёки тақдирлаш, сертификат, мақтов, махсус мукофот сифатида биргаликдаги ишига баҳо олади. Бунинг учун бутун гуруҳга берилган битта топшириқ бажарилади;

2. Ҳар бир ўқувчининг шахсий масъулияти бутун гуруҳнинг ютуғи ва камчилигини белгилайди. Бу эса гуруҳ аъзоларининг ҳар бирини бошқалар фаолиятини назорат қилиш, ўқув материалини ўртоғининг ўзлаштириши ва тушунишига ёрдамлашишига замин ҳозирлайди. Гуруҳ аъзоларининг ўз билимларини турлича баҳолаш, назорат қилишга тайёр туришларини таъминлайди.

3. Гуруҳдаги ҳар бир ўқувчининг ўзлаштиришдаги тенг имкониятлари ўз жамоасига олиб келадиган очколари аввалги натижаларини яхшилаш асосида амалга оширилади. Ўзлаштириш натижаларини аввалгилари билан таққослаш айнан шу гуруҳ ўқувчилари эришган натижаларни баҳолаш имкониятини беради.

Таълимни бундай ташкил қилишда асосий нарса бутун жамоани тақдирлаш ва ҳар бирининг шахсий масъулиятини сезишини шакллантириш. Бунда ўқувчиларнинг биргаликда ишлаши учун кўрсатма бериш муҳим бўлмай, балки ҳар бир ўртоғининг билим эгаллашдан манфаатдорликни шакллантириш асосий ҳисобланади. Шу билан бирга ўқувчиларнинг ҳозирги эгаллаган билимларини аввалги натижалари билан таққослаш, уларни тақдирлашга нисбатан анча таъсирчан ҳисобланади. Бу эса уларнинг шахсий

натижаларини янада чуқурлаштиришга олиб келади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг жамоа таркибида ишлашнинг тўрт хили мавжуд. Булардан иккитаси умумтаълим мактабида ёки ўрта махсус касб-ҳунар коллежида ўқитиладиган фанларнинг ҳаммасида қўлланилиши мумкин. Ҳамкорликда кичик гуруҳ-жамоада ўқитиш; ўйин, турнир шаклида жамоада ўқитиш. Қолган иккитаси кўпчилик ҳолларда маълум фанларни ва маълум ёшдаги ўқувчиларга мўлжалланган жамоада таълимни табақалаштириб, яъни математика фанини ўқитишда, ўқиш ва ижодий иншо ёзишга ҳамкорликда ўқитишда ижобий натижалар бериши аниқланган.

Масалан: кичик гуруҳларда ҳамкорликда ўқитишни ташкил қилиш (Р.Славик технологияси)да гуруҳ 4 нафар ўқувчи (ҳар томонлама билимли ўғил ва қиз болалар) дан иборат бўлади. Бунда ўқитувчи янги мавзуни тушунтириб, сўнгра ўқувчиларни гуруҳларда уни мустаҳкамлаш, ҳамма жиҳатларини англаб олишни топширади. Гуруҳларда маълум топшириқ, зарурий таянч томонларини илғаб олиш, яъни фахмлаш берилади. Бунда топшириқ айрим қисмларга бўлиниб, ҳар бир ўқувчи ўз қисмини ўрганиши ёки айланма тариқасида ҳар бир ўқувчи ундан кейинги қисмни бажариши тарзида бўлиши мумкин.

Топшириқни бажаришни гуруҳдаги кучли ёки бўшроқ ўзлаштирувчи ўқувчи бошлаши, аммо ҳар бир топшириқни бажариш ошкора, овоз чиқариб тушунтирилиши ва бутун гуруҳ назорат қилиши лозим бўлади. Агар топшириқ гуруҳ учун бир хил бўлса, бутун гуруҳ топшириқни бажариб бўлгач, ўқитувчи дарсни турли гуруҳларнинг ишини умумий ҳолда муҳокама қилиши мумкин. Агар топшириқ турлича бўлса, ҳар бир гуруҳда алоҳида якунлаши мумкин. Ўқув материали ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлигига ўқитувчи ишонч ҳосил қилгач, уларнинг тушунганлиги ва ўзлаштиришни аниқлаш учун тест синови ўтказади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларга индивидуал ёндошиб, уларнинг билим даражасини ҳисобга олган ҳолда топшириқни танлайди.

Ҳар бир ўқувчи олган баҳолар умумлаштирилиб, гуруҳнинг умумий баҳоси эълон қилинади. Бунда кучли ўқувчилар бўш ўқувчилар билан мусобақа қилмай, балки ҳар бир ўқувчи ўзи билан мусобақа қилиб, ўз вазифасини бажариб, гуруҳга очколарини кўпайтиришга интилади. Таълимни бундай ташкил қилиш турли фанларни ўқитишга, бирдай гуманитар ёки табиий, математика фанларини таълим муассасаларида ўргатишга қўллаши мумкин.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг яна бир кўриниши жамоа-ўйин фаолияти. Бунда ҳам аввалгидек, ўқитувчи янги мавзуни тушунтиради ва ўқувчилар фаолиятини ўқув материалини ўзлаштиришга гуруҳли йўналтиради. Аммо, ўзлаштириш натижаларини баҳолашда командалар ўртасида ҳафталик мусобақа турнирларини ташкил этади. Бунинг учун уч нафар ўқувчидан иборат “турнир столлари” ташкил қилиниб, унда бир-бирига тенг ўзлаштирувчи ўқувчилар мусобақани ташкил этади. Бундай ўқитиш математика, табиий фанларда кўпроқ натижа беради. Топшириқлар табақалаштирилиб, мураккаблик даражасига қараб берилади. Ҳар бир стол ғолиби ўз жамоасига бир хил миқдорда баллар келтиради. Бунда бўш ўзлаштирувчилар ҳам ўз тенглари билан мусобақалашиб, жамоасига очко келтиради. Турнирда энг кўп балл тўплаган жамоа ғолиб деб эълон қилинади ва унга мувофиқ тақдирланади.

Ҳамкорликда ўқитиш технологиясининг кўринишларидан яна бири гуруҳда индивидуал ишлаш. Бунда ўқувчилар аввал ўзлаштирган билимлари натижасига кўра индивидуал топшириқ олиб, иш суръати асосида уни бажаради. Таълимнинг бундай шаклида жамоалар турли хил фаолият (топшириқ) билан шуғулланиши мумкин. Жамоа аъзолари бир-бирларига ўз индивидуал топшириқларини бажаришда ёрдам бериб, ўзларининг ютуқ ёки ўзлаштиришларини махсус қайд қиладилар.

Якуний баҳолаш тестлари ўқувчиларнинг ўзлари (махсус баҳоловчи ўқувчи) томонидан индивидуал амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар ҳафтада жамоанинг ҳар бир аъзоси ишлаган мавзулар ва топшириқларни дастур ва дарс режаси асосида ҳисобга олиб боради. Бунда ўқитувчи гуруҳларнинг ютуқларини алоҳида таъкидлаши лозим. Ўқувчилар ўзлари мустақил ишлаганлари учун ўқитувчининг алоҳида гуруҳ ёки ўқувчилар билан индивидуал иш олиб бориш имконияти кенгаяди. **Ўқувчилар фаолиятини таълим жараёнида бундай ташкил қилиш кўпроқ математика фанини ўқитишда қўл келади.**

Ҳамкорликдаги таълимнинг ўқишга ва ижодий фаолият ўргатиш шакли кўпинча пастки гуруҳларда қўлланиши мумкин. Бунда тўрт нафар ўқувчидан иборат гуруҳ жуфтларга ажратилади. Ўқитувчи ўқиётганларнинг бир жуфти билан ишлаётганида бошқаси мустақил бир-бирига ўқиб бериб, унинг айтиб бериш режасини тузади. Асосий фикрларни ажратиб, матндаги саволларга жавоб ёзади, тўғри ёзиш, луғат билан ишлашни машқ қилади.

Агар синф гомоген гуруҳларга бўлинмаса, ҳамма ўқувчилар ҳамкорликда ишлаб, матннинг умумий маъносини англаб, муаммоли саволларга жавоб топадилар. **Она тили ва чет тили дарсларида ўқувчилар тўғри ёзиш, луғат билан ишлаш, матн маъносини айтиб бериш, бир-бирларининг ёзма ишларини тузатиш ва таҳрир қилиш билан шуғулланадилар. Гуруҳдаги барча ишлар ўқитувчи назорати орқали амалга оширилади.** Ўқувчилар билимини баҳолаш тестлари ўқитувчи уларнинг тўла тайёрлигига ишонч ҳосил қилганида ўтказилади. Ҳамкорликда таълим беришнинг “Биргаликда ўқиймиз” технологияси. Бунда синф турли хил ўзлаштирувчи 3-5 нафар ўқувчидан иборат гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ синф умумий мавзусининг бир қисмидан иборат топшириқ олади. Гуруҳ ҳар бир аъзосининг биргаликдаги иши натижасида бутун ўқув материалининг ўзлаштирилишига эришилади. Асосий иш принципи бутун жамоани тақдирлаш, ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, ҳар кимга тенг имкониятлар яратиш.

Гуруҳни тақдирлаш ҳар бир ўқувчининг эришган натижасига боғлиқ бўлади. Бунда ўқитувчи







человечества. Джадиды были сторонниками такой системы правления, которая могла бы обеспечить людям гражданские свободы и политические права, действующие в демократических государствах. Не покушаясь на фундаментальные основы ислама, они попытались преобразовать традиционное узбекское общество и адаптировать его к реалиям современного времени.

XX век все же оставил после себя тяжелые примеры проявления насилия и антитолерантности. Так, нацистские движения, как известно, базируются на отрицании равенства, человечности и толерантности. После Второй мировой войны толерантность стала определять новые типы политики, мышления и практического поведения, что позволило сделать шаги в направлении юридической защиты прав человека, в создании системы защиты прав маргинальных, социальных групп и отдельных людей. В настоящее время современные нации в культурном, религиозном и политическом отношении более плюралистичны, чем традиционные сообщества, которые сохранили свое единство за счет фундаментальных традиций в культуре или религии. Культурный и религиозный плюрализм, развившиеся в мире, вызвали к жизни толерантность, необходимую для установления общности в условиях плюрализма. Толерантность была с одной стороны, необходимым побочным продуктом этого плюрализма, а с другой – условием его дальнейшего развития. Признание терпимости в качестве одного из основополагающих компонентов мира между нациями имело большое значение для исторического климата, способствовавшего появлению первых современных деклараций о правах человека, кульминацией которых стала появившаяся три века спустя Всеобщая декларация прав человека.

Принципы толерантности провозглашены в документах международного масштаба: Всеобщая декларация прав человека (10 декабря 1948 года), Конвенция о равном вознаграждении мужчин и женщин за труд равной ценности (1951 год), Конвенция об охране материнства (1952 год), Конвенция о дискриминации в области труда и занятий (1958 год), Конвенция о борьбе с дискриминацией в области образования (15 декабря 1960 года), Конвенция о политике в области занятости (1964 год), Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации (1965 год), Декларация о правах лиц, принадлежащих к национальным или этническим, религиозным и языковым меньшинствам (7 марта 1966 года), Декларация принципов международного культурного сотрудничества (4 ноября 1966 года), Международный пакт о гражданских и политических правах (19 декабря 1966 года), Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах (19 декабря 1966 года, в 1995 году ратифицирован Узбекистаном), Декларация принципов международного культурного сотрудничества (17 декабря 1979 года), Конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации в отношении женщин (1979 год), Декларация о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии или убеждений (1981 год), Декларация о праве народов на мир (12 ноября 1984 года), Декларация о праве на развитие (12 ноября 1984 года), Конвенция против пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания (1984 год), Декларация о праве на развитие (1986 год), Конвенция о техническом и профессиональном образовании (10 ноября 1989 года), Конвенция о правах ребёнка (20 ноября 1989 года), Всемирная декларация об обеспечении выживания, защиты и развития детей (30 сентября 1990 года, в 1992 году ратифицирована Узбекистаном), документ Совета Европы «Рамочная конвенция Совета Европы о защите национальных меньшинств» и т.д. В частности, Конвенцию о правах ребёнка ратифицировали 192 страны, в том числе Республика Узбекистан. Подписав Конвенцию 6 декабря 1992 года, наша страна взяла на себя обязательства соблюдать все её принципы и положения и нести ответственность перед международным сообществом. Данный документ провозглашает, что все дети имеют право на особую заботу и помощь для развития личностного потенциала и подготовки к самостоятельной жизни в обществе.

Мировая педагогическая теория и практика ориентируются на возникновение новых социокультурных реалий: глобализацию и интернационализацию мира, процессы этнокультурного самоопределения и возрождения, проблемы мультикультурного общества и миграции,- разрабатывая соответствующую образовательную стратегию, которая отражена в документах ООН, Совета Европы, ЮНЕСКО, СНГ, Азиатской организации ШОС и т.д. Задача подготовки молодёжи к жизни в многонациональном мире названа в числе приоритетных в документах, принятых международным сообществом. На основе принятой ООН в 1945 году Хартии Объединённых Наций стало осуществляться юридическое закрепление международно признаваемых прав человека. В Преамбуле Устава ООН подчёркивается, что необходимо «проявлять терпимость и жить вместе, в мире друг с другом, как добрые соседи». В 1948 году была принята Декларация ООН, учитывающая гражданские, политические, экономические, социальные и культурные права человека. Проблема прав человека тесно связана с толерантностью. В силу этого в Преамбуле «Всеобщей декларации прав человека» говорится, что «признание достоинства, присущего всем членам человеческой семьи, и равных и неотъемлемых их прав является основой свободы, справедливости и всеобщего мира». Далее в статье первой данного документа указывается: «Все люди рождаются свободными и равными в своём достоинстве и правах».

Международная комиссия по образованию для XXI века (1993 год, Париж) в штаб-квартире ЮНЕСКО создала подразделения по толерантности. Было принято решение, что центральной темой

деятельности подразделений должна стать «роль образования в содействии сотрудничеству и солидарности в условиях возрастающей глобализации человеческого общества».

7. Предупреждение подростковой и юношеской наркомании / Под ред. С.В.Березина, К.С. Лисецкого, И.Б.Орешниковой. – М., 2000.
8. Психосоциальная коррекция и реабилитация несовершеннолетних с девиантным поведением / Под ред. С.А. Беличевой. – М., 1999.
9. Шарипова Д., Черников В.Г. Противо–наркотическое воспитание подрастающего поколения. – Т., 1991.
10. Шарипова Д., Худоярова Г. Наркомания – угроза семье, стране, миру. – Т., 1998.
11. Г.Б.Шоумаров Ўсмирларнинг ёш-психологик хусусиятлари // Оила психологияси.- Т.: Шарқ, 2001.- 40-61-б.

# ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ТОЛЕРАНТНОСТИ И ЕЁ СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ

**Р.М.МЕДЕТОВА - докторант УзНИИПН**

Во все времена развития человеческого общества прогрессивные экономические, политические и культурные взаимоотношения между различными племенами, народами, этносами и территориями основывались на принципах мирного добрососедства. В силу этого исторические корни толерантности на протяжении тысячелетий тесно связывались с созидательной деятельностью народов и имеют духовные истоки, являясь одним из устоев образа жизни наших предков. На территории нашего края существовало сотрудничество народов, толерантно относящихся к окружающему миру. Идея толерантности восходит к истории философской мысли и опирается на опыт человеческой цивилизации: древности, античности, средневековья и других эпох и современности. Исходя из этого, без всякого сомнения, можно говорить о том, что истоки, состояние и последствия происходящих в нашей стране перемен во многом самобытны. Территория Узбекистана - одно из древних пристанищ человеческой цивилизации, где благодатный среднеазиатский край был перекрёстком судеб многих племён и народностей.

Нормативно-рационалистский взгляд на толерантность, основанный на концепции естественных индивидуальных неотчуждаемых прав, берёт своё начало от одного из классиков мировой философии И.Канта, жившего в XVIII веке. Согласно естественно-правовой концепции, толерантность возникает лишь тогда, когда вмешательство продиктовано признанием за другой стороной равных прав на самореализацию и самовыражение. Понятие «толерантность» с латинского языка (tolerantia) переводится как терпение. До конца XVIII века оно переводилось словом «терпеливость».

С середины XIX века понятие толерантности начало рассматриваться философами несколько шире в аспекте понимания и принятия человека человеком, уважения к представителям другой веры и культуры. Великие мыслители говорили о толерантности как о принципе, выражающем истину человеческих отношений. «Как жалок не имеющий терпенья! Мгновенно рану им можно излечить», - отмечал В.Шекспир. В педагогике Я.А.Коменский, ставя проблему формирования «кардинальных нравственных добродетелей», считал, что «терпение вырабатывает в человеке хорошие черты и увеличивает вознаграждение. Упорный и терпеливый найдёт счастье и процветание». Песталоцци в своих произведениях также апеллирует к народному педагогическому опыту и народным воззрениям на воспитание. По его мнению, отчий дом является школой нравов. К.Д.Ушинский народную педагогику считал одним из важнейших факторов, под влиянием которого складывалась педагогическая наука. Его идеи, высказывания являются важными для педагогической науки в целом и этнопедагогической науки в частности: «Народ имеет свою особую характеристическую систему воспитания. Её можно удобрить, улучшить, приноровившись к ней же самой, к её требованиям, силам, недостаткам, но пересоздать её невозможно. Только народное воспитание является живым органом в историческом процессе народного развития». В народе существует много пословиц и поговорок, выражающих терпеливое отношение людей к жизни: «Жить в мире с собой и другими», «У кого есть терпение ждать до скисания, тот не будет сидеть без простокваши», «В чью лодку сядешь – тому и подтянешь», «В какое село пришёл, тот обычай и соблюдай», «В чужой монастырь со своим уставом не суйся» и другие.

XX век характеризуется глобальными достижениями в различных отраслях экономики, культуры и образования. Жившие в начале XX века в условиях колониального режима джадиды являлись сторонниками широкой культуры, образования и внесли свой вклад в развитие идей толерантности. Они мечтали об освобождении своего народа, не хотели кровопролития, противопоставления народов, выступали за бескровную борьбу против колониализма, за идеи социального прогресса, межнационального согласия, религиозной толерантности, освоения современного типа цивилизации, иной модели поведения и, наконец, – достижения национального суверенитета. Этим они сумели завоевать доверие и расположение десятков и сотен тысяч своих соотечественников, проявляя уважение к представителям всех народов. Представители джадидов реализовали свои идеи о национальной самостоятельности и независимости. Вхождение в мировую цивилизацию и включение в общественно-духовный прогресс предполагались не через насилие и военные столкновения, а через современное воспитание человека (прежде всего молодёжи), гармонизацию светского и религиозного образования, уважение к другим народам и конфессиям, приобщение к достижениям научной мысли, через глубокое изучение позитивного опыта





гуруҳларни тузишда ўқувчиларнинг индивидуал ва психологик хусусиятларини ва ҳар бир гуруҳ учун аниқ-мос топшириқ тузишга эътибор қаратиш муҳим аҳамиятга эга. Гуруҳ ичида эса ҳар бир ўқувчи ўрнини ўзлари белгилайди. Гуруҳлар таълимнинг бу шаклда билиш, ижодий мақсад билан бирга (таълимий), ижтимоий-психологик вазифа-ўртоқларининг топшириқларини бажариш маданияти ва ўзаро мулоқотини назорат қилишни амалга оширади. Таълимнинг бу иккала мақсадини ўқитувчи назорат қилади.

Ҳамкорликда ўқитишнинг бундай шакллари учун умумийлик-мақсад ва вазифаларнинг яқинлиги, ўқувчиларнинг таълим олишда тенг имкониятлари ва индивидуал масъулияти ҳисобланади. Шу билан бирга гуруҳда рақобат эмас, ҳамкорлик, гуруҳ аъзоларининг умумий мақсад, муваффақиятдан манфаатдорлиги, ўзаро ёрдам белгиловчи ҳисобланади. Тенг имкониятлар ўқувчиларнинг такомиллашувларига замин ҳозирлашини англамоқ ва олға интилмоқ муҳим ҳисобланади. Энг муҳими таълим жараёнида ўқитувчининг ўрни ўқувчиларни мустақил билим олишга ёрдам бериши билан белгиланади.

Ўқувчиларга тайёр билимларни ўргатишдан ташқари уларни мустақил, ижодий билишга ўргатиш, ўз шахси ва билимига танқидий қараш, ахборотларни таҳлил қилиш, улардан кераклисини ажрата олиш, хулосалар чиқариш, ўз фикрларини асослашга ўргатишнинг муҳимлигида ўз ўрнини англайди. Ўрганиладиган муаммо устида мустақил ишлаш одатий ҳол ва фаолиятнинг асосий йўналиши бўлиб қолиши ҳамкорликда ўқитишнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Partnership training – that is the point of socialization of students. It is assisting in developing of student's intercourses between each other and promoting such abilities as helping, getting ready to solve any problem together and other positive things, which make training process easer and more interest.

# ЎСМИР БОЛА ВА ОТА-ОНА ЎРТАСИДАГИ МУНОСАБАТЛАР ПСИХОЛОГИЯСИ: АЗАЛИЙ МУАММОНИНГ ОДДИЙ ЕЧИМЛАРИ

**П.С.ЭРГАШЕВ - психология фанлари номзоди, Низомий номидаги ТДПУ "Умумий психология" кафедраси доценти в/б**

**"Бола билан мулоқот қилиш санъатидан-да мураккаб санъат йўқдир", деб ёзганди машҳур польшалик педиатр ва педагог Януш Корчак.** Болалар билан ота-онанинг, умуман, катталарнинг мулоқоти ва муносабати, айниқса, болалар ўсмирлик ёшига етганда ўта мураккаблашади, мулоқотнинг нозик қирралари кўпаяди. Педагоглар ва психологлар, социологлар ва физиологлар, психиатрлар ва ҳуқуқшунослар – барча бир овоздан ўсмирлик даври инсон ҳаётидаги мураккаб ва инқирозли давр эканини тан оладилар.

Ўсмирлик даврини инқирозли даврга айлантириб қўядиган сабаблар жуда кўп (болаларнинг жинсий етилиши, уларда катталик ҳиссининг пайдо бўлиши ва ривожланиши, мустақилликка бўлган эҳтиёжнинг кучайиши ва ҳ.к.). Бундай сабабларнинг таҳлилига бағишлаб қатор мақолалар, рисолалар ёзиш мумкин. Бироқ фарзандининг "тилини топа олмаётган", у билан психологик алоқа ўрнатишга қийналаётган ҳар бир ота-онани фарзандидаги ўзгаришларнинг сабабларидан кўра шундай вазиятларда қандай йўл тутиш кераклиги, нима қилиш мумкинлиги кўпроқ қизиқтиради. **Шу туфайли ушбу мақолада асосий урғу ўсмир ёшдаги болалар ва ота-оналар ўртасидаги психологик алоқани, мулоқотни яхшилаш учун нималар қилиш мақсадга мувофиқлигига қаратилди.** Мақолада фарзанд тарбиясида қўл келадиган тайёр "рецептлар" йўқ, унда барча вазиятларга бирдек мос келувчи тавсиялар ҳам учрамайди. Мақоладан ота-оналарга фарзанди билан қандай мулоқот қилишни ўргатиш нияти ҳам кўзланмайди. Зеро, ҳар бир оилада бу борада ўзига хос тажриба, анъана ва қоидалар борлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. **Мақоладан кўзланган бош мақсад – мутахассисларнинг амалий тавсияларини (кўрсатмаларини эмас, айнан тавсияларини) ўқувчига етказиш, уни жонли мушоҳада ва мулоҳазага ундашдир.**

Аввало, шунга эътибор қаратиш керакки, ўсмирлик ёшида она-онанинг бола кўз ўнгидаги мавқеи бир мунча пасаяди. Мактабгача ёш даврида, кичик мактаб ёшида ота-онасини энг кучли, ақлли ва чиройли, деб ҳисоблайдиган болалар ўсмирлик ёшига етиб, аслида уларнинг ота-оналарида ҳам талай камчиликлар борлигини пайқай бошлашади. Умуман, бу даврда тенгдошлар мавқеи ошиб, катталарга нисбатан танқидчан муносабат кучаяди.

**Ота-она ва ўсмир бола ўртасида вужудга келувчи низоларга кўпинча қуйидагилар сабаб бўлади:** боланинг дўст ва ўртоқ танлашда адашиши, турли жойларга ва тадбирларга кўп бориши ҳамда бу ерларда узоқ қолиб кетиши, кийиниши ва ташқи кўринишида антиқа ўзгаришлар қилиши, уй юмушлари бўйича турли топшириқларни бажармаслиги ёки айтилгандай бажармаслиги, ака-укалар ва опа-сингиллар билан тортишишлари, ота-она ва катта авлод вакилларига нисбатан ҳурматсизликни очиқ намоён этиши.

Ўсмир бола ҳамда ота-она ўртасидаги низо ва тушунмовчиликдан бутунлай ҳоли бўлган бирор

оилани топиб бўлмайди. Аммо тадқиқотлардан маълум бўлишича, жуда жиддий низолар 15-20% оилалардагина рўй беради. Ўртадаги низоларга қарамай кўпчилик ўсмирларда ота-онага ишонч, ҳурмат юқори даражада сақланиб қолади, ўсмир ота-онанинг мақтовларини ҳамда эътирофларини жуда юқори даражада қадрлайди. Мана шундай қадрни, ҳурматни, муносабатлардаги илиқликни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун психолог мутахассисларнинг ота-она ҳамда фарзанд ўртасидаги психологик алоқани яхшилаш мақсадига хизмат қилувчи ушбу тавсияларига қулоқ тутиш айни муддао бўларди:

**1. *Ота-она фарзандининг хулқ-атвори юзасидан ўзининг муносабатини билдирмоқчи бўлганда, "Сен-хабар" услубидан эмас, "Мен-хабар" услубидан фойдалангани маъқул.*** Бу дегани "Сен кеча айтганимни қилиб қўймапсан", "Сен нега доим одамни жавратасан", "Сен қаердан топдинг бу қилиқни" каби мулоҳазалар ўрнига "Мен кеча айтганимни қилиб қўймаганингдан бироз ранжидим", "Мен ҳеч тушунмайман нега одамни жавратаверасан", "Мен билмадим, бу қилиқни қаердан топдинг" каби мулоҳазаларни ишлатиш керак. Зеро, бу болага бўлган ҳурмат ва ишончни намоён этади, ўртадаги қарама-қаршиликни анчагина сусайтиради.

**2. *Ота-она боланинг бирор фикрини маъқулламоқчи бўлганда, шунчаки "ҳа" ёки "майли" деб айтишдан кўра қуйидаги турдаги мулоҳазалардан фойдалангани маъқул:*** "Агар сен шундай қилишни хоҳлаётган бўлсанг...", "Майли, сен айтгандай бўлсин", "Сенинг бундай қилишингга мен қарши эмасман", "Буни мен эмас, сен ҳал этасан-ку". Зотан, бу ота-она болага мустақил шахс сифатида ишонаётганини, унинг шахсий мустақиллигини тан олаётганини кўрсатади.

**3. *Ота-она фарзандига ниманидир тақиқламоқчи бўлганда, қуйидаги мулоҳазаларни берилган кетма-кетликда билдирадиган бўлса, бола тақиқни унчалик оғир қабул қилмайди:***

а) ота-она болада муайян истак пайдо бўлгани ўринли эканини тан олади – "Биз бугун кинога боргинг келаётганини яхши тушунаяпмиз";

б) ота-она боланинг бирор ҳаракати бўйича тақиқни аниқ белгилайди – "Лекин биз сенга рухсат бера олмаймиз, чунки эртага мактабга тайёрлаб боришинг керак бўлган дарсларнинг кўп";

в) ота-она болага ўз истагини бошқа ҳолатда амалга ошириш имконияти бўлиши тўғрисида айтади – "Шанба куни эса бўш вақтинг кўпроқ бўлади, эҳтимол шу куни бориш тўғри бўлар";

г) ота-она болага оилада ҳукм-сурувчи тартиб-қоидалардан норозилик билдириши учун ёрдам бериб юборади – "Шубҳасиз, сен бундай тақиқлар бўлмаслигини хоҳлардинг", "Албатта, ҳозир рухсат бермаётганимиз сенга ёқмаяпди", "Балки, биз умуман нотўғри қилаяпмиз, деб ҳисоблаётган бўлсанг ажаб эмас".

Энг муҳими, айтилаётган тақиқлар бола шаънини камситмайдиган шаклда билдирилиши керак: "Иш кунлари кинога борилмайди" дегандан кўра, "Ўзинг яхши биласан, иш кунлари кинога бориб, бошқа муҳим ишлар қолиб кетиши мумкин", деб айтган маъқул.

**4. *Ота-она бола улғайиб борган сайин оилавий муҳокамада унинг овози ҳам аста-секин кўп нарсаларни ҳал этадиган даражага етиши учун шароит яратиши керак.*** Турли муаммоларни муҳокама қилишда, баҳсларда ота-она ўзининг ноҳақлигини тан олишдан қўрқмаслиги лозим. Борди-ю ўртада низо вужудга келса, ота-она биринчи бўлиб, ярашиш томон қадам ташлаши мақсадга мувофиқ. Бунда ота-она ўз фикрларини "Кечирасан, мен сени яхши тушунмадим, шекилли. Бироз қизишиб, айрим кераксиз нарсаларни ҳам айтиб юборганга ўхшайман. Ҳозир мен бироз шошганимни билаяпман. Сени тушунишни жуда-жуда хоҳлайман. Қани кел, бир бошидан катта одамлардек гаплашиб оламиз" деган сўзлар билан бошлагани маъқул.

**Бир сўз билан айтганда, бола билан мулоқотда ота-онадан ҳақиқий ижодкорлик, эгилувчан муносабат, тоғдек бардош талаб қилинади. Мана шу ҳислатлар тугаб бораётганда, чидашга бошқа мажол қолмаётгандай бўлиб туйила бошлаганда, ота-она ўсмир болалар ўз кундаликлари ва иншоларида кўпинча "бахт – бу сени кимдир тушуниши" деб ёзишларини эсласинлар.** Фарзанд билан алоқани, эркин ва самимий мулоқотни йўқотиш фарзанднинг ўзини йўқотиш билан баробарлигини эсласинлар. Шак-шубҳасиз, мана шулар эсланганда, бу ҳақда ўй сурилганда бир зумда анча емирилиб қолган бардош тоғи ёнида яна ўнта шундай тоғ қад ростлайди.

**Адабиётлар**

1. Ле Шан Э. Когда ваш ребенок сводит вас с ума: Пер. с англ. – М.:Педагогика, 1990. – 272 с.

2. Практическая психология образования: Учебник для студентов высших и средних специальных учебных заведений/ Под ред. И.В.Дубровиной. 2-е издание. – М.: ТЦ «Сфера», 1998. – 528 с.

3. Популярная психология для родителей/ Под ред. А.А.Бодалева. – М.: Педагогика, 1989. – 256 с.

4. Тархова Л. В зоне особого риска. – М.: Знание, 1997. – 192 с.

5. Фромм А. Азбука для родителей/ Пер. И.Г.Константиновой; Предисл.И.М.Воронцова. – Л.:Лениздат, 1991. – 319 с.

In this article for your attention presented a principles and ways of how to make better the psychological relationships between parents and their children, you know that there is no heavier skill, than skill of providing mutual understanding between members of family.





отклоняющегося поведения. В семейном воспитании ведущими профилактическими задачами выступают раннее воспитание устойчивых положительных интересов, развитие способности любить и быть любимым, формирование умения себя занять и трудиться. Родители должны понимать, что они формируют потребности личности через вовлечение ребенка в различные виды активности: спорт, искусство, познание. Если к подростковому возрасту позитивные потребности не сформированы, личность оказывается уязвимой в отношении негативных потребностей и занятий.

**Пятая форма** - организация здорового образа жизни. Она исходит из представлений о личной ответственности за здоровье, гармонию с окружающим миром и своим организмом. Умение человека достигать оптимального состояния и успешно противостоять неблагоприятным факторам среды считается особенно ценным. Здоровый стиль жизни предполагает здоровое питание, регулярные физические нагрузки, соблюдение режима труда и отдыха, общение с природой, исключение излишеств. Такой стиль основан на экологическом мышлении и существенно зависит от уровня развития общества.

**Шестая форма** - активизация личностных ресурсов. Активные занятия подростков спортом, их творческое самовыражение, участие в группах общения и личностного роста, арттерапия - все это активизирует личностные ресурсы, в свою очередь обеспечивающие активность личности, ее здоровье и устойчивость к негативному внешнему воздействию.

**Седьмая форма** - минимизация негативных последствий девиантного поведения. Данная форма работы используется в случаях уже сформированного отклоняющегося поведения. Она направлена на профилактику рецидивов или их негативных последствий. Например, наркозависимые подростки могут получать своевременную медицинскую помощь, а также необходимые знания по сопутствующим заболеваниям и их лечению.

В различных видах психопрофилактической работы могут использоваться схожие формы и методы. По способу организации работы выделяют следующие формы психопрофилактики: индивидуальная, семейная, групповая работа. В целях предупреждения отклоняющегося поведения используются различные социально-психологические методы. Среди ведущих методов психопрофилактической работы отмечаются информирование, групповые дискуссии, тренинговые упражнения, ролевые игры, моделирование эффективного социального поведения, психотерапевтические методики.

С целью совершенствования психологической службы по данному направлению целесообразны следующие действия:

- организация сборов фактических данных об учащихся с девиантным поведением, выявление причины возникновения и проявления различных форм девиаций, проведение диагностики индивидуально-психологических и личностных особенностей подростков;

- разботка профилактических и коррекционных программ, осуществление их реализации в школах, проведение мониторинга получаемых результатов;

- организация психологического обеспечения воспитательной, профилактической и коррекционной работы с детьми и девиантными подростками, относящимися к группе социально-правового риска;

- психологическое просвещение и консультирование родителей (или законных представителей подростков), а также педагогических работников по вопросам психического, личностного и социального развития детей, отклонений от возрастных норм в развитии; формирования девиантного поведения и его разновидностей (делинквентное, аддиктивное, антидисциплинарное, противоправное, наркотическое поведение);

- организация непосредственной работы школьных психологов, классных руководителей с девиантными подростками, проведение встреч и бесед с их родителями (или законными представителями);

- взаимодействие с представителями махаллинской общественности, детских, молодёжных, спортивных организаций; работниками учреждений здравоохранения и правопорядка по актуальным вопросам воспитания, охраны прав, здоровья, социальной защиты и адаптации детей, профилактике правонарушений среди подростков и молодёжи;

- проведение научно-практических конференций, методических семинаров по проблемам девиантного поведения, педагогической запущенности, трудновоспитуемости, школьной и социальной дезадаптации подростков;

- освещение профилактической работы и её результатов в средствах массовой информации;

- изучение и распространение передового опыта работы зарубежных и отечественных специалистов по профилактике девиантного поведения подростков и молодежи.

**Литература**

1. Актуальные проблемы девиантного поведения Сб.ст. / РАН, Ин-т социологии. – М.,1995.

2. Асадов Ю.М. Социально-психологическая служба по профилактике и коррекции девиантного поведения учащихся общеобразовательных школ / Материалы Республикан. науч.-практ. конф.: «Система профориентации учащихся: проблемы и решения». 23-24 ноября 2007 г. – Ташкент: РЦПОППДУ, 2007. – С. 45 – 51.

3. Гилинский Я. и др. Девиантность подростков: теория, методология, эмпирическая реальность. – СПб., 2001.

4. Демьянов Ю.Г. Основы психопрофилактики и психотерапии. Пособие-практикум. – СПб., 1999.

5. Клейберг Ю.А. Психология девиантного поведения. – М., 2001.

6. Кулаков С.А. Диагностика и психотерапия аддиктивного поведения у подростков. Учеб.-метод. пособие. – М., 1998.

нормальному развитию личности, приводит к быстрому переходу отклонений в хронические нарушения поведения. Однако воспитательно-профилактическая деятельность не может ограничиваться лишь мерами индивидуального воздействия и коррекции, применяемыми непосредственно к несовершеннолетним. Социального оздоровления и коррекции требует неблагоприятная среда, которая вызывает социальную дезадаптацию подростков.

Существуют различные формы психопрофи–лактической работы с девиантными подростками (С.А.Беличева, 1999; Ю.Г.Демьянов, 1999; С.В.Березин и др., 2000; С.А.Кулаков, 1998, 2001).

**Первая форма** - организация социальной среды. В ее основе лежат представления о детерминирующем влиянии окружающей среды на формирование девиаций. Воздействуя на социальные факторы, можно предотвратить нежелательное поведение личности. Объектом работы может быть семья, социальная группа (школа, класс) или конкретная личность. В рамках данной модели профилактика зависимого поведения у подростков включает, прежде всего, социальную рекламу по формированию установок на здоровый образ жизни и трезвость. Чрезвычайно важна работа в местах, где подростки проводят свой досуг и общаются между собой. Работа с подростками может быть организована также на улице, для чего в ряде стран существует подготовка подростков-лидеров, способных повлиять на девиантных подростков. Также предпринимаются попытки создания поддерживающих «зон» и условий, несовместимых с нежелательным поведением. Основным недостатком этой модели считается отсутствие прямой зависимости между социальными факторами и отклоняющимся поведением. В целом данный подход выглядит достаточно эффективным.

**Вторая форма** психопрофилактической работы - информирование. Это наиболее привычное направление, реализуемое в форме лекций, бесед, распространения специальной литературы или видео- и телефильмов. Суть подхода заключается в попытке воздействия на когнитивные процессы личности с целью повышения её способности к принятию конструктивных решений. Для этого обычно широко используется информация, подтвержденная статистическими данными, например, о пагубном влиянии наркотиков на здоровье и личность. Нередко информация имеет запугивающий характер. При этом перечисляются негативные последствия употребления наркотиков или описываются драматические судьбы девиантов, их личностная деградация. Метод действительно увеличивает знания, но плохо влияет на изменение поведения. Само по себе информирование не снижает уровень девиаций. В некоторых же случаях, напротив, раннее знакомство с девиациями стимулирует усиление интереса к ним. Опыт работы с подростками подсказывает, что беседы по предупреждению наркозависимого поведения должны проводиться не позднее 14 лет. Они не должны содержать подробного описания наркотиков и эффектов, ими производимых. Такие беседы целесообразно направлять на обсуждение последствий девиантного поведения и способов воздержания от него, на выработку активной личностной позиции. Перспективному развитию данного подхода может способствовать отказ от преобладания запугивающей информации, а также дифференциация информации по полу, возрасту, социально-экономическим характеристикам.

**Третья форма** психопрофилактической работы - активное социальное обучение социально важным навыкам. Данная модель преимущественно реализуется в форме групповых тренингов. В настоящее время распространены их следующие формы. *Тренинг резистентности* (устойчивости) к негативному социальному влиянию. В ходе тренинга изменяются установки на девиантное поведение, формируются навыки распознавания рекламных стратегий, развивается способность говорить «нет» в случае давления сверстников, дается информация о возможном негативном влиянии родителей и других взрослых (например, употребляющих алкоголь) и т.д. *Тренинг ассертивности или аффективно-ценностного обучения,* который основан на представлении о том, что девиантное поведение непосредственно связано с эмоциональными нарушениями. Для предупреждения данной проблемы подростков обучают распознавать эмоции, выражать их приемлемым образом и продуктивно справляться со стрессом. В ходе групповой психологической работы также формируются навыки принятия решения, повышается самооценка, стимулируются процессы самоопределения и развития позитивных ценностей. *Тренинг формирования жизненных навыков.* Под жизненными навыками понимают наиболее важные социальные умения личности. Прежде всего это умение общаться, поддерживать дружеские связи и конструктивно разрешать конфликты в межличностных отношениях. Также это способность принимать на себя ответственность, ставить цели, отстаивать свою позицию и интересы. Наконец, жизненно важными являются навыки самоконтроля, уверенного поведения, изменения себя и окружающей ситуации. В работе с подростками данная модель представляется одной из наиболее перспективных.

**Четвертая форма** - организация деятельности, альтернативной девиантному поведению. Эта форма работы связана с представлениями о заместительном эффекте девиантного поведения. Например, аддикция может играть важную роль в личностной динамике - в повышении самооценки или интеграции в референтную среду. Предполагается, что люди используют психоактивные вещества, улучшающие настроение, до тех пор, пока не получат взамен что-то лучшее. Альтернативными формами активности признаны познание мира (путешествия); испытание себя (походы в горы, спорт с риском); значимое общение, творческая и общественно - полезная деятельность. Эта форма реализуется практически во всех программах оказания помощи в случаях уже сформированного





# ЎҚУВ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ОРҚАЛИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**М.М.БЕРДИЕВА - ЎзПФИТИ тадқиқотчиси**

Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим олувчиларни интеллектуал ривожлантириш учун ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш зарурлиги кўрсатилган. Мактабгача таълим муассасаларида болаларга кўмаклашишда тарбиячилар уларни интеллектуал ривожлантиришга хизмат қиладиган педагогик-психологик назарияларга таянишлари лозим. Бунинг учун болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш тизимини ишлаб чиқиш зарурияти мавжуд. Болаларни қўллаб-қувватлаш, уларни таълим-тарбия жараёнига мослаштириш тарбиячиларнинг муҳим вазифларидан биридир. Шундагина улар ақлий жиҳатдан ривожланадилар ва машғулотлар мазмунини ўзлаштиришга ҳаракат қиладилар. Мактабгача таълим-тарбия жараёни сифатини яхшилаш, унда интеллектуал жиҳатдан ривожланган шахсни камол топтириш учун биринчи навбатда болаларни педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ниҳоятда зарурдир. Болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали улар дуч келадиган қийинчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ақлий ривожланиши сари йўл очиш имконияти вужудга келади. Шу билан бир қаторда, болаларни муваффақиятли тарзда мактабга тайёрлаш, уларнинг саломатликлари ҳамда ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялаш жараёни тезлашади. Болаларни интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан бири, ўқув-тарбия сифатини таъминлашга эришиш, мазкур жараёнда таълим олувчиларни тизимли тарзда қўллаб-қувватлаш ва интеллектуал ривожланиш жараёнини табақалаштирган ҳолда ташкил этиш лозим. Бунинг учун болаларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш, уларнинг руҳий ҳамда жисмоний хавфсизликларини таъминлаш, педагогик қўллаб-қувватлаш ва муаммоли вазиятларда ҳамкорлик қилиш, уларнинг имкониятлари ва лаёқатларини мунтазам ташхислаш, ўқув-тарбия жараёнида улар дуч келадиган қийинчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш, таълим олувчиларнинг ўзаро мос келадиган имкониятлари ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни мустақил, масъулиятли, ижтимоий жиҳатдан сафарбарликка мойил шахсни шакллантириш, уларни муваффақиятли ижтимоийлаштириш ва келажакдаги ўқув фаолиятларида муваффақиятга эришишлари учун уларда дастлабки ўқув кўникмаларни таркиб топтириш, ўз ютуқ, камчиликларини аниқлаш ва тузатишга одатлантириш лозим. Бундай ёндашувни амалга ошириш учун ўқув-билув жараёнида болаларни ҳар томонлама педагогик жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим педагогик аҳамиятга эга. Педагогик қўллаб-қувватлаш жараёни асосан болаларни интеллектуал ривожлантиришга йўналтирилиши керак. Бунда болаларнинг атроф-олам, ундаги одамлар ва ўз-ўзига бўлган муносабатини таркиб топтириш муҳим ўрин эгаллайди.

Анъанавий мактабгача таълим жараёнида тарбиячининг болаларга муносабати асосан осойишта маромда бўлганлиги барчамизга аён. Улар айнан болаларнинг ташқи ҳаракатларигагина муносабат билдирадилар. Тарбиячилар болаларнинг хатти-ҳаракатларига тезгина ёрдам кўрсатишга интиладилар. Масалан, урушқоқ болаларни жазолайдилар, уларнинг ташқи кўринишлари, атрофдагиларга бўлган муомалаларига нисбатан муносабат билдирадилар ёки уларнинг ота-оналарига шикоят қиладилар. Аксарият ҳолларда тарбиячилар ота-оналарга ўз фарзандларини бошқа мактабгача таълим муассасаларига ёки гуруҳларга ўтказишни тавсия қиладилар.

Тарбиячиларнинг бундай ҳаракатлари бир ёқлама характерга эга бўлиб, боланинг бир маромда ақлий ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Бир қараганда тарбиячининг тутган йўли тўғри ва мақсадга мувофиқ бўлиб кўринади. Улар гўёки болаларнинг саломатлиги, ҳаёти, тенгдошлари билан мулоқотга киришиши, эркин таълим олиши ва етук инсон бўлиши учун ғамхўрлик қилгандек бўлиб кўринадилар. Уларнинг мақсадлари ҳам аслида худди мана шундай, лекин бу жараёнда тарбиячилар болаларга кўрсатиладиган ёрдамнинг қулай ва самарали шаклларини танлай олмайдилар. Улар аксарият ҳолларда болаларга буйруқ берадилар, уларни дўқ-пўписа билан қўрқитадилар, бунинг натижасида эса, болани қўрс ва қайсар қилиб қўядилар. Уларнинг кўрсатмоқчи бўлган ёрдамлари болаларнинг интеллектуал ривожланишларига тўсқинлик қила бошлайди. Бошқа гуруҳдошлари билан фаол ҳамкорлик қилишларига ҳалақит берадилар. Шунинг учун ҳам тарбиячининг болаларга кўрсатадиган ёрдами уларни интеллектуал ривожлантириш соҳасида кутилган самарани бермайди. Тарбиячи билан болалар орасидаги ички зиддиятлар, уларнинг қалбида алам, қўрқув, ҳадикнинг ҳосил бўлиши, баджаҳл, катталарга шубҳа билан қарайдиган бўлиб шаклланишларига олиб келади. Натижада бундай болалар тарбиячиларига кейинчалик эса ўз ўқитувчиларига беписандлик билан қарай бошлайдилар ҳамда таълим жараёнидан узоқлашадилар. Улар тарбиячилардан ҳимояланиш йўлларини излайдилар. Болалар вазиятга мослашиш, ўзликларидан узоқлашишга ҳаракат қиладилар. Бундай болалар ўзига хос тарздаги ижтимоий қулайликка эга бўлишни хоҳлайдилар.

Шахсга йўналтирилган таълим жараёни эса, нафақат боланинг ташқи ҳолати, балки унинг ички дунёси майллари, интилишларини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда тарбиячининг вазифаси болаларнинг интеллектуал имкониятларини рўёбга чиқариш воситалари ва йўлларини излаб топишдан иборатдир. Бунинг учун эса, улар энг аввало болаларнинг муаммоларини тушунишлари, ўзлари киритган қоидаларни бажаришга уларни мажбур қилмасликлари лозим.

Чунки ўсиб, ривожланиб келаётган болани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фикри кўпгина педагоглар ва психологлар томонидан таъкидлаб ўтилган. Улар ўзлари илгари сурган дидактик назарияларда болаларнинг қизиқишларини ҳимоя қилиш нуқтаи назарига таянадилар. Шундай олимлар сирасига Р.Сафарова, Р.Джураев, Б.Адизов, И.П.Иванов, Ш.А.Амонашвили, А.В.Мудрик, Э.Ғозиев, О.С.Газманларни киритиш мумкин.

Мазкур муаммонинг ниҳоятда долзарблиги ва педагогика фанида ўз ечимини кутаётганлиги ўқув-тарбия жараёни ва тарбиячи-тарбияланувчи муносабатлари таҳлилидан ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчаси остида юқори касбий маҳоратга эга бўлган тарбиячилар фаолиятлари тушунилади. Чунки улар болаларга огоҳлантирувчи тезкор ёрдам кўрсата оладилар. Мазкур ўзига хос муаммонинг ечими болаларнинг руҳий, жисмоний саломатликлари, мулоқотлари, ўқув фаолиятларидаги муваффақиятлари, интеллектуал ривожланишлари, ўзларининг ҳаётдаги ўринлари ва касбий йўналишларини аниқлашлари учун ҳам муҳимдир.

Педагогик қўллаб-қувватлаш тушунчасининг марказида тарбияланувчи бола шахси туради.

Бугунги куннинг энг ўткир муаммоси тўлақонли шахсни шакллантиришдир. Бунинг учун ўқув-тарбия жараёни айнан таълим олувчилар шахсига йўналтирилиши лозим. Бундан ҳозирги ўзгарувчан шароитда қандай қилиб болаларни интеллектуал жиҳатдан барқарор ривожлантириш мумкин деган саволга назариётчилар ва амалиётчилар томонидан бирдай жавоб изланмоқда. Бунинг учун энг долзарб масала болани педагогик қўллаб-қувватлаш воситалари ва шаклларини излаб топишдан иборатдир. Болаларни педагогик қўллаб-қувватлаш орқали интеллектуал ривожлантиришни мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, узлуксиз давом эттириш лозим. Бунда тарбиячи ҳамда ўқитувчилар таълим олувчиларнинг ҳар бир ҳолатини эътибордан четда қолдирмасликлари керак. Улар ёрдамга муҳтож таълим олувчиларни аниқлашлари ва интеллектуал ривожланишларига кўмаклашишлари лозим. Тарбиячилар болаларни кашф этишлари, уларнинг муаммолари ва интеллектуал ривожланишларини аниқлай олишлари талаб этилади. Таълим муассасаларининг педагогик жамоалари бу соҳада изчил иш олиб боришлари лозим. Бунинг учун болаларнинг шахсий муаммоларини ечишга тарбиячилар яқиндан кўмаклашишлари керак. Бундан тарбиячи ва ўқитувчилар индивидуал ҳамда гуруҳли ишларни амалга ошириш тажрибасига эга бўлишлари лозим. Мазкур ишлар тезкор амалга оширилиши ва огоҳлантирувчи характерга эга бўлиши керак.

Шуларга асосланган ҳолда, ўқув-тарбия жараёнида болаларни қўллаб-қувватлаш орқали уларни интеллектуал ривожлантириш ўз ечимини кутаётган долзарб педагогик муаммо эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

# «ЎҚИТУВЧИ-ЎҚУВЧИ» ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

**Д.Р.ТУРАЕВА – Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси**

Давлатимиз «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да алоҳида урғу берилишича, ўқитувчи ижтимоий ҳаётимизда фаол иштирок этувчи касб соҳиби сифатида бошқа мутахассислардан ажралиб туриши лозим. Ўқитувчи ўзининг нафақат фаоллиги билан, балки миллий ғоя ва мафкурани турли ёшдаги ўқувчилар онгига сингдириш қобилияти билан ижтимоий ҳаётда юз бераётган жараёнларни тўғри англай олиши, тўғри асослай билиши, шунингдек билим, ахборот манбаи сифатида жамият аъзолари томонидан чуқур эъзозланиш имкониятига эгадир.

Ўқитувчиниг ўқувчига муносабати, ўқитувчининг фаолият услуби алоҳида ўрганилишга молик бўлган масаладир.

Ўқув-тарбия жараёнининг мажбурий тусда бўлиши ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларда тангликни вужудга келтиради. Инсонпарварликка зид бўлган услуб ўқувчиларда ўқишга бўлган ҳавасни сўндиради, уларни қўрқоқ, ўқитувчиларни ёқтирмайдиган қилиб қўяди ва коллеж ҳаётидан норозилик ҳиссини келтириб чиқаради. Ўқитувчининг ўқувчини ҳақорат қилиши, қўполлиги, унинг шахсиятига тегадиган гапларни гапириши, унга атайин паст баҳо қўйиши, унга нисбатан тазйиқ ўтказиши ўқувчилик-болалик дунёсини остин-устун қилиб, ўқувчи ҳаётида кескин салбий бурилиш ясайди.

«Ўқитувчи-ўқувчи» тизимида нафақат иккита субъект: педагогик фаолият субъекти ва ўқув фаолияти субъекти тўқнашади, балки икки хил фаолиятлар ҳам тўқнашади. Бири ўқитувчининг педагогик, яъни ўқитувчи фаолияти, иккинчиси ўқувчининг ўқув фаолияти. Улар мазмунан ва шаклан бир-биридан фарқ қилади. Ўқитувчи бу ҳолатни яхши





маҳорати ва илмий–назарий малакаси, ижодий имкониятлари муҳим аҳамиятга эга. Бу ўқув жараёнида диалектик, муаммолилик, мулоқотлилик, сабр-тоқатлиликни эътиборга олган ҳолда интеллектнинг таҳлилий йўналганлиги билан ҳам алоқадордир. Шунингдек, инсонга мўлжалланган замонавий билимлар мажмуи даражаси, бу билимларни муқобил тарзда ишлатиш қобилияти, уларга танқидий баҳо беришга қодирлиги билан ҳам изоҳланади.

Олий ўқув юртларини касб-ҳунар таълими тизими билан ўзаро ҳамкорлигини таъмин этишда электрон дарслик, қўлланмалар, электрон масала ва машқлар тўпламини тайёрлаш, уни биргаликда татбиқ этиш муаммоси ўз ечимини кутмоқда. Шунга кўра, педагог олимларимиз касб-ҳунар таълими тизимида фаолият юритаётган малакали мутахассислар билан ҳамкорликда ўзаро илмий-ижодий, ўқув-методик ишлар мажмуасини яратиш ва уни амалга татбиқ этиш – малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш омили ҳисобланади.

# РОЛЬ ПСИХОЛОГИЧЕСКОЙ СЛУЖБЫ СИСТЕМЫ НАРОДНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ПРОФИЛАКТИКЕ ДЕВИАНТНОГО ПОВЕДЕНИЯ И СОЦИАЛЬНОЙ РЕАБИЛИТАЦИИ ПОДРОСТКОВ

**Ю.М.АСАДОВ - начальник управления МНО РУз**
**Ш.Ш.ШОМИШОВА - специалист МНО**

Девиантное поведение является одной из актуальных проблем современного общества, исследование которой проводится учеными многих стран с позиций социологии, девиантологии, криминологии, социальной психологии, педагогики, психиатрии, наркологии.

Проблема девиантного поведения подростков является актуальной и для нашей республики. Её изучению были посвящены работы узбекских авторов (Ю.Асадов, Н.F.Камилова, Д.Шарипова, Г.Б.Шоумаров, Г.Т.Ядгарова). В этих работах рассматриваются вопросы диагностики личности, профилактики девиантного поведения и перевоспитания «трудных» подростков с учетом их возрастных и индивидуальных особенностей.

В профилактике девиантного поведения и социальной реабилитации подростков большую роль может сыграть психологическая служба системы народного образования. Эффективность действия этой службы во многом зависит от уровня профессиональной компетентности школьных психологов и педагогов, их взаимопонимания и продуктивного взаимодействия.

Изучение формирования и проявления девиантного поведения у подростков 12-15 лет показывает, что оно напрямую связано с воздействием конкретных ситуационных факторов: отсутствием надзора со стороны взрослых, конфликтными отношениями с учителями, родителями; участием в уличных группировках, влиянием ранее судимых лиц, склоняющих подростков к совершению правонарушений, употреблению алкоголя, наркотиков.

Истоки девиантного поведения лежат в педагогической и социальной запущенности подростков и связаны с различными отклонениями их физического и психического здоровья. Сочетание неблагоприятных индивидуальных, психолого-педагогических, личностных, семейных и других социально-психологических факторов искажает образ жизни подростков. Характерным для них становится нарушение эмоциональных отношений с окружающими людьми. Сам образ жизни, среда и круг общения способствуют развитию и закреплению девиантного поведения. Отрицательный микроклимат в семьях обуславливает возникновение у определенной части подростков отчуждённости, грубости, неприязни по отношению к социуму, стремление делать всё назло, вопреки воле окружающих, что создаёт объективные предпосылки для проявления демонстративного неповиновения, агрессивности, совершения правонарушений и преступлений.

Профилактическая и коррекционная работа с девиантными подростками имеет свои социально-психологические особенности. На начальных этапах работы более эффективной является индивидуальная коррекция девиантного поведения, так как неизбежной может быть отрицательная консолидация подростков в группе. Параллельно необходимо начинать работу с семьёй. После диагностики семейных отношений и степени их рассогласованности необходимо проводить коррекционную работу (как индивидуальную, так и групповую). Особое значение в коррекционной работе имеет формирование интересов и мировоззрения подростка. При этом важно учитывать его социальные установки, ценностные ориентации, склонности и способности. Необходимо стремиться к максимальному сокращению периода свободного времени подростка (праздного существования и безделья) за счёт привлечения к занятиям, формирующим положительную личность: чтение, самообразование, общение в Интернете, домашние дела, спорт, музыка и др.

Раннее выявление поведенческих проблем у подростков, социально-психологический анализ причин и условий их возникновения, адекватная воспитательно-коррекционная работа дают возможность предотвратить десоциализацию подростков. Несвоевременное обнаружение начальных признаков отклоняющегося поведения и проблем в воспитании, препятствующих

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ПЕДАГОГИК ВА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

**М.С.САЛАЕВА - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти доценти, псих.ф.н.**
**Н.А.АСТАНКУЛОВА - Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти II-курс магистранти**

Бугунги кунда «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг сифат босқичига ўтилган айни пайтида олий таълим тизимига замонавий ахборот технологиясини жорий қилиш масаласи жадаллик билан амалга оширилмоқда. Бу жараён олий таълим мазмуни учун янги педагогик ғоялар билан инновацион дастурлар ишлаб чиқиш масъулиятини юклайди.

Шунингдек, олий таълим тизимини такомиллаштириш мақсадида электрон дарсликлар ва қўлланмалар яратилмоқда. Ушбу таълим тизими ҳар дақиқада янги ўзгаришлар билан кенгайиб бормоқда. Дунё бўйича кенг тарқалган ушбу таълим олиш тури касб-ҳунарга йўналтирилган таълим муассасаларининг таркибий қисмига айланмоқда. Бунда олий таълим тизимининг барча таълим ихтисосликлари бўйича электрон дарсликларни турли дастурлар ва дастурлаш тилларида яратиш мумкин: Macromedia Flash, Delphi, HomeSaite, FrontPage ва бошқалар. Дарслик дизайнини яратишда Macromedia Flash ва FrontPage дастурларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу дастурларда ҳаракат, товуш ва анимациялар бериш буйруқлари енгил ва қулай бажарилади.

Олий таълим муассасаларининг барча таълим йўналишлари бўйича ўқитиш методлари модернизациясига кўра айни пайтда замонавий ахборот технологияси воситалари билан бойитилиши таълим сифатини янада такомиллаштириш имконини бермоқда. Бу борада масофавий ўқитиш усули ўқитувчи ва ўқувчилар учун хам қатор қулайликларга эгалиги билан ажралиб туради. Интернет, мультимедия каби технологик воситалар ўқувчилар учун зарур ўқув материаллари, қўлланмалар асосида компьютер дастурлари ишлаб чиқиш вазифасини қўймоқда. Зеро, масофавий ўқитиш ҳар қандай соҳада ҳам жаҳон таълим муассасаларининг услубий адабиётлари, замонавий ҳамда энг сўнгги ахборотларни олиш шарт-шароитларини яратади.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълимни ахборотлаштириш, замонавий техника ва технологиялар, интернет тармоғининг хизматидан кенг фойдаланиш кўзда тутилган. Ҳозирги кунда мамлакатимизнинг олий таълим муассасаларида ана шу йўналишда кўпгина ижобий ишлар қилинмоқда. Компьютер техникаси ва телекоммуникация тизими масофавий ўқитишнинг асосий қисмини ташкил қилади. Ўзбекистон Республикасида масофавий таълим тизимини яратиш ва ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш сўнгги йиллар давомида таълим олиш хизматига бўлган талабнинг кескин равишда ошиши ҳамда масофавий таълимнинг юқори ижтимоий аҳамияти туфайли юзага келди.

Масофавий ўқитиш усули ўзининг сифат кўрсаткичларига кўра анъанавий таълим шаклларидан фарқ қилади. У ўқувчиларни ўзига қулай вақт ва қулай шароитда ўқитиш имконини беради. Айни пайтда ўзлаштиришни назорат қилиш ва баҳолаш механизми вужудга келади. Ўқув курсига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсий ва гуруҳ талаби асосида ўқув режалари ишлаб чиқилади. Аммо, масофавий таълим бериш учун, энг аввало:

- моддий базанинг мавжудлиги;
- унинг илғор педагогик технологияларга асосланганлиги;
- малака ошириш ва қайта тайёрлов курсида қатнашаётганлар ўртасида махсус тармоқнинг мавжудлиги талаб қилинади.

Масофавий таълим ўқитувчи мутахассисларнинг вақтини тежаш имконияти даражасидан келиб чиққан ҳолда моддий манфаатдорликни ошириш билан мустақил таълим олиш учун кенг шароит яратиб беради. Масофавий таълим тизими мутахассис ўқитувчиларнинг олдига янги долзарб вазифаларни қўймоқда. Чунки ўқув материалларини тўлдириб бориш, ижодий ёндашув ҳамда инновацион технологиялар асосида малакасини ошириш ва бу кўрсаткичларни жаҳон илми ютуқлари билан мувофиқлаштириб боришлари талаб этилади.

Кадрлар тайёрлаш тизимининг асосий вазифаларидан бири ҳозирги замон фани ва ишлаб чиқаришнинг юқори малакали, ахборот технологияларни ўзлаштирган ишчилар ҳамда мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ўз вақтида қондиришдир. Юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж бевосита мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожланиши билан аниқланади ва маълум бир даврга мўлжалланган асосий стратегик мақсадларга, ишлаб чиқариш таркибини ўзгартиришга оид вазифаларга ҳам боғлиқдир.

Олий таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш жараёни учун «Тикув буюмларини конструкциялаш» фани мазмуни тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида ҳам ўқитишнинг электронли кўринишидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, «Кийим нуқсонлари ва уларни бартараф этиш усулари» мавзуси доирасида PhP тили, Micromedia Flash, Photoshop, Corel Draw, Micromedia Dreamweawer, 3D-max дастури ёрдамида тайёр маҳсулот сифатида яратилган кийимлардаги нуқсонлар анимация орқали тасвирланади. Бунинг афзаллик томонлари шундаки, ҳар хил товушлар бериш, мультимедия, ҳар хил анимациялар, ҳаракатли электрон ресурсларни яратишда қўлланиладиган энг замонавий дастурий воситалардир.

Таълим жараёнини инновацион технологиялар билан бойитиб боришда нафақат ахборот технологиялар, балки ўқитувчиларнинг касбий






билади, ўзининг ўқитиш фаолиятида ўз шахсий услубини ишлаб чиқиши жараёнида инобатга олиши мақсадга мувофиқ бўлади. Д.Б.Эльконин таълим тизимига ёш даврлари нуқтаи назаридан туриб ёндашиш зарур деган. Унинг фикрича, ҳар қандай таълим-тарбия жараёнини боланинг ёш даври хусусиятларини инобатга олмасдан амалга ошириб бўлмайди. «Ўқитувчи-ўқувчи» муносабатлари педагогик тизимида ўқитувчи фаолиятини ва унинг педагогик услубини ўрганилишини таҳлил қилиб, А.А.Бодалев, В.Н.Кан-Калик тадқиқотларида ўқитувчи фаолият услубининг ўқувчилар билан мулоқотга, бир-бири билан муносабатига, ўқиш жараёнига таъсир қилиши, А.А.Андреев тадқиқотларида ўқитувчи фаолиятига, Т.Н.Мальковская, Н.Ф.Маслова тадқиқотларида ўқувчи шахсий хусусиятларига, Ю.Б.Гаманов тадқиқотларида эса ўқитувчи фаолият услубидан ўқувчилар ўқиш мотивларининг шаклланишига таъсири тўғрисида қараб чиқилганлигини, А.Д.Деменцев эса педагогик маҳоратнинг асосий омилларига (Эффективная деятелность) қуйидагиларни киритади: шахсий хусусиятлар илмий маълумот, ғоявий йўналганлик, касбий маҳорат, билим, ижодий фаоллик малакасини унинг фикрича, бу нафақат асосий усталик компоненти, балки ўз билимини янгилаш ва ошириб боришда ҳамдир. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ўзбек психологиясида педагогик психология масалалари, хусусан ўқитувчи фаолиятига тааллуқли муаммолар энг кўп ўрганилган йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбек психолог олимларидан М.Г.Давлетшин, Э.Ғ.Ғозиев, Ғ.Б.Шоумаров, В.М.Каримова, Ш.Р.Баратов, А.М.Жабборов, Э.Н.Сатторов, А.Й.Расулов, А.А.Закиров, М.М.Мавлонов, Г.Бердиев, Н.Ш.Азимов, И.Б.Шуванов, Л.А.Норматова, Т.М.Адизова, М.А.Борисова ва бошқалар педагогик психология борасида тадқиқот ишлари олиб боришган. Масалан, И.Б.Шуванов тадқиқотларида, ўқитувчи фаолият услуби ўқитувчи фаолиятининг натижаларига ва муваффақиятига таъсир қилиши, ўқитувчи фаолиятининг муваффақиятига ўқитувчининг касбий билимигагина таъсир қилмасдан, балки бир қатор шахсий индивидуал тавсифларга иродавий-мотивацион, ақлий ҳамда эмоционал хусусиятига ҳам боғлиқлиги аниқланди.

Биз юқорида зикр этилган масалани турли хил нуқтаи назарлардан туриб таҳлил қилиб, «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида ўқитувчининг фаолият услубини янада чуқур ўрганишни талаб қиладиган масала деган хулосага келдик.

Тошкент темир йўл транспорти касб-ҳунар коллежи ўқувчилари орасида «Ўқитувчи-ўқувчи нигоҳида» сўровномаси ўтказилди. Сўровномага кўра қуйидаги саволлар бўйича ўқитувчилар баҳоланиши лозим эди:

1. Ўқитувчининг билим даражаси;
2. Педагогик маҳорат;
3. Ўқитувчи дарсининг сифати;
4. Ўқитувчининг интизоми;
5. Ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга кириша олиш қобилияти.

Ўтказилган сўровнома натижаси шуни кўрсатдики, биринчи босқич ўқувчилари 5 йилгача педагогик тажрибага эга бўлган ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати ва ўқитувчи интизомига паст баҳо бериб, ўқитувчининг билим даражаси ва ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга кириша олиш қобилияти таъкиди бўйича ўртача баҳони қўйишган. Қизиги шундаки, кўп йиллик ўқитувчиларга баҳо беришда 61% ўқитувчиларга: ўқитувчининг билим даражаси, педагогик маҳорати, ўқитувчи дарсининг сифати, ўқитувчининг интизоми бўйича юқори, ўқитувчининг ўқувчилар билан мулоқотга кириша олиш қобилияти бўйича паст баҳо қўйишган. Учинчи босқич талабалари эса 5 йиллик малакага эга бўлган ўқитувчиларга ўртача даража билан, кўп йиллик ўқитувчиларнинг 70% барча таъкидлар бўйича юқори даражада баҳо беришган.

«Ўқитувчилар ҳақида ўқувчиларнинг фикри» анкетасидаги «Ўқитувчиларингиз билан қай мавзуларда суҳбатлашиб турасиз?» саволига биринчи босқич талабалари ***«ўқиш билан боғлиқ масалалар тўғрисида» -*** «тез-тез» жавобини 30%, «шахсий ишлар тўғрисида» 12%, «келажак режалари тўғрисида» - «ҳеч қачон» жавобини 93% ўқувчи жавоб берган. «Атрофдагиларнинг хатти-ҳаракати ва хулқи тўғрисида» мавзусига «камдан-кам» деб жавоб берган ўқувчилар - 40%, «ўқувчиларнинг бир-бирига бўлган ўзаро муносабати бўйича» - «камдан кам» деган жавоб 5% ташкил қилди.

Ўқувчилар коллеждаги ўқитувчиларда қуйида қайд қилинган характерга эга бўлган ўқитувчиларни афзал ҳисоблашган экан:

- Меҳрибон, қувноқ, жавобгарликни ҳис қилувчи, барқарор инсоний сифатли;
- Ҳақиқатгўй, батартиб, ҳалол, бошқаларни ҳурматловчи, ташкилотчилик сифатларига эга;
- Фойдалилик, халқпарварлик, гуруҳ ишида ўқувчиларга эркинлик ҳуқуқини берувчи, қизиқувчан, иштиёқли ва ишчан ўқитувчи;
- Яхши кийинган, ёқимли овозли, умуман ёқимтойлик қиёфасидаги. Ўқитувчининг ўқувчиларга маъқул бўлмаган томонлари: қасоскорлик, асабийлашганлик, жаҳлдорлик, ўқувчига нисбатан ҳурматсизлик, масъулиятсизлик, хукмронликка интилиш, сўзида турмаслик, бефарқлик деб биладилар.

Сўровномалар натижасига кўра коллежда таҳсил олаётган ўқувчилар ўқитувчилар фаолиятини ижобий баҳолашган, лекин айрим ўқитувчилар билан муносабат ўрнатишга қийналишларини билдиришган. Ўқитувчиларнинг ўқувчига нисбатан нотўғри муносабати, ўқитувчи фаолият услубининг нотўғри танланганлиги учун ўқувчилар томонидан ўқитувчиларнинг салбий баҳоланишига ва улар ўртасидаги салбий ўзаро муносабатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Тадқиқотларимизни давом эттириб, «ўқитувчи-ўқувчи» тизимида ўқитувчининг фаолият услубини ўрганишга ҳаракат қилдик. Кўп хил иш услубларидан биз қуйидагиларни танлаб олдик. Улар: ҳиссий-тайёргарликсиз, ҳиссий-режали, фикрий-тайёргарликсиз ва фикрий-режали услублардир.

1. Ҳиссий-тайёргарликсиз услуб. Таълим жараёнида ўқитувчи ўз ишини қуйидагича режалаштиради: ўзига қизиқроқ материални танлаб олади, унча қизиқ бўлмаган материални (муҳим бўлса ҳам) ўқувчилар мустақил иши учун қолдиради. Бунда асосан кучли ўқувчиларга таянилади. Унинг фаолияти юқори даражадаги ишчанлик билан фарқланади.

2. Ҳиссий-режали услуб. Таълим жараёни ва унинг натижаларига асосланиб, ўқитувчи ўқув-тарбия жараёнини режалаштириб, барча ўқув материалини босқичма-босқич ишлаб чиқади, унинг фаолиятида доим ўқувчи билимини мустаҳкамлаш, такрорлаш ва назорат қилиш бир тизимда бўлади. Ўқув материалини қайта ишлашда ҳар хил методик усуллардан фойдаланиб, бу услубда ишловчи ўқитувчи болаларни ташқи киритувчанлик билан эмас, балки предметнинг хусусиятлари билан фаоллаштиришга ҳаракат қилади.

3. Фикрий-тайёргарликсиз услуб. Ўқитувчиларга ўқув-тарбия жараёнини адекват режалаштириш, ишчанлик хос бўлиб, у таълим жараёни ва натижасига қараб иш тутади. Ўқитувчи фаолиятининг бу услуби таълим методларини ўзгартиришда ижодкорлигининг сустлиги билан фарқланади. Фикрий-тайёргарликсиз услубида ўқитувчилар хиссий услубдаги ўқитувчиларга қараганда, дарс жараёнида камроқ ўзлари гапиришади. Айниқса, дарсни сўраётган вақтда жавоб берувчи ўқувчилар қўшимча аниқликлар киритади.

4. Фикрий-режали услуб. Тарбия натижасига ва ўқув-тарбия жараёнини режалаштиришдаги адекватликка қараб иш тутган ўқитувчи педагогик фаолият усул ва воситаларидан фойдаланишда эскиликка ёпишиб олади. Унга юқори даражадаги режалилик хос бўлиб, жамоа бўлиб таҳлил қилинмайди. Бу усулдаги ўқитувчига рефлексизлик хосдир. Келасев В.Н. (1971) тадқиқотларида, юқори хавотирланиш даражаси хос бўлган ўқитувчилар, ўқувчиларнинг қизиқиш ва талабларига эътиборли бўлишар экан.[1]

Ўқитувчиларининг типологик нерв тизими, шахс хусусиятларини ҳисобга олиб, юқоридаги услубларнинг улар фаолиятида қай даражада намоён бўлишига қараб, қуйидаги услубларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ўқитувчининг дарсга тайёрланишини характерловчи услуб
- ўқувчиларни билим олишга ундаш услуби
- ўқув материалини етказиш услуби
- бошқарув услуби
- билимларни баҳолаш услуби.

Биз ўқитувчи фаолият услубини ўрганиш бўйича дастур ишлаб чиқдик. Бу дастур бўйича тадқиқот ишларни давом эттирмоқдамиз. Бу борада олиб борилаётган ишларимизни кейинги фаолиятларимиз давомида ҳам ёритиб борамиз.

In this article are presenting materials pertinent to the training process, where should be introduced characteristics of young generation i.e. in time of training teachers should account age of pupils and find the ways of how to efficiently explain training materials.

[1]Ильин Е.П. Психология индивидуальных различий. -СПб.:Питер, 2004.-701 с.:ил.-(Серия «Мастера психологии»).стр.-293.

# ФИЗИКАДАН ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА ЎҚУВЧИ АМАЛИЙ ФАОЛИЯТИ ВА УНИ БОШҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

С.МАҲМУДОВА – ЎзПФИТИ докторанти
Н.ЖУМАЕВ – ТАТУ Қарши филиали катта ўқитувчиси

Фаолият мотив, мақсад, восита, натижага кўра доимий ҳаракатланадиган ижтимоий ҳодиса, у ўзининг бошланиши ва якунига эга. Амалий фаолиятнинг бошланиши ўқув мақсадларини белгилаш, англаш, уларни амалга ошириш билан якунланиши таълимдан кўзланган натижага эришиши билан тавсифланади. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда, тузилган лойиҳаларда амалий фаолият моделлаштирилади. Демак, ўқувчининг ўқиш-ўрганишининг бошланишида таълим лойиҳаси, якунланишида эса таълим натижаси ётади.

Физикадан лаборатория ишлари лойиҳаси ва уни амалга оширишда эришиладиган натижани бир тўғри чизиқда ётган икки нуқта шаклида тасаввур этиб, ўқиш-ўрганиш бошланишидан то якунланишига қадар бўлган масофада фаолиятнинг кўплаб вариантлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Амалий фаолиятни даврий бошқаришнинг бош вазифаси мазкур вариантлар орасидан энг самаралисини танлаш ва уни илмий асослаш. Бундай иш ўқиш-ўрганишнинг умумий ва алоҳида хусусиятларини ажратишни тақозо қилади. Физикадан бажариладиган лаборатория ишлари мазмуни, ўқувчининг ўқув мақсадлари, ўрганиш воситалари, таълим услублари ўқиш-ўрганиш умумийлигини таъминлайди. Бинобарин, ўқувчининг ўқиш-ўрганиши умумий хусусиятларга эга бўлсада, бироқ унинг натижаси индувидуалдир. Демак, физикадан лаборатория ишларини бажаришни ҳар бир ўқувчи ўз имконияти ва салоҳияти даражасида ўзлаштиради. Натижа индувидуаллиги амалий фаолиятнинг хусусияти ҳисобланади.

Фаолият – бу ижтимоий қимматли мотивларга кўра аниқ бир мақсадга йўналтирилган, ўзига оид воситалар асосида маълум натижа билан якунланадиган ҳаракатлар тизими. Ўқувчи амалий фаолиятининг ҳаракатлар тизими. Ўқувчи амалий





# МИЛЛИЙ ҚАХРАМОНЛАРИМИЗ ТИМСОЛИДА ЎСМИР СПОРТЧИЛАРНИ МАЪНАВИЙ ВА ЖИСМОНИЙ БАРКАМОЛ ЭТИБ ТАРБИЯЛАШ

Қ.О.АРЗИБОЕВ – ТДПУ аспиранти

Халқимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, мамлакат ўтмишига, маънавий қадриятлар ва анъаналарга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият - енгилмас куч" китобида таърифлаганидек, **"...маънавият – инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, имон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч..."** – маънавиятга устувор йўналишлардан бир сифатида эътибор қаратилди. Шу билан бир қаторда мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом авлодни баркамол этиб тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

**"Соғлом авлод деганда, шахсан мен, энг аввало, соғлом наслни, нафақат жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳи, фикри соғлом, имон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлодни тушунаман. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади".**

"Маълумки, бугунги кунда мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10 миллион 360 минг нафарни ёки умумий аҳолининг 40 фоизини, 30 ёшгача эса-17 миллион 80 минг нафарни ёки 64 фоизни ташкил этади.

Ўз-ўзидан аёнки, аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларимизнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборимизни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳам ҳал қилувчи кучга айлантириш масаласи жамоатчилигимизнинг диққат марказида туриши шарт".

Халқимиз қадимдан ёш авлод тарбиясида "Соғлом танда соғлом ақл" тамойилига асосланиб уларни руҳан фаол, ахлоқий ва маънавий юксак, жисмонан етук, ишчан қилиб тарбиялашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганлар. Жумладан, Паҳлавон Махмуднинг жисмоний кучи, ички руҳий-маънавий қудрати, истеъдоди ва тафаккурида кўриниб туради. Паҳлавон Маҳмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват паҳлавон бўлиши билан бирга, ўз халқини севган ва ардоқлаган. У Хоразмнинг кўп шаҳарларида, ҳатто, Ҳиндистонга бориб, курашади, аммо кураги ерга тегмайди, мамлакатнинг биринчи паҳлавони бўлиб қолади. Бир ўзи Хоразм аскарларини озод қилиши, Ватан учун курашда жон фидо қилиши Пахлавон Махмуднинг ички руҳияти ва маънавий дунёқарашининг нақадар кучли эканлигини, жисмонан юқори даражада камолотга етганлигидан далолат беради.

Отаси вафотидан кейин, Бобур 12 ёшда тахтга ўтиради. У ёш бўлишига қарамасдан чорбоғ ичида чавандозликни машқ қилар эди. Бўз отни чоптириб бирдан жиловни қўйиб юборар, камонга чапдастлик билан ўқ ўрнатиб, чопиб бораётган от устидан нишонга олар, ёй ўқи ёғочга тақ этиб урилгани баралла эшитилиб турарди.

Бобур ёшлигидан куч-қувватли бўлган. У чарчаш нима эканлигини билмас, бир машқдан чиқиб, иккинчи машқни бошлаб кетаверар эди. Бобур от устида ҳар хил ҳаракатли машқларни ҳам яхши бажара олган. Бобур ўзининг бундай ботирлиги ва қўрқмаслиги билан ўз атрофидаги бошқа кишиларга ҳам намуна кўрсатар эди.

Мирзо Бобурнинг сўзи Умар шайхга таъсир қилиб, овни тўхтатибди. Шикорга чиқиб безабон жониворларни отавермайдиган бўлибди. Шундан маълум бўладики, Бобур ёшлигидан ақлли, фаросатли инсон бўлиб ўсган, ботирликни, кучни қаерда, қайси маҳалда ишлатиш кераклигини яхши билган.

Аёл бўлса ҳам жасур, халқи учун жон фидо қилишга тайёр турган Тўмарис, бир ўзи минг - минг аскарлик қўшинни енгган Широқ. Бундай мисолларни яна қанчадан қанча давом эттиришимиз мумкин.

Юртбошимиз ва хукуматимиз томонидан чиқарилган қарорларда таъкидланганидек, "Алпомиш" достонининг яратилишига 1000 йил тўлиши муносабати билан ёшларни маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаб ўстиришда "Алпомиш" ва "Барчиной" фазилатларидан мақсадли фойдаланиш кўзда тутилган. "Алпомиш" ўйинлари Республика фестивалларга 1998 йилдан бошлаб ўтказилиб келмоқда ва халқ миллий ўйинлари Республика мусобақалари даражасига кўтарилди. "Алпомиш" нинг кураш, отда пойга, камондан мерганлик фазилатлари, айниқса зиндонда занжирбанд бўлиб узоқ вақгача чидаши, бардош бериши, уни ўтда ёндирганда ҳам куймаганлиги ҳамда бошқа бир қанча хислатлари, чин инсоний фазилатлари ёшлар ўртасида қийинчиликларни енгиш борасида тарбиявий аҳамияти каттадир. Бу албатта афсоналардир, лекин ҳар бир афсонанинг тагида қандайдир бир ҳақиқат ётганлигини унутмаслигимиз керак.

*Хулоса тарзида шуни айтиш мумкинки*: ёшларимизни ҳақиқатан ҳам маънавий ва жисмоний баркамол авлод қилиб тарбиялашда албатта ўтмиш қахрамонларимизга чуқур эътибор билан назар ташлашимиз даркор эканлигига ривожланиб бораётган замонамизнинг ўзи ҳам гувоҳлик бермоқда.

**Адабиётлар**

1. "Юксак маънавият - енгилмас куч". -Т.: "Маънавият" 2008 й 19 б.
2. "Соғлом авлод бизнинг келажагимиз". -Т.: "Абу Али ибн Сино" 2000 й 9-10 б.
3. И.А.Каримов. "Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида". "Ўзбекистон". -Т.:2008. 163 бет.

хислатларида ифодаланади.

*Реалистик баҳо* педагогни ўраб турганлар – педагогик жамоа, мактаб маъмурияти, ўқувчилар жамоаси ўринли ва асосли баҳолари, реал самимий муносабатлари маҳсули ҳисобланади. Педагог шахсининг энг аҳамиятли сифатларидан бири - болаларга бўлган меҳр-муҳаббат, мурувват, педагогик одоб, ўзини-ўзи танқидий баҳолаш, ҳаққонийлик, жавобгарлик, ўзини-ўзи тута олиш ва назорат қилишдан иборат. Педагогнинг ўзини баҳолаш даражаси кўпинча педагогик фаолиятда эмоционал зўриқишнинг ўзгаришларини белгилайди. Адекват ўзини баҳолаш ва позитив ўзини баҳолашга ва болаларнинг ўзини баҳолашига ижобий таъсир кўрсатади, уларнинг ўқиш жараёнида муваффақиятга эришишини рағбатлантиради, уларда шахсни ривожлантирувчи таъсирни шакллантиради.

Биз қуйида педагогнинг ўзини-ўзи баҳолаш методикасини тавсия этамиз. **Ҳурматли устоз, ўзингизни синаб кўринг! Методика натижасига кўра иш фаолиятингизни ташкил этиш режасини тузинг.**

Педагогнинг ўзини ўзи баҳолаш тести

Қуйида келтирилган педагогнинг ўзини-ўзи баҳолаш тести якка тарзда, ҳамда гуруҳ-гуруҳ бўлиб бажарилиши мумкин. Бу методикадан педагогик йўналишдаги талабалар ҳам фойдаланиши мумкин.

Синовчилар учун шахсни ўзини-ўзи баҳолаш бланкалари берилади.

**Шахсни ўзини-ўзи баҳолаш бланкаси**

| №1 | Сифатлар | №2 | d | $d^2$ |
|---|---|---|---|---|
| | Кўнгилчанлик | | | |
| | Довюраклик | | | |
| | Тажанглик | | | |
| | Қайсарлик | | | |
| | Асабийлик | | | |
| | Сабр-тоқатлилик | | | |
| | Қизиқувчанлик | | | |
| | Пассивлик | | | |
| | Совуққонлик | | | |
| | Ташаббускорлик | | | |
| | Сусткашлик | | | |
| | Кам ҳаракатлилик | | | |
| | Иккиланувчанлик | | | |
| | Энергияли (чарчамас)лик | | | |
| | Ҳаётдан хурсандлик | | | |
| | Кўп ўйловчанлик | | | |
| | Олдиндан ўйламаслик | | | |
| | Уятчанлик | | | |
| | Бир сўзлилик | | | |

*Г=1 - 0,00075 x Sd*

***Биринчи кўрсатма.*** Шахс сифатини характерлаб берадиган ҳамма сўзларни диққат билан ўқиб чиқинг. Бу сифатларнинг фойдали, ижтимоий аҳамиятли, керакли томонларини қараб чиқинг. Ҳар бирини 20дан 1 баллгача баҳолаб чиқинг.

Сизнинг фикрингизча энг фойдали, энг керакли ва аҳамиятли деб ўйлаганингизга - “20” баҳони қўйинг ва уни бланканинг №1 графасига ёзинг. “1” баҳосини сизнинг фикрингизча фойдасиз, кераксиз ва аҳамиятсиз бўлган сифатнинг чап томонига қўйинг: “2” дан “19” гача бўлган баҳоларни бошидан сифатларга бўлган муносабатингизга қараб қўйиб чиқинг. Эсингизда тутинг, битта ҳам баҳо қайтарилиши керак эмас.

Бланкани чап томонини шундай букланг, баҳолар кўринмаслиги керак.

***Иккинчи кўрсатма.*** №2 графасига шахсий сифатларга мос равишда баҳолаб тўғрисига белгиланг. Сизга кўпроқ мос бўлган сифатга “19” баҳоси билан баҳоланг. Сизда камроқ бўлган сифатга 2 дан 18 гача баҳо қўйиб чиқинг. Сиз учун энг кам бўлган сифатга “1” баҳосини қўйинг. Баҳолар қайтарилмаслиги керак.

Ўз-ўзини баҳолашни аниқлаш ва тест натижаларини таҳлил қилиш.

- Бланканинг чап томонини очинг.
- Юқоридан бошлаб чап томонда турган (№1) баҳодан ўнг томонда турган (№2) баҳони айириб ташланг, натижани d графасига ёзиб қўйинг уни квадратга айлантиринг ва иккинчи натижани $d^2$ графасига ёзиб қўйинг.
- $d^2$ графасидаги ҳамма сонларни қўшиб чиқинг ва пастга ҳосил бўлган сонни ёзинг.
- Бу сонни 0,00075 сонига кўпайтиринг.
- Бирдан олинган сонни айиринг.

Натижада сиз рангли корреляция r коэффициентини аниқлайсиз. +1 дан –1гача бўлган маънога эга бўлади. У бланкада номланган сифатлар билан инсоннинг ўзида мужассамлашган сифатлари ўртасидаги ўзаро яқинликни аниқлайди.

+1га коэффициент қанчалик яқин бўлса, шунчалик, ўз-ўзини баҳолаш юқори бўлади. 0,62-0,85 сонлари билан аниқланади. 0,85 сонидан юқори бўлган сонлар ўзини-ўзи баҳолаши юқори эканидан, ўзига бўлган муносабатни танқидий эмаслигидан далолат беради.

**Зиддиятдаги конструктив хатти-ҳаракатда ўз-ўзини баҳолаш**

*Кўрсатма:* зиддиятдаги конструктив Хатти-ҳаракатингизни 5та позиция орқали таҳлил қилиб чиқинг. Сизнинг иштирокингизда содир бўлган, ва уларни 5 баллик мезон орқали баҳоланг .

Натижаларни баҳоланг:

3 балл кўрсаткичидан чап томонга (яъни 3 баллдан юқори бўлган 4 ёки 5 балл)га қараб кетиш шуни кўрсатадики, сиз зиддиятдаги конструктив хатти-ҳаракат белгиларига етарлича эътибор берасиз.

Танланган кўрсаткич ўнг томонга (яъни 3 баллдан паст бўлган 2 ёки 1 балл)га қараб кетиши шуни кўрсатадики, сизда зиддиятга деструктив хатти-ҳаракат қилиш белгилари бор. Бундай ҳолатда сиз зиддиятда рационал хатти-ҳаракат қилиш технологиясига мурожаат қилишингиз зарур.

| № | Позиция | Баҳо | Позиция |
|---|---|---|---|
| 1 | Ақлнинг “очиқлиги” Оппонентнинг далил ва исботларини тушунишга тайёр турибсиз | 5 4 3 2 1 | Сиз ҳеч қачон ўз оппонентингизни тушунишга ҳаракат қилмайсиз |
| 2 | Оппонентга нисбатан ижобий муносабат | 5 4 3 2 1 | Оппонентга нисбатан салбий муносабат |
| 3 | Рационал фикрлаш. Сиз ўз эмоцияларингизни назорат қиласиз | 5 4 3 2 1 | Сиз ўз эмоцияларингизга берилиб кетасиз |
| 4 | Ҳамкорлик. Сиз бир томонлама ютуққа ҳаракат қилмайсиз, тенглик ва ҳамкорликка интиласиз | 5 4 3 2 1 | Сиз бир томонлама ютуққа ҳаракат қиласиз |
| 5 | Сабр-тоқат. Инсонлар қандай бўлса, шундай бўлиши керак, деб тан оласиз. | 5 4 3 2 1 | Сиз оппонентни ёмон кўрасиз. Унинг нуқтаи назаридаги бир позицияси сизнинг жаҳлингизни чиқаради. |





фаолиятининг ўзаро дахлдор икки жиҳати ажратилади. Бу ўқиш ва билиш.

Ўқувчи амалий фаолиятининг ўқиш жиҳати хотирага асосланган. Бу анъанавий таълим бўлиб, уни амалга ошириш ўқувчини ўрганишга етаклайди. Масалан, шайинли торозида жисм массасини ўлчаш-тортиш қоидаларини ўрганишни ташкил этиш мақсадида ўқувчи амалий фаолияти торози паллалари ва уларнинг мувозанатини аниқлаш қуйидаги тартибда ўтказилади:

1. Агар шайинли торози текис жойда турган бўлса, унинг икки палласи мувозанатда бўлади. Шайинли торози паллаларининг мувозанатда эканлигини текшириш, унга ўқувчи ишончини ҳосил қилиш учун унинг ўнг ёни чап палласига бирор кичик массали жисм, масалан картон бўлакчаси қўйилади. Ўқитувчи шайинли торозининг ўнг палласига тошларни, тортиладиган жисмни эса унинг чап палласига қўйилишини таъкидлайди.

2. Ўқувчи ўқитувчи таъкидига асосан шайинли торозининг чап палласига тортиладиган жисмни, ўнг палласига тошларни қўйишни машқ қилади. Тинглаш ва фаолиятни амалга ошириш йўли билан ўқувчи иккинчи қоидани эслаб қолади. Ўқувчига шайинли торозининг ўнг палласига тошларни, чап палласига тортиладиган жисмни секин қўйиш уқтирилади.

3. Мазкур ҳаракатни ўқувчи ўқитувчи ёрдамида бажаради. Шайинли торози паллаларига ҳўл, ифлос жисмларни қўймаслик, суюқликни тўкмаслик тушунтирилади.

4. Ўқувчи ўқитувчи айтган санитария-гигиена қоидалари талабларини эсда сақлаб қолади. Шундай қилиб, ўқитувчининг тушунтириш ва кўрсатмаларига биноан ўқувчи шайинли торозида жисм массасини тортишнинг қуйидаги алгоритмини ўрганиб олади. Шайинли торозини текис жойга ўрнатиш; чап палланинг чап елкага, ўнг палланинг ўнг елкага тўғри келишини; торози тошларини ўнг паллага, тортиладиган жисмни чап паллага қўйиш зарурлиги; торози паллаларининг мувозанати кузатилади.

Таълимнинг бу вариантида ўқувчи амалий фаолияти ўқитувчи тушунтириши ва кўрсатмаларига кўра бошқарилади. Ўқувчи фаолиятини шу тартибда бошқариш изоҳи – кўргазмали таълим ибораси билан юритилади.

Изоҳли-кўргазмали таълим хотирага мўлжалланган бўлиб, ўқитувчи ўқувчи фаолиятини ўз сўзлари, ўз ҳаракатлари билан бошқаради. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолиятини бошқаришнинг бу кўринишида ўқувчининг вазифаси тинглаш, эргашиб фаолият кўрсатишдан иборат бўлади.

Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқитувчи амалий фаолиятининг билим жиҳати ўқувчи тафаккурига мўлжаллаб ўтказилади. Ўқувчи шайинли торозида жисм массасини тортиш қоидаларини мустақил ўрганади. Бунинг учун ўқувчи олдига қуйидаги саволлар ташланади: Шайинли торози паллалари мувозанати қандай шароитда текширилади? Шайинли торози тошлари қайси паллага, тортиладиган жисм қайси паллага қўйилади? Саволларга жавоб излаш жараёнида ўқувчи амалий фаолиятида бўлганидек, қуйидагича хулосалар чиқаради. Ўқувчи амалий фаолиятининг икки томони, яъни ўқиш ва билиш бир-бирини тақозо қилади. Агар биринчи вариантда ўқитувчининг тушунтириши ва кўрсатмалари орқали ўқувчи амалий фаолияти бошқарилса, иккинчи вариантда ўқувчига берилган саволлар орқали ўқувчи фаолияти бажарилади.

Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолиятига раҳбарлик қилиш учун ўқитувчи таълимга ўқув муаммолари ва топшириқларни татбиқ қилади. Физикадан лаборатория ишларини савол-топшириқлар ва тестлар тўпламидан фойдаланиб бажаради. Физикадан лаборатория ишлари – топшириқ, муаммо, тест, машқ воситасида ўқувчи амалий фаолиятининг бир турдан иккинчисига ўтади. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда бир даврдан иккинчисига ўтиш йўли билан ўқувчининг назарий билими, амалий кўникма ва малакалари ривожланади. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўзлаштиришнинг қуйи, яъни кўникма даражасидан юқори даражасига, олдин малака даражасидаги билим, сўнгра тушунча даражасидаги билимга кўтарилиш йўли билан ўқувчи мавзуни тўлиқ ўзлаштиришга эришади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг ҳозирги тараққиёти босқичида ўқувчи амалий фаолияти жараёнини даврий бошқаришнинг бош тамойили лаборатория ишларини бажаришнинг “сабаб-оқибат” тизимига мос келиши бўлиб, қуйида мазкур жараён йўналишлари баён қилинган.

**Биринчи йўналиш.** Ўқувчининг физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи мақсадлари тизимини аниқлаш. Ўқувчининг мақсади физикадан лаборатория ишларини бажариш натижасининг онгдаги образи. Онгдаги образ ўқувчи ҳаракатларини ягона йўналишга солади. Келажакда физика мутахассиси бўлиш истаги ўқувчини ўз устида тинимсиз ишлашга етаклайди. Ўқувчи амалий фаолиятини бошқариш, ўқувчи амалий фаолиятини бошқариш мақсади сингари ўқувчи амалий фаолияти мақсадига кўра амалга оширилади.

Замонавий педагогик технология ғоясига асосланиб ёзилган ўқув-услубий адабиётларда мақсаднинг уч тури ажратилади: бош мақсад, оралиқ мақсад, ҳаракатга тенг мақсад. Масалан, Паскаль қонунига доир лаборатория ишини олиб қўрайлик. Суюқлик ёки газга таъсир эттирилган босим суюқлик ёки газнинг ҳар бир нуқтасига ўзгаришсиз узатилади. Бу қонунни ўқувчининг атрофлича англаши учун қуйидаги уч хил мақсад ажратилади: бош мақсад – техника ва ишлаб чиқариш технологиясида босимнинг аҳамиятини англаш; оралиқ мақсад – Паскаль қонунининг моҳиятини тушуниб олиш. Оралиқ мақсад – Давлат таълим стандартига мос бўлиши; ҳаракатга тенг мақсад мавзу бўйича лаборатория ишини бажариш, кузатишлар олиб бориш. Физикадан лаборатория ишларини бажариш дедукция услубида ташкил этилса, ўқувчи амалий фаолияти оралиқ мақсад – Давлат таълим стандартидан бошланади.

Ўқувчи олдин Паскаль қонунининг моҳиятини лаборатория ишини бажариш жараёнида тушуниб

олади. Сўнгра, мазкур қонуннинг техника, технология ва ҳаётда қўлланишига оид мисолларни таҳлил қилади. Ўқувчи амалий фаолияти индукция услубида ташкил этилганда олдин амалий ишлар бажарилади, сўнгра лаборатория ишини бажариш ташкил этилади, кузатишлар ўтказилади. Лаборатория ишини ва кузатишлардан Паскаль қонуни тўғрисида қоида чиқарилади.

Таълим дедукция услубида ташкил этилганда ўқувчи амалий фаолияти Давлат таълим стандартларидан уларнинг амалиётда қўлланилишини эгаллашга қараб бориш андозасини, индукция услубида ташкил қилинганда эса ҳаракатлардан Давлат таълим стандартига ва ундан яна ҳаракатларга қараб бориш андозасини олади. Ҳар иккала ҳолатда ўқувчи амалий фаолияти мақсади ўқувчи амалий фаолиятини бошқариш омилига айланади. Пировард натижада, физикадан лаборатория ишларини бажаришнинг даврий бошқариш имкониятлари ошади.

**Иккинчи йўналиш.** Ўқувчининг физикадан лаборатория ишларини бажариши тайёргарлиги даражасининг реал ўқувчи амалий фаолияти имкониятларини олдиндан таҳлил қилиши. Ўқувчи амалий фаолиятини илмий бошқариш унинг ҳозирги аҳволини таҳлил қилишни тақозо қилади. Суюқлик ва газларнинг босимни узатишига доир лаборатория ишларини бажариш учун ўқувчи ҳаётий тажрибаларини эсга тушириши фойдадан ҳоли бўлмайди. Бунинг учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: Инсон юрагининг ишлаш тамойили, двигатель поршенларининг иши, домкратнинг кўтариш кучи, ғоввоснинг сув остида ишлаши, тоққа кўтарилаётган альпинист организмида юз берадиган ўзгаришлар. Ўқувчининг тайёргарлик даражаси реал ўқувчи амалий фаолияти имкониятларини олдиндан ўрганишни оқилона бошқариш учун замин яратади.

**Учинчи йўналиш.** Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолиятига дидактик таъсир қилиш тизимини аниқлаш. Ўқувчининг тайёргарлик даражаси ва реал ўқувчи амалий фаолияти имкониятлари таҳлил қилингач, уларга таъсир қилиш тизими ишлаб чиқилади. Бу тизим мазмунан қуйидаги босқичлардан иборат: ўқувчини мавзуга доир лаборатория ишларини бажаришга тайёрлаш; ўқувчининг лаборатория ишларини бажариш технологиясини таҳлил қилиши, идрок этишни таъминлаш; ўрганилган ахборотларни мустаҳкамлаш; лаборатория ишларини бажариш натижасини дастлабки текшириш. Бу босқичларнинг ҳар бири ўзига мос мақсад, восита, услубларга эга.

Масалан, ўқувчини мавзуга доир лаборатория ишларини бажаришга тайёрлаш мақсадида унинг диққати турлича босим асосида ишлайдиган механизмларга, суюқлик ва газларнинг босимини узатишини кузатиш, текшириш пайтида ўрганилган назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни турли ҳолатларга кўчириш йўли билан амалга оширилади. Дастлабки текшириш натижаларига қараб лаборатория ишларини бажаришга турлича тузатиш ва қўшимчалар киритилади. Бошқача айтганда, физикадан лаборатория ишларини бажариш коррекцияланади.

**Тўртинчи йўналиш.** Ўқувчи амалий фаолиятида амал қилинадиган тескари алоқани ҳисобга олиш. Физикадан лаборатория ишларини бажариш жараёнида амал қиладиган тескари алоқалар икки хил бўлади: ижобий алоқалар – бошқариладиган ўзгарувчан миқдорларнинг ошиб боришига оид тескари боғланишлар; салбий алоқалар – бошқариладиган ўзгарувчан миқдорлар камайишига тескари боғланишлар.

Масалан, "жисмларнинг ўзаро таъсири", "куч" мавзуларига доир лаборатория ишларини бажариш ўқувчи ўзлаштиришига қуйидагича ўзгарувчан миқдорлар қайд этилади: кучнинг жисмга таъсири; кучнинг сон қиймати; вектор катталиклар; кучнинг жисмга кўрсатадиган таъсири унинг модулига, йўналишига, қўйилган нуқтасига боғлиқлиги. Бу ўзгарувчан миқдорлар лаборатория ишини бажаришнинг объектив боришига бир (ўрганилмаган) ҳолатдан иккинчи (ўзлаштирилган) ҳолатга ўтади. Тескари алоқага оид ахборотлар ўзгарувчан миқдорлар ҳолатига – уларнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши фаолиятда ишлатилишига кўра тўпланади.

Масалан, "Ричаг ва унинг мувозанат шартлари", "Эшикни дастасидан ушлаб очиш" ва "Эшикни ошиқ-мошиғига яқин жойдан итариб очиш" мавзуларига доир лаборатория ишларини бажариш. Бу иккала усулга кўра қуйидагича муаммоли саволлар қўйилади. Иккала усулдан қайси бири қўлланилганда эшик осон очилади? Мазкур лаборатория ишини бажара олган ўқувчи навбатдаги муаммога зудлик билан жавоб топа олади. Эшик дастасини ошиқ-мошиққа яқин ўрнатиш мумкинми? Эшик дастасини ошиқ-мошиқдан узоқроқ ўрнатишнинг аҳамияти нимадан иборат? Юқоридаги муаммоли саволларга олинган жавоблар мазмунини ҳисобга олиб, ўқувчининг лаборатория ишларини бажаришда ўзлаштириш даражалари хусусида фикр юритиш мумкин. Демак, тескари алоқани ўзида акс эттирадиган ўзгарувчан миқдорлар ўқувчи ўзлаштириш даражалари тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради.

**Бешинчи йўналиш.** Ўқувчи амалий фаолиятини коррекциялаш. Ўқувчининг ўзлаштириш даражалари тўғрисида тескари алоқани амалга ошириш йўли билан тўпланган ахборотларни коррекциялаш имконини беради. Физикадан лаборатория ишларини бажаришда ўқувчи амалий фаолиятини коррекциялашнинг қатор йўллари мавжуд. Ўқувчи амалий фаолияти дастурига қўшимча киритиш. Дастур киритилган қўшимча билан такрорланади; ўқувчи амалий фаолияти дастурини ўзгаришсиз такрорлаш. Такрорлаш жараёнида юз берадиган камчиликларга кўра лаборатория ишларини бажариш коррекцияланади; дастур қурилиши ўзгартирилади. Агар лаборатория ишларини бажаришнинг олдинги даврида дедукция услубидан фойдаланиб лаборатория иши бажарилган бўлса, лаборатория ишини бажаришга доир ўқув материалининг қурилиши ўзгартирилган даврда индукция услуби билан ўқувчи амалий фаолиятини амалга оширишга риоя қилинади.

Физикадан лаборатория ишларини бажариш жараёнида ўқувчи амалий фаолиятини коррекциялаш





психологик жинсига ҳам ёш жиҳатдан, ҳам тан-вужуд компонентлари нуқтаи назаридан айнан мос тасвирларни акс эттирдилар. «Қисман мос» ориентациялар (мос равишда 23,1% ва 31,6%) расмларда акс эттирилган суратлар психологик жинс белгиларига эга бўлса-да, уларнинг ё ёши, ёки шакл-шамойили аслида ёш йигит ва қизлар, қолаверса, талабалар қиёфасига мос эмас эди. 19,2 фоиз йигитлар ва 15,8 фоиз қизлар расмларида эса тамоман қарама-қарши психологик жинс вакиллари қиёфалари акс эттирилганлигининг гувоҳи бўлдик. Уларда йигитлар олифта қизларни, қизлар эса айримлари бадбашара эркакларни чизганлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Бу гендер ориентировканинг номаъқуллигини, аслида бу ҳолат андрогинлик ҳам эмаслигини билдиради. Иккинчи гуруҳдагиларни эса қисман андрогин вакиллари дейиш мумкин, чунки уларнинг айримларида эркаклар соч-соқоли ўсган, тор шим ва аёлларга хос бўлган кўкрак қафаси ифодаланган бўлса, қизларникида аёл бўлишига қарамай, костюмда, кўзойнак ва портфеллар кўтарган ҳолда тасвирланганлиги бизни ажаблантирди (1-жадвалга қаранг).

2-жадвал

**Йигитлар ва қизлар гуруҳларида иккита методика бўйича маълумотларнинг мутаносиблиги**

| Гуруҳлар | Майсовр бўйича | | | Бэм бўйича | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | M | A | F | M | A | F |
| Йигитлар (n=26) | 57,7 | 23,1 | 23,1 | 19,2 | 53,8 | 26,9 |
| Қизлар (n=19) | 15.8 | 31.6 | 52.6 | 42,1 | 42,1 | 15,8 |

Биз бу услубнинг самарали ёки самарасиз эканлигини аниқлаш учун Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг биринчи курс талабаларида ҳам С.Бэм методикасини ҳамда Майсоврнинг ***«Одам расмини чизинг»*** методикасини бирин-кетин ўтказган эдик. Маълум бўлдики, иккала методика асосида олинган маълумотларда мутаносиблик мавжуд дейиш мумкин. Чунки Майсовр методикасида шасхдаги психологик жинснинг гендер йўналишини ижтимоий тасаввурлар воситасида аниқласа, Бэм методикаси ўз моҳиятига кўра шахсий фазилатлар орқали гендер тааллуқлиликни аниқлайди.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, йигитларда ҳам қизларда ҳам гендер мансубликда муайян қарама-қаршиликлар бор. Расм чизиш бўйича ўзидаги айнан маскулинликка алоқадорликни кўрсатган йигитларнинг 19,2 фоизигина Бэм бўйича маскулинлик уларга хос эканлигини эътироф этган бўлсалар, қизларнинг бундан-да кам қисми фазилатлар нуқтаи назаридан ўзларини феминин сифатларнинг соҳиби сифатида эътироф этганлар (15,8% иккала тоифа вакилларида ҳам андрогинлик сифатлар бошқа турларидан кўп ифодаланган (мос равишда 53,8 ва 42,2%%). Қизлар ўзларида эътироф этган маскулинлик йигитлар эътироф этган феминилликдан анча ортиқ – қизларда маскулинлик – 42,1 ва йигитларда феминилик – 26,9. Бу рақамлар тадбиркорлар оиласида тарбияланаётган йигит ва қизларнинг гендер йўналишида ўз психологик жинсига адекват бўлмаган сифатларнинг пайдо бўлаётганлигини, бу ҳолат йигитлардан кўра, қизларда жиддий тус олаётганлигини кўрсатади (2-жадвалга қаранг).

Демак, тадбиркорлар оиласидаги йигит ва қизларнинг психологик жинс ориентациялари уларнинг ноанъанавий (айниқса, қизлар учун) бизнес соҳасида фаолият юритишига маълум маънода мос келади, улар оилавий бурч ва масъулиятни ижтимоий-иқтисодий фаолият билан мувофиқлаштиришлари учун, қолаверса, ота ва онаси бошлаган ишни давом эттиришларига психологик тўсиқ йўқ эканлигини кўрсатади.

# ПЕДАГОГНИНГ ЎЗИНИ-ЎЗИ БАҲОЛАШИ

**О.У.АВЛАЕВ - А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ, психология фанлари номзоди**

Маълумки, ҳозирги замон ўқитувчиси муомаладошига тўғри (адекват), омилкор, оқилона ахборот узатиши ва унга суҳбатдошини ишонтира билиши (мотивацион, эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив йўллар орқали), мулоқотмандлик хусусиятини эгаллаши касбий зарурат ҳисобланади. Бу жараёнда педагог ўзини-ўзи тўғри баҳолаши катта аҳамиятга эга. Чунки, педагогик фаолиятни самарали ташкил этиш бу педагогнинг ўзини ўзи адекват баҳолашига ҳам боғлиқдир. Педагогни ўз-ўзига баҳо бериши нафақат ҳақиқатга яқин (адекват), тўғри бўлиши, балки у ўта паст ёки юқори ҳам бўлиши мумкин.

Педагогда *ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши* кўпинча таълим муассаса қўяётган талабларини уддалай олмаслик, турли хил эътирозларнинг доимий тарзда билдирилиши, ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги муомала жараёнидаги муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлиши мумкин.

Ўзини паст баҳолайдиган педагоглар ўзларини ва атрофдагиларни яхши қабул қилмайдилар, юқори ҳавотир ҳис-туйғусига эгалар, бу эса педагогик жараёнга салбий таъсир қилади. Бироқ кўпчилик замонавий педагогларда "салбий мен"-концепцияси, ўзига паст баҳо қўйиш, ишончсизлик юқори туради.

Педагогда ўз-ўзига баҳо *ўта юқори* бўлиши ҳам унинг хулқ-атворига яхши таъсир кўрсатмайди. Чунки, у ҳам педагогик фаолиятдаги ютуқлари ёки ундаги сифатларнинг бошқалар томонидан сунъий тарзда бўрттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади.

Педагогнинг ўзини *юқори* баҳолаши, эмоционал барқарорлик ва максимал ўзгарувчанлик

иқтисодий фаолият билан шуғулланиши ҳам табиий бир ҳолдир.

Шундай қилиб, талабалар меҳнат бирлашмасида демократик, инсонпарварлик тамойиллар ҳамда таълим жараёнининг барча элементларининг интеграцияси асосида ташкил топган маънавий муҳит ҳар бир талабада ҳам, талабалар жамоасида ҳам меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, ўзбек миллатига мансублигидан ғурурланиш каби инсоний фазилатларни шакллантириши, тарбиялаши, уларни турли-туман номақбул таъсирлардан ҳимоя қилишини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни // Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.: Ўзбекистон, 1998. - 20-29-б.
2. Маҳмудов Т. "Авесто" ҳақида. -Т.: Шарқ, 2000.- 63 б.
3. "Табиатшунослик асослари" фани дастури. Тузувчи.: Х.Алматов, Ж.Саидов. -Т.: ТошДПУ нашри, 2006. "Табиатшунослик ўқитиш методикаси" фани дастури. Тузувчи.: А.Г.Григорянц, Д.Ф.Абдуазимова. -Т.: ТошДПУ нашри, 2006.
4. Қуръони Карим (таржима: Алоуддин Мансур). -Т.: Адабиёт ва санъат, 1992.- 496 б.


Attraction students to labor are assisting in their spiritual and mental forming. In this process, students making a tangible wealth, consumer valued hand made products and in that way develop the economical position and demonstrating a national spiritual heritage of home country.

# ТАДБИРКОРЛИК МОТИВАЦИЯСИНИНГ ГЕНДЕР УСТАНОВКАЛАРГА БОҒЛИҚ БЎЛИШИДА ОИЛАНИНГ РОЛИ

Г.О.ОЧИЛОВА – ТДИУ тадқиқотчиси

Тўлиқ таркибли оилаларда тарбияланаётган ёшларнинг тадбиркорликка мойиллиги ва бизнес қобилиятларининг ижтимоий-психологик ҳамда гендер ўзига хослигига ота-онанинг таъсирини эмпирик жиҳатдан ўрганишда биз, тадбиркорларнинг оилавий муҳити ва ота-оналарнинг таъсирига боғлиқ бўлган икки жиҳатга эътиборни қаратдик: бу – *биринчидан*, йигитлар ёки қизларга уларнинг психологик жинсидан келиб чиқадиган хусусиятларига отанинг (ўғилга) ва онанинг (қизига) таъсири ҳамда, *иккинчидан*, ушбу таъсирнинг бўлғуси тадбиркорлардаги қобилиятларда қанчалик акс этиши масаласидир. Бунинг учун биз айнан ёшларга улардаги гендер ориентацияни ҳамда тадбиркорлик қобилиятларини баҳолаш тестлари билан мурожаат қилдик.

Тадқиқотда кўзлаган мақсадимиздан келиб чиқиб, биз оила муҳитида ота ва онанинг тутган мавқеи ҳамда психологик жиҳатдан ўзига яқин жинс вакили бўлган фарзандига таъсири орқали ўсмир ва ўспиринларнинг гендер ориентациясини билиш учун Майсоврнинг ***«Одам расмини чизинг»*** номли методикасини қўлладик. Бунда биз танлаб олинган оиладаги йигит ва қизларга оддий оқ қоғозга 5-10 дақиқа ичида хоҳлаган одам расмини – эркакми ёки аёлми, бунинг фарқи йўқ, инсон сурати бўлса бўлди, қабилида топшириқ бердик. Чунки методиканинг моҳиятидан келиб чиқадиган бўлсак, агар қиз бола аввал эркак расмини чизса, унда маскулин ориентация кучли эканлиги, йигит ҳам шундай топшириқ олиб, аввал аёлни чиза бошласа, демак, ундаги гендер ориентация – феминистик бўлишини тахмин қилдик. Лекин шу ўринда биз тадқиқотнинг бошидаёқ, агар респондент ушбу топшириқни бажараётиб, на эркак, на аёлга ўхшаш расм чизса, ёки бирдан ҳам эркак, ҳам аёл суратини чизса, унда барибир андрогинликка яқин гендер установка бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги ишчи фаразни ҳам илгари сурдик. Агар шундайлар аниқланса, уларга қўшимча тарзда Сандра Бэмнинг сўровномасини ҳам тўлдириб бериш топшириғини юклаймиз, деган ниятда сўровномани ҳам олдик. Чунки аслида бундай услубий ёндашув орқали биз Т.Бендасда келтирилган С.Бэм методикаларидан фарқли, бунда аралаш – андрогин сифат аниқланмайди, яъни метод ё маскулин, ёки феминин ориентацияни аниқлайди холос, мабодо аралаш, яъни таҳлил қилиш қийин бўлиб қолсагина ушбу сўровномани қўллаймиз, деган мақсадни ҳам кўзладик. Жами тадқиқотда қатнашган 45 нафар тадбиркор, бизнесмен ва фермер ота ёки оналарнинг шунча нафар ўсмирлик ҳамда илк ўспиринлик ёшидаги фарзандларида гендер ориентацияни аниқладик.

Жами 45 нафар ўғил ва қиз болаларнинг чизган расмларини психологик жинсга тааллуқлилигини таҳлил қилишимиз умуман олганда, улардаги гендер ориентировка муайян маънода тўғри эканлигини кўрсатди. Қуйидаги жадвалда иккала жинс вакили бўлган гуруҳларнинг чизган расмларида мутаносибликнинг кўрсатгичлари келтирилган.

1-жадвал

**Гендер ориентацияни ўрганиш натижалари** (n=45)

| Гуруҳ | Айнан мос ориентация | Қисман мос ориентация | Мосликнинг йўқлиги |
|---|---|---|---|
| Йигитлар расмлари (n=26) | 57,7 | 23,1 | 19,2 |
| Қизлар расмлари (n=19) | 52,6 | 31,6 | 15,8 |

Натижалар йигит ва қизларнинг ярмидан зиёдида гендер ориентировка айнан ўз психологик жинсига мос эканлигини кўрсатди, яъни 57,7 фоиз йигитлар ва 52,6 фоиз қизлар чизган расмлари орқали ўз





у ўқувчи амалий фаолиятида учрайдиган камчилик-хатолар, қўшимчалар, ўзгартирилган ўқув ҳолатлари, лаборатория ишларини бажаришга доир киритилган ўзгартиришларга биноан амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, физикадан лаборатория ишларини бажариш ўқувчи амалий фаолиятини даврий бошқариш, ўқув мақсадларини ойдинлаштириш, унинг реал билиш имкониятларини таҳлил қилиш, унинг ўқувчи фаолиятига дидактик таъсир қилиш тизимини аниқлаш, ўқувчи фаолиятига амал қиладиган ижобий ва салбий алоқаларни ўрганиш. Умуман олганда, физикадан лаборатория ишларини бажариш, хусусан, ўқувчи амалий фаолиятини коррекциялаш йўли билан амалга оширилади. Мазкур тадқиқот иши лаборатория ишларини бажаришнинг модули тавсифини олишини, унинг самарали амал қилишини таъминлайди.

Teachers on physical laboratory studies must use their practical knowledge directed to student's thinking abilities, in order to make for studies more understandable.

# РИВОЖЛАНИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРНИ ИНТЕГРАЦИЯЛАШ МУАММОЛАРИ

М.Р.ПЎЛАТХЎЖАЕВА, Д.Б.ЯКУБЖАНОВА - Низомий номидаги ТДПУ ўқитувчилари

Ҳозирги кунда кўплаб ривожланган мамлакатларнинг инклюзив таълим соҳасида эришган ютуқлари ва амалий ишлар ҳақида мақолалар ёритилмоқда. Ёш болалар ривожидаги жисмоний ва руҳий нуқсонларнинг турларига ва заифликларининг қай даражадалигини инобатга олиб турли мамлакатларда қўлланилаётган амалий чоралар уларни интеграциялаш ва жисмоний тиклашда муҳим омил бўлмоқда.

Республикамизда эса ушбу муаммога Давлат нуқтаи назаридан катта эътибор берилиб, ЮНЕСКО ташкилоти ҳамкорлигида босқичма-босқич татбиқ этилаётган инклюзив таълим амалий дастури қўлланилмоқда. Ушбу тавсияда мия фалажи бор бўлган болаларни ижтимоий тиклаш ва интеграциялашда даволовчи жисмоний тарбиянинг алоҳида аҳамияти борлиги ҳақида сўз боради. Маълумки, ҳаракат бузилишларини ўрта ва тизимли тарзда бартараф этиш-даволаш педагогик тадбирлар мажмуаси билан биргаликда амалга оширилади. Шунингдек, болалар бош мия фаолиятининг компенсатор имкониятларини аниқлаш ва кўплаб мураккаб нуқсонларни бартараф этиш ва олдини олишга имкон яратади. Ушбу жараёнда жисмоний тарбия алоҳида ўрин тутади.

**Церебрал фалаж болалар билан олиб бориладиган жисмоний тарбия ишларининг асосий вазифаси ҳаракатларни ривожлантириш ва меъёрлаштиришдир.** Шунинг учун, боланинг ҳаракат функцияларини ривожлантиришда аввало тананинг барча аъзоларининг ҳолатини назорат қилиш зарур. Церебрал фалаж бола тетиклик вақтида 20 дақиқадан ортиқ бир хил ҳолатда қолиши мумкин эмас. Бола узоқ вақт давомида бошини осилтириб, оёқларини букиб, йиғиб, елкаларини қийшайтириб ўтиришлари мумкин эмас. Кун давомида болани бир неча маротаба қоринга, қўл, оёқ елка ва бошини эгиб машқ қилдириш тавсия этилади.

Церебрал фалаж болаларда ихтиёрий ҳаракат илк малакаларини шакллантириш мақсадида катта пляж коптоклари, турли тутқичли дастак, ёстиқчалар каби махсус мосламалардан фойдаланиш лозим.

**Церебрал фалаж болаларнинг ҳаракатларини ривожлантиришда даволовчи гимнастика етакчи ўрин тутади.** Церебрал фалажда ҳаракат бузилишларининг ўзига хослигини инобатга олиб, даволовчи гимнастика қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этади:

- Бошнинг фазода ва танага нисбатан муносабатининг тўғри назоратини таъминлаш, постуал механизмини, мувозанатни ва танани тўғрилашни ривожлантириш;
- Қўл фаолияти ва предметли-манипулятив фаолиятни ривожлантириш;
- Кўрув мотор координациясини ривожлантириш;
- Тана аъзоларининг номутаносиблиги ва нотўғри ҳолатини бартараф этиш;
- Иккиламчи ҳаракат стереотипларининг шаклланишини бартараф этиш.

Даволовчи бадан тарбия церебрал фалаж болаларда ҳаракат сезгиларини юзага келтиради. Бундан ташқари, бадан тарбия жараёнида қўл-оёқ ҳолатлари меъёрлашади, мушаклар тонуси пасаяди, зўрайтирувчи ҳаракатлар камаяди ёки бартараф этилади. Бунинг натижасида бола ҳолатини ва ҳаракатларини тўғри хис эта бошлайди. Даволовчи машқларнинг бажарилишида кўрув (машқлар кўзгу олдида бажарилади), тактил (қўл-оёқларни силаш, турли матолар билан ўралган текисликда қўл-оёқларни таянтириш, ва бошқа (очиқ, ёпиқ кўз машқлар) сезгилари шаклланади.

Овоз ва нутқ стимулларидан машқлар давомида кенг фойдаланилади. Кўпгина машқларни, айниқса зўриқтириш ҳаракатлари билан боғлиқ машқларни мусиқа садолари остида бажаришлари яхши самара беради. Аниқ нутқий йўриқнома болаларнинг руҳий фаолиятини меъёрлаштириб, мақсад интилишни ривожлантиради, нутқий тушунишни яхшилайди, луғатни бойитади.

Шу тарзда болада ҳаракат анализатори билан турли алоқалар шаклланади, бу эса руҳий ривожланишининг муҳим омили саналади.

Ҳозирги кунда ёш авлоднинг бенуқсон ривожланишида айниқса умуртқа, тос суяклари ва

оёқ-қўлни тўғри шакллантиришда сузиш машқларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сузиш церебрал фалаж болага ҳам тавсия этилади, бу жараёнда ҳаракат-таянч аппарати ва боланинг мустаҳкам бўлмаган умуртқасига нисбатан тана оғирлигининг босими камаяди; оёқларнинг таянч кучининг шаклланиши ва мустаҳкамлаши учун мақбул шароит яратилади. Оёқнинг таянчсиз ҳолатидаги динамик тарзда ишлатилиши эса товонни тўғри ривожланишига ёрдам беради ва ясси оёқликнинг олдини олади. Тутқаноқлар кузатиладиган болаларга сузиш тақиқланади.

Церебрал фалаж болаларда ҳаракатларни меъёрлаш ва ривожлантиришда гидрокинезотерапия-сувда жисмоний машқларни ўтказиш алоҳида ўрин тутади. Айниқса, фаол ҳаракатларни шаклланишининг бошланғич даврида, сувда олиб бориладиган даволовчи жисмоний тарбия машқлари яхши самара беради. Сув муолажалари ёрдамида қўзғалиш ва тормозланиш жараёнлари меъёрлашади, мушаклар тонуси пасаяди. Тана аъзолари ва тўқималарининг қон айланиши яхшиланади.

Церебрал фалаж болалар ҳаракатларини ривожланиши учун даволовчи уқалашдан кенг фойдаланилади. Уқалаш таъсирида теридан асаб йўллари орқали импульслар тўплами марказий асаб тизимига боради. Бола қанча ёш бўлса унинг асаб-руҳий фаолиятини ривожлантириш учун тактил қўзғатувчи шунчалик катта ўрин тутади. Уқалаш бола организмига ҳар томонлама таъсир этади. Уқалаш натижасида асаб тизими фаолияти меъёрлашади, лимфа оқими тезлашади, шу тариқа тўқималарни моддалар алмашинуви маҳсулотларидан тез ва сифатли тозалашига ёрдам беради, мушаклар дам олади, қон айланиши яхшиланади, атрофияни секинлаштиради. Уқалаш усуллари церебрал фалажнинг шакли ва алоҳида мушаклар гуруҳининг ҳолатига кўра танланади.

Церебрал фалаж болалар шамоллаш ва инфекцион касалликларига жуда берилувчан, айниқса, юқори нафас йўллари касалликларига тез чалинадилар. Бу ҳолатлар марказий нерв тизими зарарланиши билан боғлиқ организм ретивлигининг умумий пасайиши ва юқори нафас йўлларининг тез-тез шамоллаши билан боғлиқ.

Фалаж болаларнинг соғлигини мустаҳкамлаш учун уларни эрта ёшдан бошлаб чиниқтириш лозим. Чиниқтириш усуллари касалликнинг даражаси, боланинг ёши, ўзига хос хусусиятларига кўра танланади.

Церебрал фалаж билан туғилган бола ҳаётининг биринчи йилида чиниқтириш тадбирлари алоҳида кунда ўтказилади, кейинчалик эса бу тадбирлар кундалик парвариш жараёнида амалга оширилади.

Церебрал фалаж болаларни жисмоний тарбиялаш худди соғлом болалар каби ҳаракат функцияларининг босқичма-босқич шаклланишининг назарий концепциясига асосланади. Жисмоний тарбия жараёнида боланинг ёши ҳаракат камчиликларининг сифат хусусиятлари билан биргаликда боланинг руҳий хусусиятлари маторикаси ривожланиш даражаси ҳам инобатга олинади.

Ушбу тавсиялар ниҳоясида шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, ривожланишида нуқсони бўлган болаларга ижтимоий тиклаш ва интеграциялашда шифокор, жисмоний тарбия ўқитувчилари ва ота-оналардан юқори малака ва фидокорлик талаб этилади.

# ДУДУҚЛАНУВЧИ БОЛАЛАР БИЛАН ЎТКАЗИЛАДИГАН МАШҒУЛОТЛАР

**Д.Т.ПЎЛАТОВА - Низомий номли ТДПУ ўқитувчиси**

**I-даврда**

Нисбий сўзлашмаслик (сукут сақлаш) тартиби.

- Мурожаат қилишда шивирлаб гапиришдан фойдаланиш кўникмаси;
- Фикрни имо-ишора орқали ифодалаш кўникмаси;

**Нафас:**

- Оғиздан нафас олиш ва чиқариш кўникмаси;
- Бурундан нафас олиш ва чиқариш кўникмаси;
- Оғиздан нафас олиш ва бурундан чиқариш кўникмаси;
- Бурундан нафас олиш ва оғиздан чиқариш кўникмаси;
- Нафас олганда тўхтаб туриш кўникмаси;
- Охиста нафас чиқариш кўникмаси.

Мускуллар реалаксацияси бўйича машғулотларда, нутқнинг суръати ва ритми бузилган болалар учун барча гуруҳларда ўтказилади.

- Бир унли товушни оҳиста нафас чиқариб, талаффуз этиш кўникмаси;
- Икки унли товушни оҳиста бир нафас чиқаришда талаффуз этиш кўникмаси;
- Уч унли товушни оҳиста бир нафас чиқаришда талаффуз этиш;
- Нафас олишда қоринни шишириш кўникмаси;
- Нафас чиқаришда қоринни бўшатиш кўникмаси;

Артикуляцион аъзолари:

- Лабларни зарур ҳолатга келтириш кўникмаси;
- Лабларнинг керакли вақтгача зарур ҳолатда ушлаб туриш кўникмаси;
- Тилни зарур ҳолатга келтириш кўникмаси;
- Тилни керакли вақтгача зарур ҳолатда ушлаб туриш кўникмаси;
- Пастки жағни зарур ҳолатга келтириш кўникмаси;
- Пастки жағни керакли вақтгача зарур ҳолатда ушлаб туриш кўникмаси;
- Лунжларни шишириш ва оҳиста нафас чиқариш кўникмаси;
- Бир артикуляция ҳолатидан бошқасига оҳиста ўтиш кўникмаси;
- Барча товушлар артикуляциясини аниқлаш.





ўсимликлар, уларнинг маданий ва ёввойи турларини, мазкур ҳудуд бўйича "Ўзбекистон қизил китобига кирган ўсимликлар ва ҳайвонлар" турларини намоён қилиш, уларни тиклаш ва кўпайтириш бўйича мустақиллик йилларида амалга оширилган ишларга доир рақамли статистик маълумотлар тўплаш жоиздир; ва ҳ.к.

Маълумки, талабалар меҳнат бирлашмалари меҳнат жамоаси ҳисобланиб, улар ишлаб чиқариш тамойиллари асосида ташкил этилади. Уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятининг мазмуни ва характери тегишли қурилиш корхоналари, фермер хўжаликлари томонидан берилган ишлаб чиқариш топшириқларига боғлиқдир. Шу боис уларнинг аъзолари ўртасида ишлаб чиқариш жамоалари учун хос бўлган меҳнат муносабатларини ўрнатишга, талабалар маънавиятини шакллантиришга кенг имкониятлар яратилади. Бу эса талабаларнинг у ёки бу ишлаб чиқариш корхонасидаги унумли меҳнатини олдиндан аниқ белгилаб олинган режа (ишлаб чиқариш топшириқлари), меҳнат буюртмаларини бажариш графиклари, назорат ва ҳисоботнинг жиддий шакллари ва ҳ. к. асосида ташкил этилишини нафақат ишлаб чиқариш режасини ўз вақтида сифатли бажариш нуқтаи назаридан, балки талабалар жамоасида соғлом маънавий-ахлоқий ва руҳий муҳитни шакллантириш жиҳатидан қарашни ҳам тақозо этади.

Талабалар меҳнат бирлашмасида унумли меҳнатни ташкил этиш, бошқариш ҳамда уларнинг бўш вақтини самарали ўтказиш бўйича куратор фаолиятининг марказида талаба туради.

Талабалар меҳнат бирлашмалари унумли меҳнат тизим ташкил қилувчи функцияни ҳам бажаради.

Шу боисдан ҳам ўқув режадаги иқтисодиёт назарияси, экология, математика, она-тили, болалар адабиёти ва фольклор, меҳнат таълими, Ўзбекистон тарихи ва ҳ.к. фанларнинг савол, мавзу, бўлимларини табиатшунослик фанлари билан интеграциялашуви асосида ўрганиш учун шароит яратилади.

Шу билан бирга талабалар меҳнат бирлашмаси жойлашган худуд ўсимликлар флораси ва ҳайвонот дунёсини ўрганиш бўйича юқорида баён қилинган ижодий топшириқлар билан бир вақтда уларни иқтисодий, экологик мазмун билан йўғрилган якка ва жамоавий топшириқларни бажаришга жалб қилиш жуда асқотади. Бундай топшириқлар сирасига мустақиллик йилларида табиатни муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган тадбир-чоралар туфайли мазкур ҳудуддаги ёввойи ва маданий ўсимликлар ҳамда ҳайвонот дунёсининг республикамиз иқтисодиётининг ривожланишига, мамлакатимиз валюта хазинасининг бойишига қўшган ҳиссасини ўрганиш *(табиатшунослик асослари, экология, иқтисодиёт назарияси, математика);* пахта, сабзавот экинлари зараркунандаларига қарши курашда биологик методлардан фойдаланишнинг кўлами ва иқтисодий самарадорлигини намоён қилиш (табиатшунослик асослари, экология, иқтисодиёт назарияси, математика); қурилиш ташкилоти, фермер хўжалигининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастури ва уни сифатли бажариш бўйича меҳнат жамоаси фаолиятини ўрганиш, бу жараёнда тежаб қолинган материаллар, хомашё, ёнилғи миқдори ҳамда ишлаб чиқаришни кам чиқимли технологияга ўтказишнинг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш (табиатшунослик асослари, экология, иқтисодиёт назарияси, математика); суст, ўрта ва кучли шўрланган ерларда пахта ва сабзавот экинларидан кейинги 2-3 йилда олинган ҳосил миқдорини камайишини таҳлил қилиш ва уни бартараф этиш бўйича фермер хўжалигининг табиатни муҳофаза қилиш бўйича дастурини ўрганиш ҳамда ер реьлефини ҳисобга олмасдан экинзорларни суғоришда ортиқча сув сарфи ва сув эрозияси туфайли етиштирилган маҳсулот тан нархининг ортишини аниқлаштириш ва тавсиялар ишлаб чиқиш (табиатшунослик асослари, экология, Марказий Осиё географияси, иқтисодиёт назарияси, математика); ва ҳ.к.ни кўрсатиш мумкин.

Ўтказилган илмий изланишлар меҳнат бирлашмаларида талабалар унумли меҳнатини уларнинг ОЎЮда эгаллаган назарий билимлари билан мунтазам боғлаб бориш асосида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини маънавий шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитлари намоён қилинди:

- олий ўқув юрти ўқув-тарбия жараёнида таълимни унумли меҳнат билан боғлаш ва маънавий тарбия вазифаларини акс эттириш;
- қурилиш, қишлоқ отрядлари таркибида унумли меҳнат қилаётган талабаларни меҳнат жамоалари ишлаб чиқариш муносабатларига, турли даражада (талабалар, гуруҳлар, гуруҳлар-цехлар ва ҳ.к.) ўтказиладиган мусобақаларга жалб қилиш;
- талабалар қурилиш, қишлоқ хўжалик отрядларида меҳнат қилаётганларни мунтазам равишда фанлар бўйича ишлаб чиқилган индивидуал ва жамоавий ўқув ва ижодий топшириқларни бажаришга жалб қилиш, уларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш;
- талабалар ижтимоий фойдали унумли меҳнатини таълим билан боғлаш бўйича академгуруҳ мураббийлари қурилиш, қишлоқ хўжалик отрядлари раҳбарлари ва ўқитувчилар фаолиятини психологик ва касбий-педагогик йўналтириш;
- талабалар меҳнат бирлашмалари таркибида уюштириладиган унумли меҳнат жараёнида улар ўртасидаги ижтимоий муносабатларда инсонийлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам, ҳурфикрлик, гўзал одоб-ахлоқ нормалари асосида яшаш ва фаолият кўрсатишга, талабаларда ўз мавжудлик ҳолатидан қониқмаслик ҳиссини, уни мудом такомиллаштиришга интилишни рағбатлантиришни отряднинг ишлаб чиқариш ва тарбиявий иш режасида устувор деб ҳисоблаш ва уларни рўёбга чиқаришга мунтазам ҳаракат қилиш;
- талабалар қурилиш, қишлоқ хўжалик отрядлари шароитида уларни маънавий шакллантиришга йўналтирилган тарбиявий тадбирларнинг мазмуни, уларни тайёрлаш ва ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш.

Талабалар қурилиш, қишлоқ хўжалик отрядида бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари кундалик фаолиятда унумли меҳнатни бажариш баробарида

# УНУМЛИ МЕҲНАТ-ТАЛАБАЛАРНИ МАЪНАВИЙ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА

**Н.ШОДИЕВ – СамДу, педагогика фанлари доктори, профессор**
**Ў.ЎТАНОВ – СамДУ Касбий таълим методикаси кафедраси катта ўқитувчиси**

Меҳнат инсон ҳаётининг, унинг ўсиб камол топишининг, у яратган моддий ва маънавий бойликларнинг асосий манбаи эканлиги халқимизнинг бой маънавий меросида, унинг “Авесто”, “Қуръон” каби муқаддас китобларида, ҳадисшунос мутафаккирларимизнинг асарларида ўз аксини топган. “Авесто” ўтмиш аждодларимизни деҳқончилик ва чорвачилик меҳнати билан шуғулланишга даъват этган, **фақат меҳнат туфайлигина инсонлар бахт-саодатга эришишлари мумкинлигига бундан 3 минг йил аввал гувоҳлик беради** [2]. **Худди шунингдек, Қуръонда ҳам ҳар бир инсоннинг меҳнат қилиши ҳам фарз ҳам қарз эканлиги алоҳида уқтирилади** [4].

**Меҳнат ҳам намоз, рўза, закот, ҳаж каби ибодатдир. Меҳнатнинг энг олийси-илмдир. Илм олиш эса ибодатнинг энг афзалидир. Зеро, Қуръонда “илм”-сўзи 754 жойда тилга олингани бежиз эмас.** Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да меҳнат тарбияси устувор қилиб қўйилганлигини таъкидлаш жоиз[1].

Унумли меҳнат жараёнида-талабалар фан асослари бўйича янги билимларни эгаллайдилар, илгари олинган билимларни мустаҳкамлайдилар; талабаларда олинган билимлар асосида амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратилади; талабалар қатор ахлоқий, иқтисодий, эстетик, ҳуқуқий категориялар билан ишлаш, ўз меҳнат фаолиятларида уларга сўзсиз риоя қилиш кўникмаларини шакллантира олиш имкониятига эга бўладилар.

Ўтказилган тадқиқотлар республикамиз ОЎЮ ларида таълимни унумли меҳнат билан боғлаш тамойилини амалга ошириш, асосан улар базасида биринчи курсдан то охирги курсгача талабалар ихтиёрий меҳнат бирлашмаларини тузиш анъанага айланганлигидан, мазкур соҳа бўйича маълум тажрибалар тўпланганлигидан далолат беради. Одатда, академ гуруҳ мураббийлари раҳбарлигида ташкил қилинадиган ва бошқариладиган талабаларнинг шанбаликларда, ихтиёрий меҳнат бирлашмаларидаги ижтимоий фойдали унумли меҳнатлари ҳамда ОЎЮ ўқув режасига киритилган ўқув устахонасида практикум, ишлаб чиқариш (педагогик) амалиёти ва ҳ.к. мазкур тамойилни рўёбга чиқаришнинг зарур шарти бўлиб хизмат қилади.

Юқорида баён қилинган ишнинг самарадорлигини ошириш учун “Бошланғич таълим ва тарбиявий иш” таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ ижтимоий-гуманитар, умумкасбий ва б.қ. фанлар блоклари бўйича талабаларга уларнинг меҳнат бирлашмалари таркибида унумли меҳнатда иштирок этиш даврида бериладиган маънавий мазмун билан йўғрилган ўқув ва ижодий топшириқлар профессор-ўқитувчилар томонидан ишлаб чиқилиши ва уларни ёзги таътил ва кузги семестр бошланишидан анча олдин меҳнат бирлашмаларининг ҳар бир аъзосига топширилиши мақсадга мувофиқлиги синовдан ўтказилди.

Талабалар меҳнат бирлашмаларида унумли меҳнатни самарали ташкил этиш баробарида, унинг олдиндан тузиб қўйилган маънавий-ахлоқий ва маърифий иш режасига мувофиқ, бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида мазкур таълим йўналиши ўқув режасига киритилган иқтисодий-гуманитар, умумкасбий ва махсус фанлар бўйича юқорида кўрсатилган таълим принципларини рўёбга чиқарувчи маънавий мазмун билан бойитилган индивидуал ва жамоа топшириқларини бажаришга жалб қилиш асқотади. Жумладан, “Табиатшунослик асослари”, “Табиатшунослик ўқитиш методикаси” фанлари [3] бўйича талабалар меҳнат бирлашмаси жойлашган ҳудуд (ўлка)нинг флораси, ҳайвонот дунёси, ер ости ва ер усти бойликларини ўрганиш, материаллар, гербарийлар тўплаш, тизимлаштириш учун талабаларга бериладиган топшириқлардан айрим намуналар келтирамиз:

- ҳудуднинг ўсимликлари билан танишинг, бунда пахта майдони, унинг атрофидаги, йўл ёқаларида, ариқ, канал, сув ҳавзаларидаги ўсимликларни ўрганишга эътибор беринг, ҳар бир талаба ўзига таниш бўлган ўсимликлар рўйхатини тузсин, бунда уларни мевали, манзарали, ёввойи ҳолда ўсадиган гуруҳларга бўлиб ёзиб борсин, нотаниш ўсимликлар номларини ёд олишни йўлга қўйиш учун бирлашма аъзолари ўртасида ахборот алмашишни йўлга қўйинг;
- мустақиллик йилларида доривор ўсимликлардан тайёрланган таъсир этиш қуввати кучли, инсон вужудига салбий таъсир қилмайдиган дорилар рўйхатини тузинг;
- ҳудудда соғлом турмуш тарзига путур етказаётган ўсимликлар турлари билан танишинг ҳамда ўқувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилишнинг аҳволини ўрганинг ва ҳ.к.

Худди шунингдек, бошланғич мактабда “Табиатшунослик” фани бўйича дарс ва синфдан ташқари машғулотларда фойдаланиш учун “Табиатни муҳофаза қилиш ҳамманинг бурчи” кўргазмасини (жамоа бўлиб бажарилади) ташкил этиш мақсадида “Ота-боболар табиатни асраш тўғрисида ” рукнида маҳаллий халқ томонидан авлоддан-авлодга бериб келинаётган мақол, панду-насиҳат, тез айтишув, ҳадис, ривоятларни, “Доривор ўсимликларни ва уларнинг аҳамияти” рукнида турли касалликларни даволашда қўлланилиб келинаётган





**Овоз:**
- Бир унли товушни паст овоз билан талаффуз қилиш кўникмаси;
- Бир унли товушни ўрта баландликдаги овоз билан талаффуз қилиш кўникмаси;
- Бир унли товушни нафас чиқаришда чўзиб паст овоз билан талаффуз қилиш кўникмаси;
- Бир унли товушни нафас чиқаришда баланд овоз билан чўзиб талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир унли товушни талаффуз этишда овоз кучини пастдан баландга ўзгартириш кўникмаси;
- Бир унли товушни талаффуз қилишда овоз кучини баланддан пастга ўзгартириш кўникмаси;

**Логоритмика:**
- Берилган йўналиш бўйича логопеднинг биргаликдаги ижросида, чапак чалиш, тақиллатиш, доирача овози жўрлигида юриш кўникмаси;
- Берилган топшириқ бўйича мусиқа жўрлигида битта бўлиб юриш кўникмаси;
- Берилган топшириқ бўйича мусиқа жўрлигида жуфт бўлиб юриш кўникмаси;
- Юриш вақтида нарсани четлаб айланиб ўтиш кўникмаси;
- Юриш вақтида бир-биридан узоқ жойлашган нарсаларни четлаб ўтиш кўникмаси;
- Юришни мустақил содда нутқ жўрлигида (санаш, такрорланадиган бир турдаги қофияли мисраларни) бажариш кўникмаси;

**II-даврда**

Мускуллар реалаксацияси бўйича топшириқлар:
- Тасаввур бўйича қўл мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тасаввур бўйича оёқ мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тасаввур бўйича гавда мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тасаввур бўйича бўйин мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тасаввур бўйича юз мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тасаввур бўйича артикуляция аъзолари мускулларини бўшаштириш кўникмаси;
- Тинч ҳолатда бирор вақт бўлиш кўникмаси.

**Нафас:**
- Диафрагмал-қовурға нафас усулидан фойдаланиб, оғиздан нафас олиш ва чиқариш кўникмаси;
- Диафрагмал-қовурға нафас усулини қўллаб бурундан нафас олиш ва чиқариш кўникмаси;
- Диафрагмал-қовурға усулини қўллаб оғиздан нафас олиш ва бурундан чиқариш кўникмаси;
- Нафас чиқаришда нафасни ушлаб туриш кўникмаси;
- Берилган бир турдаги иккита бўғинли сўзни талаффуз этиб, равон нафас чиқариш кўникмаси;
- Берилган бир турдаги қатор бўғинларни талаффуз этиб оҳиста нафас чиқариш кўникмаси;
- Оҳиста нафас чиқариб уч товушдан иборат сўзларни талаффуз этиш кўникмаси.

**Овоз:**
- Бир нафас чиқаришда паст овозда икки унлини навбати билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда паст овозда уч унлини навбати билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафасда ўрта баландликдаги овозни, икки унлини навбати билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда баланд овозда навбати билан икки унлини талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда баланд овозда учта унлини навбати билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Икки унли товушни навбати билан талаффуз этиш вақтида овоз кучини пастдан баландга ўзгартириш кўникмаси;
- Учта унли товушни навбати билан талаффуз этиш вақтида овоз кучини пастдан баландга ўзгартириш кўникмаси.

**Логоритмика**
- Берилган йўналиш бўйича мусиқа жўрлигида гуруҳ бўлиб юриш кўникмаси;
- Юриш вақтида бир-биридан узоқ жойлашган бир неча нарсаларни четлаб ўтиш кўникмаси;
- Юришни нутқ жўрлигида мустақил бажариш кўникмаси (шеър, жумлалар билан);
- Нафас машқларини қўлнинг турли ҳаракатлари билан логопеднинг нутқи асосида бажариш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда уч товушдан иборат сўзни куйлаб талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда очиқ бўғинлардан иборат икки сўзни куйлаб талаффуз этиш кўникмаси;
- Бўғинларни овоз билан ажратиб қўшиқ айтиш кўникмаси;

**III-даврда**

Мускуллар реалаксацияси бўйича топшириқлар:
- Қўл мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Оёқ мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Гавда мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Бўйин мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Юз мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Артикуляция аъзолари мускулларини ишонтириш орқали бўшаштириш кўникмаси;
- Тинч ҳолатда узоқ вақт бўлиш кўникмаси;
- Нутққа боғланган ҳаракатларни назорат қилиш кўникмаси;

**Нафас:**
- Оғизни хиёл очиб узоқ вақт нафас олиш кўникмаси;
- Диафрагмал-қовурға нафас усулини қўллаб, узоқ нафас олиш кўникмаси;
- Нафас олишда елкаларни кўтармаслик кўникмаси;
- Узоқ ва оҳиста нафас чиқариш кўникмаси;
- Берилган бир қатор товушларни талаффуз этиб, узоқ ва оҳиста нафас чиқариш кўникмаси;
- Берилган жумлани талаффуз этиб, узоқ ва оҳиста нафас чиқариш кўникмаси;

**Овоз:**

- Бир нафас чиқаришда навбат билан бир неча унли товушларни паст овоз билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда унли товушларни сонорлар иштирокида навбати билан алмаштириб паст овоз билан талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда бир неча унли товушни навбати билан ўрта баландликдаги овозда талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда бир неча унли товушларни навбати билан баланд овозда талаффуз этиш кўникмаси;
- Унли товушларни сонорлар иштирокида талаффуз этишда овоз кучини пастдан баландга ўзгартириш кўникмаси;
- Унли товушларни сонорлар иштирокида баланддан пастга ўзгартириш кўникмаси;

**Логоритмика:**

- Унли товушларни сонорлар иштирокида берилган йўналиш бўйича колонна бўлиб бирин-кетин логопеднинг нутқи иштирокида чапак чалиш, тақиллатиш, барабан овози жўрлигида юриш кўникмаси;
- Берилган йўналиш бўйича колона бўлиб бирин-кетин мусиқа жўрлигида юриш кўникмаси;
- Юриш вақтида бир-бирига яқин жойлаштирилган нарсаларни четлаб ўтиш кўникмаси;
- Мустақил қўшиқ айтиб юриш кўникмаси;
- Нафас машқларини турли ҳаракатлар билан логопеднинг нутқи жўрлигида бажариш кўникмаси;
- Берилган ҳаракат ва нутқ жўрлиги суръатини бир вақтнинг ўзида идрок этиш кўникмаси;
- Берилган ҳаракат ва мусиқа жўрлиги суръатини бир вақтнинг ўзида идрок этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда бир неча сўзни куйлаб талаффуз этиш кўникмаси;
- Бир нафас чиқаришда жумлани куйлаб талаффуз этиш кўникмаси;
- Қўшиқ айтишни ҳаракатлар билан боғлаш кўникмаси.

# ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ҚЎЛ МЕҲНАТИНИНГ АҲАМИЯТИ ВА ҚОҒОЗДАН АМАЛИЙ ИШЛАР

**А.ЙЎЛДОШЕВА, Н.ҚОСИМОВА - Низомий номидаги ТДПУ Дефектология факультети 4-босқич талабалари**

Ҳозирги кунда жамиятимиз учун ҳар томонлама ривожланган фан техника тараққиётини ҳаётга татбиқ эта оладиган етук малакали кадрларни тайёрлаш муҳим масалалардан биридир.

Баркамол авлодни тарбиялаш ва жамиятда фаолият юритиши инсониятнинг энг ёрқин орзуси бўлиб келган. **Демак, мукаммал етук инсон бўлиб етишишида ақлий қобилият, кўриш қобилияти, эшитиш қобилияти, нутқий малакалари, умумий ривожланиши катта асос бўлиб хизмат қилади.**

Ёш авлоднинг меҳнат тарбияси таълим-тарбия муассасаларининг асосий негизи бўлиб келаяпти.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар мактабида меҳнат таълими ва меҳнат тарбиясини бериш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Меҳнат дарслари орқали эшитишида нуқсони бўлган болаларда меҳнатга қизиқиш, шахсий эмоционал иродавий ҳисларни ривожлантириш, келажакда жамиятда ўз ўрнини топишга ёрдам беради.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар мактабида меҳнат фаолияти мобайнида меҳнатга муносабат, унинг ижтимоий шароитда қадр-қимматини тушунишини тарбиялайди, жамоада ишлашни ўргатади. Эшитишида нуқсони бўлган болалар мактабида меҳнат тарбиясининг вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиб, меҳнат фаолиятида оғзаки нутқни ривожлантириш луғатини шакллантириш ва фаоллаштириш, махсус билимларни шакллантириш, ҳар қандай ишни мустақил ва онгли бажаришга ўргатиш, фикрлашни ривожлантириш, меҳнат жараёнида кетма-кетлигини режалаштириш бўйича билимларни беришни амалга оширади.

**Эшитишида нуқсони бўлган болаларда меҳнат таълимининг асосий вазифалари ўқувчиларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, меҳнат орқали уларнинг, нуқсонларини коррекциялаш, камайтириш, оғзаки нутқини ривожлантириш, уларда ижобий ва шахсий сифатларни тарбиялашдир.**

В.П.Кашенконинг таъкидлашича қўл меҳнати "асосий, етакчи фан сифатида тан олиниши ва барча тарбиявий ва таълимий ишларимизнинг асоси бўлиши лозим" деб эътироф этганлар.

Қўл меҳнати дарсларида эстетик тарбия ҳам амалга оширилади. Ўқувчиларга тақдим этиладиган буюмлар эстетик тушунчаларнинг шаклланишига ёрдам беради. Қўл меҳнати машғулотларида эшитишида нуқсони бўлган ўқувчиларни касб-корлик меҳнат таълимига тайёрлаш амалга оширилади. Бунга қоғоз, картон, лой ва газлама, сим ва ёғоч билан ишлаш, шунингдек конструктор билан ишлаш хизмат қилади.

Биринчи синфда эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар энг аввало меҳнат дарси машғулотларидагина эмас, балки бошқа дарсларга ҳам боғлиқ бўлган материаллар билан танишадилар. Бу барча ўқув анжомлари, дафтар, китоблар, ўқув қўлланмалари, босиладиган қоғоз турлари: ёзиладиган, муқова қилинадиган, босма, расм солинадиган, китоб ва ойнома қоғозларидир.

Таълим жараёнида ўқувчилар қоғозларнинг асосий ҳусусиятларини масалан, ранги, зичлиги, қалинлиги, силлиқ ёки ғадир-будирлиги билан танишадилар. Эшитишида нуқсони бўлган болалар машғулот давомида қоғозни буклаш йўли билан ҳар хил шакллар ясаш, бўяш, чизиш, деталларни ёпиштириш ишларини амалий бажарадилар. Айниқса, рангли қоғоз билан ишлаш болаларнинг фантазиясини бойитади, ижодий ривожлантиради, диққати, тасаввурини фаоллаштиради. Қўл меҳнати иродани тарбиялайди, мўлжал олишни ва рангларнинг уйғунлигини ўстиради.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни қўл меҳнати жараёнида тежамкорликка, вақтдан унумли фойдаланишга, ишларни режалай олишга, иш жойини тоза ва озода сақлашга, умуман айтганда техник ҳавфсизликлари ҳам инобатга олинади.

Меҳнат дарсларида ҳам кўргазмали қуроллардан фойдаланилади. Кўргазмали қуроллардан кенг ва унумли фойдаланиш, қўйилган мақсаднинг амалга ошишида катта ёрдам беради. К.Д.Ушинский ўқитишда кўргазмалиликнинг муҳимлигини таъкидлаб шундай ёзади: "Болага қандайдир номаълум бўлган 5 та сўзни ўргатинг, у узоқ вақт бекорга қийналади, лекин 20 та шундай сўзни расмлар билан боғласангиз, бола уларни тез ўзлаштиради"...

Эшитишида нуқсони бўлган ўқувчилар қўл меҳнатини ташкил этиш шартлари қуйидагилардан иборат:

1. ўқув фаолиятининг доимий ўзгарувчи характери (бажарилиш жараёнида, мустақил ривожланишида, ижодий мустақил ривожланишида).
2. оғзаки нутқининг ривожланиши ва нутқий эшитувини шакллантиришга йўналган билим, малака, кўникмаларни эгаллаш жараёни.
3. дарсдаги ақлий меҳнат тартиби.

Машғулот давомида кўргазмаларни ясаш босқичларига риоя қилган ҳолда, дарс давомида қуйидагиларни ясашлари мумкин:

**1. "Кабутар"ни ясалиш усуллари** ва кўрсатмали қуролини ясаш учун керакли жиҳозларни тайёрлаш

Ясаш босқичлари:

1-босқич: Кабутар симметрик бўлганлиги учун иккига букланган рангли қоғозлардан қирқиб тайёрланади.

2-босқич: Бунинг учун рангли қоғоз иккига букланади ва унинг бир томонига кабутарнинг бир бўлак андозаси қўйилади. Сўнгра қаламда чизиб чиқамиз ва қайчида қирқилади.

3-босқич: Кабутарнинг ўзига хос қисмлари (тумшуғи, кўзи, танаси, қанотлари) бўёқда бўялади. Бунда кабутарни яхлит кўринишда бирлаштириб турувчи томон қирқмасдан қолдирилади.

4-босқич: Кабутарнинг қанотлари 1-расмда кўрсатилганидек буклаб қўйилади.

5-босқич: Кабутарнинг танасини елимлаш жараёнида орасига ип қўйилса, илиб ёки осиб қўйиш мумкин бўлади.





**2. "Чинни гул"нинг ясалиш усуллари**.

Ясаш босқичлари:

1-босқич: Квадрат қоғоз диагонали бўйлаб тенг иккига букланади.

2-босқич: Икки учи тепа томонга қарата букланади ва кичик квадратча ҳосил бўлади.

3-босқич: Унинг ўртасидан яна иккига букланади, сўнг тепа ва ён томонини қайчида қирқилади. Таҳидан очилади ва 2-расмда кўрсатилганидек кўринишга эга бўлади.

4-босқич: Энди унинг четларини расмда кўрсатилганидек буклаб, яхлит гул тасвири тузилади ва безатилади.



Бу кўрсатмали қуролдаги тасвирлар симметрик шаклда бўлганлиги сабабли, уларни рангли қоғозлардан чизма асосида қирқиш осондир.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни қўл меҳнати дарсларида ўрганган билим, малака, кўникмаларини янада мустаҳкамлаш учун ўзлари мустақил қирқиш, ясаш ишларни бажаришга қаратилган. Бу эса ўз навбатида эшитишида нуқсони бўлган болаларни майда қўл маторикасининг ривожланишига, бу эса оғзаки нутқининг ривожланишига бевосита ёрдам беради.

Қўл меҳнат фаолияти эшитишда нуксони бўлган ўқувчиларнинг ижодий меҳнати ва техник тарбиясининг ривожланишида меҳнат малакалари ва билим билан куроллантириш ижтимоий ҳаётга тайёрлашда самарали натижа беради.

**Адабиётлар**

1. Ф.А. Рау. Устная речь глухих. -М., 1992 г.
2. Ф.А.Рау, Ф.Ф.Рау. Методика обучения глухонемых произношению. -М., 1990 г.
3. Т.В.Розанова. Некоторые особенности образной памяти глухонемых детей. «Специальная школа», 1992, № 1.
4. Н.Ф.Слезина. О временном использовании сокращенной системы фонем при первоначальном обучении глухонемых детей устной речи. -М., 1990г.

Children with limited hearing abilities should be engaged to some productive activity, because, in this way those limitations will take some corrections and developed other positive and personal abilities.